


# O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№7. 2020

ISSN 2181-8150

*Бўлса ғастурхонда ионка белиннат  
Ва тинчлик, олонлик – шудир саодат.  
Дежқонинги қўйилди доим шу фикр,  
Хирмонлар ўяди шу ўйда фақат.*





**Б**у йил синовлар йили бўлди. Жаҳон миқёсида мислсиз талафотларга олиб келган, манаман деган давлатларни ҳам шошириб қўйган пандемия, қанчалик эҳтиёт чоралари кўрилмасин, Ўзбекистонга ҳам чанг солди. Бухородаги кучли шамол, Сардоба сув омборидаги талафот оқибатлари меҳнаткаш халқимиз сабрини, бардошини қайта-қайта синовдан ўтказди.

Боз устига бу йил олдинги йилларга нисбатан сув танқис бўлди. Оби ҳаётнинг ҳар бир томчисини тежабтергаб ишлатиш, сувдан мақсадсиз фойдаланишнинг олдини олиш, сув истеъмоли маданиятини ошириш, тежакор технологияларни жорий этиш кўламини кенгайтириш сув хўжалиги тизими ходимлари олдидаги энг долзарб ва асосий вазифадир.

Вазирлик матбуот хизмати мана шу жараёнларда «қайнаётган», қишлоқ хўжалик экинлари ва аҳоли томорқасига сув етказиб бераётган сувчи ва миробларнинг захматли меҳнатларини вазирлик расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, умуман, оммавий ахборот воситалари орқали баҳоли қудрат ёритиб келмоқда.

Матбуот хизмати ходими билан муҳбирнинг, хусусан, журналистнинг катта фарқи бор. Муҳбир бир мавзуни ёритиш учун «бирровга бош суқади», жуда нари борса ўзига керакли материални тўплаб бўлгунича бир кун, икки кун, тоқати етса ўн кунча «меҳмон» бўлади. Албатта, «меҳмон»га дардингизни дастурхон қилмайсиз. Тўғри, бирон соҳани ёритишга ихтисослашган, унинг баланд-пастини айрим мутахассислардан чуқур биладиган журналистлар ҳам бор. Масаланинг яна бир томони шундаки, кўпчилик соҳа вакиллари, одатда, журналистларга яхши хислатларини ошириб, ташвишларини яшириб кўзатишга ҳаракат қиласди. Жамият

## СУВЧИЛИК – САВОБ ИШ улар фаолиятини ёритиш эса ифтихордир

кўзгуси бўлган оммавий ахборот воситаларида ўзини чиройлироқ кўрсатиш, ўзгалар ҳавасини келтиришининг аслида ҳам ҳеч қандай айби йўқ, менимча.

Матбуот хизмати ходими сифатида соҳанинг ичига киргандан кейин унинг дарди, ташвишлари билан бирга яшайсиз. Энди сиз меҳмон эмас, мезбонсиз. Рамзий маънода айтганда, улар тўқ бўлса тўқ, оч бўлса оч, ташвиш чекса шериксиз. «Сардоба» сув омборидаги талафот туфайли канал ва сув иншоотларига етган заарни бартараф этиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш учун республикамиздаги сув хўжалиги ташкилотларидан 420 дан зиёд техника, шунингдек, 900 дан ортиқ малакали қурувчи-мутахассис жалб қилинди. Улар учун чодирлар қурилиб, ётоқ жой, уч маҳал иссиқ овқат ва бошқа зарур шароитлар яратилди. Оқолтин тумани Учтом гидроузели биносида Сув хўжалиги вазирлиги штаби тузилиб, иш кекча кундуз йўлга қўйилди.

Ана кунлари вазирлик матбуот хизмати ходимлари ҳам ўз фаолиятини Сардобага кўчиради. Чодирда яшаб, сувчилар, қурувчилар билан бир дастурхондан нон еб, уларнинг машақатли меҳнатларини ёритиб борди. Май оидаги ёмғирли кунларда тиззагача ботган тупроқ-лойни писанд қилмасдан каналларни тиклаётган техникилар, тунги соат бир-иккida бетон олаётган қурувчиларнинг иш жараёни – ҳамма-ҳаммаси биз олган фото ва видеотасвирларда сақланиб турибди.

Ўзига яраша қўйинчилклар ҳам бўлди, лекин ҳеч ким иш жойини ташлаб кетмади. Баҳор мавсуми, экин экиш даври ўтиб кетмасидан тезроқ сув етказиб бериш, халқимиз озиқ-овқат дастурхонига ҳисса қўшишдек савобли ишга бел боғлаган сувчиларни ягона мақсад бирлаштириди. Ваъда қилинган санада сув очилди. Ана ўша

жараёнларда «Марказий тармоқ», «Ўнг тармоқ», «Чап тармоқ» каналларига сув келиши ҳақидаги репортажлар, экскаваторчилар, бетончиларга бағишлиланган туркум лавҳалар яратилди.

Албатта, соҳанинг бошқа йўналиш ва тармоқларида ҳам улкан ўзгаришлар бўляяпти. Биргина сув тежовчи технологиялар ҳақида тўхталадиган бўлсак, республикамизда ҳозирги кунга қадар 130 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилган бўлиб, шундан томчилатиб сугориш 77 минг 400 гектарни ташкил этади. Бу йил 43 минг 825 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш режалаштирилган. Шундан 38 минг 745 гектарини томчилатиб сугориш, 1 минг 520 гектарини ёмғирлатиб сугориш ва 3 минг 560 гектарини дискрет (пульсар) сугориш тизими ташкил этади.

Шу каби тизимда амалга оширилаётган ишларни ёритишда Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва вилоятлардаги ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари матбуот хизматларининг ҳиссаси катта бўлаётганини эътироф этиш жоиз.

Доно халқимиз бир пиёла сув келтирганни «Умринг сувдай сероб бўлсин» деб дуо қиласди. Агар сувчилар юз минглаб гектар майдонларга етказиб берётган сувни пиёла эмас, чепаклаб ўлчаганда ҳам саноқда миллиарду триллионлар камлик қилиб қолади. Шунинг учун ҳам, улар касбидан ғуруранади, элнинг дуоси билан доимо қаддини баланд кўтариб юради.

Биз ҳам ана шу соҳанинг вакилига айланганимиз билан, улар билан ҳар бир кунни бирга яшаб, фаолиятини баҳоли қудрат ёритиб келаётганимиз билан фаҳрланамиз.

**Шуҳрат СУЮНОВ,**  
Сув хўжалиги вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчisi – матбуот котиби. Шуҳрат Суюнов 1976 йили Қашқадарё вилояти Яккабог туманида туғилган. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тутугатган. «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори.

“

**Шуҳрат СУЮНОВ – Сув хўжалиги вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчisi – матбуот котиби. Шуҳрат Суюнов 1976 йили Қашқадарё вилояти Яккабог туманида туғилган. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тутугатган. «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори.**

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАЛАРИНИ СИНАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎГРИСИДА

Республикада ишлаб чиқарилгаётган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни замонавий, сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бора-сида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, хорижий давлатлардан кириб келаётган айрим қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг республиканинг тупроқ-икклим шароитларига мос келмаслиги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда белгиланган агротехник тадбирларни амалга ошириш вақтида қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Худудларнинг тупроқ-икклим шароитидан келиб чиқиб, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашнинг самарали синаш ва ўлчаш усуспарини кенг жорий этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини синаш ва сертификатлашни давлат томонидан қўллаб-куватлаш мақсадида:

1. Куйидагилар қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологияларини синаш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ресурс тежайдиган замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологиялари синовига оид техник жиҳатдан тартиба солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда уларнинг агрегатлари ва бутловчи қисмларини республика худудларининг тупроқ-икклим шароитларида самарали қўллаш ва уларнинг ишончлилигин текшириш учун тегишли синовларни ўтказиш;

соҳани ривожлантиришга кўмаклашувчи инновацион усуплар,

дастурлар ва истиқболли ғояларни қўллаб-куватлаш, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда уларнинг агрегатлари ва қисмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар фаолиятига самарали илмий ишланмаларни кенг жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари синовини ўтказувчи лабораторияларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, соҳага юкори малакали мутахассисларни жалб қилиш учун қулай шартшароитлар яратиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 январдан бошлаб**:

импорт қилинадиган ҳамда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг агрегатлари ва бутловчи қисмлари учун мувофиқлик сертификатларни расмийлаштириш тизими йўлга кўйилади. Бунда, лаборатория асбоб-ускуналари ва ўлчов воситаларига эга бўлмаган ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларига сертификат берилишига йўл кўйилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, “Ўзстандарт” агентлигининг **2023 йил 1 январга қадар** Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган синов усукупалари ва ўлчаш воситаларини божхона божидан озод қилиш тўгрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, синов усукупалари ва ўлчаш воситалари синов лабораторияларини аккредитация, шу жумладан, халқаро аккредитация талаблари асосида жиҳозлаш учун ишлатилади.

4. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологияларини синаш ва сертификатлаш тизимини токомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологиялари-

га нисбатан талабларни белгилайдиган стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни хатповдан ўтказсин;

2020-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологиялари ва уларни синаш усулларига нисбатан талабларни белгилайдиган зарур стандартларни халқаро талаблар асосида қабул қилиш бўйича тармоқ жадвалини тасдиқласин.

6. „Ўзстандарт“ агентлиги икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳолда қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари бўйича тармоқ стандартларининг рўйхатдан ўтказилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи ташкилотлар билан биргаликда уч ой муддатда амалдаги стандарт ҳамда меъёрларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг тури бўйича синов дастурларини ишлаб чиқсан ҳамда тасдиқласин;

лаборатория асбоб-ускуналари ва ўлчов воситаларига эга бўлган хусусий ташкилотларни қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларига сертификат бериш учун аккредитациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқсан;

хорижий давлатларнинг синов марказлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, уларнинг илғор тажрибаларини республикада босқичма-босқич жорий этиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази (кейинги ўринларда – **Марказ**) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қишлоқ хўжалиги техникаларини халқаро талаблар асосида синаш учун **замонавий синаш ускуналари ва ўлчаш воситалари рўйхатини** шакллантирсиз ва жорий **йилнинг якунига қадар** уларни ҳарид қилиш чораларини кўрсиз.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

„Ўзстандарт“ агентлиги билан биргаликда 2020 йил 15 декабрга қадар қишлоқ хўжалиги техникаларини синаш ва сертификатлаш бўйича халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Марказнинг синов лабораториялари халқаро аккредитациядан босқичмабосқич ўтказилишини таъминласин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳарид қилинган синаш воситаларининг қурилиш-монтаж ишлари ҳамда ўқитишда қатнашадиган хорижий мутахассисларни кириш ҳужжатларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилишида амалий ёрдам кўрсатсин;

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва қурилиш-лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда Марказнинг моддий-техник базасини босқичмабосқич мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқсан ва Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Марказни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит ҳамда грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсиз;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда **уч ой муддатда** ягона давлат реестрига киритилмаган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари, уларнинг агрегатлари ва бутловчи қисмларини етказиб берганлик ҳамда улардан фойдаланганик учун, **2021 йилнинг 1 январига қадар** ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган техникалар бундан мустасно, жавобгарликни белгилаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, „Ўзстандарт“ агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳисобидан **2020 йил 1 декабрга қадар** мувофиқлик сертификатига эга бўлган ва давлат

синовларидан ўтган импорт қилинган ва республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиорация техникаларининг ягона давлат реестри интеграциялашган ахборот тизимини ўтказсан.

Белгилансинки, ушбу ахборот тизимида қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг сертификатга эга эканлиги, синовдан ўтганлиги, балансда сақловчи корхона ҳақида тўлиқ маълумотлар акс эттирилади.

10. „Ўзстандарт“ агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари синови синов шартларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилиши ҳамда ягона давлат реестрига киритилган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларидан экинларни етиштиришда фойдаланилиши устидан доимий назорат ўрнатсан.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги соҳага тегишли олий таълим муассасалари битирувчи талабаларининг амалиёти қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини синаш ҳамда сертификатлаш ишларига интеграция қилишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсан;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази фаолиятини ташкил этишга оид Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсан.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2020 йил 27 июнь.**

## ЁЗ ЧИЛЛАСИДА ФЎЗА ПАРВАРИШИ

**СУГОРИШ.** Ғўзага берилган минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, унинг ривожини жадаллашириш ва мўл ҳосил тўплашда сугоришнинг аҳамияти камтадир. Шу сабабли, иккинчи, учинчى марта азотли ўғитлар билан озиқлантирилган майдонларда пешма-пеш сугориш, бу йилги салқин об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, енгил сугоришни ташкил этиши лозим. Бунда жойнинг тупроғи, механик таркиби ва еrostи сувларининг сатҳини ҳисобга олиб, сугориш муддати, меъёри ва сони қўйидагича белгиланади: сизот сувлари сатҳи чуқур жойлашган ерларда ғўзанинг гуллаш ва ҳосил туғиши даврларида сугориш меъёри енгил механик таркибли тупроқларда гектарига 800–900 м<sup>3</sup>, ўрта ва оғир тупроқларда 900–1000 м<sup>3</sup> бўлса, сизот сувлар сатҳи юза жойлашиб, 2–3 метрдан 0,5–2 метргача бўлган тупроқларда юқоридағи меъёрлардан 10–15 фоизга камайтирилиши мумкин.

Ғўзанинг гуллаш даврида сугориш давомийлиги механик таркиби енгил тупроқларда 14–16, ўрта ва оғир тупроқларда 16–18, қыйғос гуллаш ва ҳосил туғиши даврида эса мос равишида 16–18 ва 18–20 соатдан ошмаслиги керак.

Сугоришдан кейин ғўза қатор орасида тупроқ етилиши билан юза ва майин культивация қилиниши керак. Культивация кечиктирилса, кесак ҳосил бўлиб, сувдан самараси сезимлай, шона ва гуллар тўкилиб кетади.

Сувдан сувгача ғўза қатор орасига 2 марта ишлов берилади, бунда сугоришдан кейинги культивация ва сугоришдан олдинги эгат олишда механизмларнинг ишли органдарининг тўлиқ ва тўғри ростланишини назорат қилиш зарур.

**ОЗИҚЛАНТИРИШ.** Ғўзалар гулга кира бошлаган пайкалларда охирги озиқлантириш ишлари амалга оширилади. Бунда азотли ўғитлар гектарига соф ҳолда 70–75 кг (аммиакли селитра 210–225 кг) ва фосфорли ўғитлар соф ҳолда 40–50 кг (аммофос 80–100 кг ёки оддий суперфосфат 220–275 кг ёки супрефос 170–215 кг ёки PS-Агро 100–125 кг) берилиши лозим. Минерал ўғитлар тўғри берилиши учун ғўза қатор оралари 90 см бўлса, минерал ўғитлар ғўза қаторидан 30–35 см ёнига, 60 см, қатор оралиғида эса қатор орасининг ўртасига 14–16 см чуқурликка солинади.



Жорий йил ғўза парвариши ҳар йилгидан фарқ қилиб, 15–20 кун кеч ривожланаётгани кузатилмоқда. Шунга қарамасдан, ёз чилласида ғўза парваришида бажариладиган агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиши, жадал агротехникани қўллаши билан ҳосилнинг эртаги, ҷўгининг баланд ва сифатининг юқори бўлишини таъминлаши мумкин. Бунда ғўзани мақбул сугориш, озиқлантириши, стимуляторлар билан ишлов берши ва албатта чилшини оқилона ўтказиши ишларига жисдидий эътибор берши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғўзани озиқлантиришнинг охирги муддати биологик ривожланиши бўйича ёппасига гуллай бошлиши, яъни гуллашининг 10-кунигача ёки июль ойининг бошигача тўлиқ тутгалланиши керак. Бундан кечикса, ғўзанинг ривожланиш даври чўзилиб кетиши мумкин. Бу йилги шароитда чигит қайта бузиб экилган далаларда ҳамда ғўза ривожи кечки бўлган жойларда минерал ўғитлар билан кўшимча озиқлантириш ишларини 15 июнгача тутгаллаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Минерал озиқлантириш ишларини жадаллаштириш учун сугоришдан олдин ва сугориб бўлинган далаларда сувдан кейин ер оби-тобига келганда культивация билан қўллаш ҳам яхши самара беради.

**БИОСТИМУЛЯТОРЛАР БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ.** Бу йилги иқлим шароити ва ғўзанинг ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, стимуляторлар билан ишлов бериш ишларини ғўзанинг гуллаш ва ҳосил туғиши даврларигача давом этириш керак. Бунда Давлат кимё комиссияси рўйхатидан ўтказилган ва ғўзада юқори самара берадиган кўйидаги стимуляторларни қўллаш тавсия этилади. Жумладан, Узгуми 0,4 л/га, Геогумат 1,6 л/га, Лебозол Калий 450 – 5,0 л/га, Ҳосилдор 0,6 л/га, Биодукс 2,0 мл/га, Мэрс 0,5 л/га ва бошқа шунга ўхшаш илмий-тадқиқот институтлари томонидан синовдан ўтказилган ва пахтачиликда юқори самара берган стимуляторларни қўллаш ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, ҳосилдорликни 15–20% оширади.

**ЧИЛПИШ.** Ғўзанинг бўйи 70–80 см. гача ўсиб, 11–12 та ҳосил шохи шаклланганда ҳосил элементларини кўпайтириш, тезроқ кўсакка айлантириш ва пишиб етилишини жадаллаштириш учун чилпиш ўтказилади. Яъни бу даврда ғўзани чилпиш энг муҳим ишлардан саналади. Чилпишни бу йил эртароқ ўтказиш орқали, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини янада тезлаштириш мумкин. Шунда ҳосил элементлари тўкилиши камаяди, гул ва кўсаклар сони ошади, ғўза зааркундаларнинг салбий таъсири камаяди, кўсакларнинг пишиши 5–10 кунга тезлашади, ҳосилдорлик гектаридан 3–4 центнердан 6–8 центнергача ортади.

Чилпиш кўлда, механизм ёрдамида ёки "Сожеан", "Энто жеан" ва бошқа таркибида мепикват хлорид бўлган ретарданлардан фойдаланиб амалга оширилади.

Ғўзани чилпишнинг кечиктирилиши ёки сифатсиз ўтказилиши оқибатида пояси бўйига ўсиб ғовлаб кетади, пахта ҳосили 15–20% камайиб, пишиб етилиши 7–10 кунга кечикиб, кўсаклари кичрайиб, вазни камайиб, ғўза сербарг бўлиб, кўсаклар қобиги қалинлашиб, ҳашаротларни ўзига кўпроқ жалб этади.

Бу йилги шароитда ғўза навлари хусусиятларига қараб, унумдор тупроқларда ғўза тупида 12–13, ўртacha унумдор тупроқларда 11–12 ва унумдорлиги паст ерларда 10–11 ҳосил шохи тўпланганда чилпиш ўтказиш тавсия этилади. Қўшқатор экилган ерларда бу тадбирни ғўза тупида 9–10 дона шох ҳосил бўлганда ўтказиш мумкин.

Чилпиш кўлда ўтказилганда ғўза

бош поясининг энг учки 1–2 см қисми (бироз оқиши рангли бўлади) юлиб (чимидиб) олиниши керак. Чунки чилпиши сифатига қўйилган асосий талаб шундан иборат. Агар шундай қилинмай, поянинг уч қисми чукур 5–10 см юлиб олинса, ғўзага салбий таъсир этиб, бир-икки дона шона ва гул ҳам юлиниб кетади. Бу эса тўлиқ пишиб етилиши мумкин бўлган 3–5 ц/га ҳосилнинг бой берилиши демақдир. Шу сабабли, фермерлар ва мутахассислар чилпишини бошлашдан олдин дала ишчилари ўртасида тушунириш ишларини олиб бориши ва чилпиши жараёнини жиддий назорат қилишлари, бу усулда чилпишини бир-икки марта тақорор ўтказишлари талаб этилади.

Механик усулда чилпиши ғўзанинг юқори қисмини кесиб ташлаш культиваторнинг олд қисмига маҳсус мослама ўрнатилган ҳолда амалга оширилади. Бу усулда чилпиши ғўзанинг бўйи жуда баланд ўсиб кетган далаларда унинг бўйига мосланиб амалга оширилиши ҳамда ғўзанинг уч қисмининг ортиқча кесилиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Чилпишнинг кимёвий усули, бу – энг самарали ва замонавий усул бўлиб, бунда таъсир этувчи модаси мепикват хлорид бўлган ретардантлардан фойдаланилади. Бунинг учун "Сожеан"

ёки "Энто жеан" ва шунга ўхшаш препаратлар суғоришдан 5–7 кун аввал ёки суғоришдан 5–7 кун кейин ОВХ ва бошқа пуркагич мосламаларда 250–300 л/га сувга аралаштирилиб сепилади. Шунда дорилар ғўзанинг барги орқали яхши сингиб, танаси бўйича бир хил тарқалади ва ўсимлик ҳужайраларининг бўлинишини тўхтатади, натижада ғўза бўйига ва ёнига ўсишдан тўхтайди, барглари тўқ яшил рангта киради, ўсимликнинг ривожланиши ва ҳосил тўплаши жадаллашиб, қаторлар орасида ҳаво алмашинуви ва микроиқлим яхшиланади, ғўзанинг тепа қисмida 3–4 дона бўлиқ кўсак пайдо бўлади. Энг асосийси, пишиб етилиши 7–8 кунга тезлашади, биринчи терим салмоғи 6–7 центнерга, умумий ҳосил 3–8 ц/га ортиб, ҳосилни қисқа муддатларда юқори навларда йигиштириб олишга имконият яратилади.

Кимёвий усулда чилпишда аввал тракторнинг сув бакига ярмигача тоза сув тўлдирилади, сўнгра белгиланган препарат мөёбирикка бакка бир хил миқдорда бўлиб-бўлиб солинади ва унинг устидан сув куйилиб, охиригача тўлдирилади. Сўнг бу суюқлик тракторнинг маҳсус аралаштиргичи ёки кўлда бирор мослама билан яхшилаб аралаштирилади ва шундан кейингина

далага сепишга рухсат берилади. Республика мизда ғўзанинг ривожланиши ҳолатига қараб, "Сожеан" ёки "Энто жеан" препаратлари гектарига 90–100 г кўлланилиши тавсия этилади.

Агар "Сожеан" ёки "Энто жеан" препаратлари ғўзанинг ёшлиқ даврларида шоналаш даврининг бошида бўйи 20–25 см бўлганда 15 г/га, гуллаш бошланганда (ғўза бўйи 55–60 см) 45 г/га сепилган бўлса, чилпиши даврида 90 г/га сепиш етарлидир. Лекин олдин ушбу препаратлар кўлланилмаган сизот сувлар юза жойлашган далалардаги ғўзаларга 100–110 г/га кўллаш керак бўлади.

Пахтакор фермерлар ва соҳа мутахассислари юқоридаги тавсияларга амал қилишса, бу йилги ғўза ривожи кечкилигига қарамасдан, ҳосил эртаги, мўл ва сифатли бўлиб етилиши билан бирга, йигим теримни қисқа муддатларда ўтказиш, пахта хомашёсини юқори навларга сотиш ва иқтисодий самародорликнинг ортишига эришадилар.

**Шуҳрат АБДУАЛИМОВ,**  
к.х.ф.д., профессор,  
**Бегали НИЁЗАЛИЕВ,**  
к.х.ф.д., профессор,  
**Феруза ҲАСАНОВА,**  
к.х.ф.н., профессор,  
ПСУЕАТИ.

## ТАВСИЯ

### БОҒЛАРДА ҲОСИЛ СИФАТИГА ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТАЙЛИК

(июнь ойида боғбонлар баҳарадиган агротехник тадбирлар)

**Ё**нинг энг иссиқ (чилла) ойи ҳисобланган айни кунларда боғбону соҳибкорларнинг ишлари янада қўпайган. Уларнинг асосий мақсади, пишиб етилган турли ноз-неъматларни сифатли қилиб йигиб-териб олиб, ҳалқимиз дастурхонига тормиқ этиши билан бирга, маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиши. Чет эл мамлакатларида бизнинг меваларимизга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Баҳорнинг эрта келиши, ҳаво-ҳароратининг юқори бўлиши боис, мевалар хар йилгига нисбатан 15–20 кун олдин пишиб етилмоқда. Айниқса, июнь ойида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши туфайли боғларда меваларнинг пишиб етилиши тезлаша бошлади. Узоқ жойларга юбориладиган меваларни техник пишиш ҳолатида, ички бозорга чиқариладиган меваларни эса физиологик пишиш ҳолатида узиш тавсия этилади. Узилган мевалар сараланади ҳамда идишларга (идиш ва

транспорт турига қараб) жойланади.

Боғбон-соҳибкорлар боғлардаги ҳосилни сақлаб қолишлари учун саратон сувига қондириб суғоришга эътиборни қаратишлари зарур. Июль ойида қўёш ҳароратининг энг юқори даражага кўтарилиши сабабли мевали дарахтларнинг сувга бўлган талаби ортади. Бу вақтда сув ичган боғларнинг ҳосилдорлиги ортади, мевасининг сифати яхшиланади ҳамда меваларнинг тўкилиши камаяди. Ушбу ойда боғларни 2–3 марта қондириб

суғориш керак. "Чилла суви – тилла суви" деб, ҳалқимизда бежиз айтилмаган.

Ҳосилли боғларни суғориш учун боғларда дарахт тупларидан 80–90 см узоқлиқда ариқ олинади.

Агарда июнь ойида боғлар озиқлантирилмаган бўлса, у ҳолда озиқлантириш органик ўғитлар билан қўшимча "шарбат" усули орқали берилса, яхши натижада беради. Бунинг учун боғ-тоқзорларнинг юқори қисмидан сув келадиган йўлда хандақ ковланиб, гўнг солингач, сувга тўлдирилади, 3–4 кун аралаштириб, сўнг экинга таралади.

Агарда органик ўғитлар бўлмаса, дарахтлар яхши ўсиб ривожланиши учун минерал ўғитлардан аммофос (100 кг) ва калий ўғитлари (100–120 кг) билан қўшимча озиқлантирилса яхши самара беради.

Боғларни суғоришда ерости суви чукур жойлашган бўз тупрокларда сув

24–36 соат давомида жилдиратиб суфорилади. Оғир соз тупроқларда суфориш миқдори 700–800 м<sup>3</sup>/га, тошлоқ тупроқларда 400–500 м<sup>3</sup>/га миқдорда суфорилади.

Янги боғларда ҳар туп кўчат атрофига 100–120 г. дан азотли, 50 г. дан фосфорли ўғитлар солиб, 2–3 маротаба қондириб суфорилади.

Тупроқда намликни сақлаш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида боғлар қатор ораларида тупроқ етилиши билан 12–15 см чуқурлиқда культивация ўтказилади.

Интенсив боғларда ўғитлар сувда эритилиб, томчилатиб суфориш трубалари орқали берилади, бунда самарадорлик ортиб, ўғитлар тежалади.

Боғларда асосий агротехник тадбирлардан бири, бу – июль ойи бошидан ёш ва ҳосилли боғларда ёзги шакл беришни ўтказиш. Ёш боғларда дарахт танаси сийраклаштирилиб, худди эрта баҳордагидай шакл бериш амалга оширилади. Дараҳт шоҳ-шаббаларининг зичлиги камайтирилганида, танасига куёш нурининг тушиши яхшиланиши эвазига шоҳларнинг ҳосилга кириши тезлашади. Келгуси иили эрта баҳорда кучли кесиш ва сийраклаштириш ишларига ҳожат қолмайди.

Ёш интенсив боғларда янги новдалар симбағазларга эгиб боғланса, мева куртакларининг шаклланиши жадаллашади. Новдани боғлашда иложи борича эркин ушлаб 70–80° бурчак остида эгиш зарур.

Июль ойида боғларда парша ва монилиоз касаллиги, мева ва қўнғир рангли ўргимчак каналар, нок шира бургасининг ривожланиши кузатилса, уларга қарши 1 фоизли Бордо суюклигини пуркаш керак. Олма куртининг учинчи авлодига қарши "Вектра" 100 л сувга (30 г), "Сапроль" ёки "Топсин" (100 г) препаратлари комплекс ҳолда пуркалса, яхши самара беради.

Мева ва қўнғир рангли ўргимчак каналарга қарши намланувчи олtingугурт (100 л сувга 0,6–1 кг) 12–15 кг/га миқдорида пуркалса яхши натижা беради.

Беҳизорларда монилиоз касаллигидан заарланган новдаларни тезда кесиб, боғдан чиқариб ёқиб юбориш лозим.

Данакли мевалилардан шафтоли

ва олхўри меваларини узоқ муддат сақлаб бўлмайди (кўпি билан бир ой сақланади). Шунинг учун уларнинг меваларини қутиш мақсадга мувофиқдир. Мевалар салқин ерларда ёки маҳсус палаткаларда (полиэтилен плёнка билан қопланган) қутилса, қуриган меванинг сифати анча юқори бўлади ҳамда узоқ муддат сақланади.

Олинган ариқларга туп оралиғи 20–25 см қилиб экилади. Бунда 1 гектарга 44,4 мингдан 71,4 минг донагача кўчат экилади. Экиладиган қулупнай кўчатлари яхши ривожланган илдиз тизими камидаги 4–5 см ўсган, 2–3 барг чиқарган бўлиши керак.

Кулупнай кўчатини экиш олдидан майдон қондириб суфорилади, сўнг

кулупнай кўчатлари кўлда 5–7 см чуқурга экилади. Июль ойида ҳарорат юқори бўлғанлиги боис, кўчатлар куннинг иккинчи ярмида, соат 17:00 дан кейин экилади. Кўчатлар экиб бўлингач, ҳаво ҳароратига қараб, 2–3 кун давомида жилдиратиб сув бериб, тупроқда намлик сақланади.

Орадан 8–10 кун ўтгач, экилган кўчатлар текшириб чиқилади. Бунда тутмаган, қуриган кўчатлар ўрнига янгиси экилади.

Кейин ҳар 8–10 кунда, кузга бориб, ҳар 15–20 кунда бир маротаба сув берилади.

Шуни унутмаслик керакки, қанчалик қулупнай кўчати июль ойининг ярмiga экиб бўлингача бўлса, шунчалик кузгача (3–4 дона) кўп ҳосил куртагини ташкил этади.

Токзорларда ток туплари қалинлашиб кетишига йўл қўйилмаслик керак. Ток тупларида узум бошларини соялатиб қўядиган бачки новдалар кучли ўсиб кетганда, уларда 2–3 та барг қолдириб, қолган қисми қирқиб ташланади, чунки улар ҳосилнинг етилишини, новданинг пишишини кечикириди ва замбуруғли касалларининг ривожланишига сабаб бўлади. Осилиб қолган новдалар кўтарилиб, боғлаб кўйилади.

Токзорларда хомтокларнинг сифатли бажарилишига эътиборни қаратиш, қалинлашиб кетган ва оидиум (кул) касаллиги токзорларда тарқалгани кузатилса, уларга қарши туйилган олтингугурт билан чанглатилиши керак. 1 гектарга 30 кг олтингугурт ва 10–15 кг оҳак кукуни кўшиб, ОШУ-50 осма чанглагичда ишлов берилади.

Юқорида тавсия этилган агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилса, боғ-токзорлардан мўл ҳамда сифатли мева-узум маҳсулотлари этиширишига эришилади.

**Равшан АБДУЛЛАЕВ, қ.х.ф.н.,**

**Хилола АБДУЛЛАЕВА,**

**қ.х.ф.ф.д. (PhD),**

**Академик М.Мирзаев номидаги**

**БуевИТИ.**



Республикамизда резавор мевали ўсимликлар ичидаги қулупнай ўсимлиги ёзда июль-август ойларида кўчатидан экилади. Жорий йилнинг 15 июлидан 15 августигача экилган кўчатлар келаси иили тўлиқ ҳосил беради. Бундан кеч экилганда, ҳосилдорлик камаяди, кузда экилган кўчатлар тўлиқ кўкаради, аммо келаси иили кам ҳосил беради. Бунинг сабаби, кеч экилган қулупнай кўчати келаси иили учун тўлиқ мева куртакларини ҳосил қила олмайди.

Бу йил қулупнай меваси эрта пишиб етилгани боис, июнь ойида қулупнайзорларга органик ҳамда минерал ўғитлар солиб, туп атрофлари юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланиб, суфорилган. Натижада, қулупнай ўсимлиги келаси иили учун ҳосил куртагини ташкил қилиш билан бирга ипсимон ўсимталарнинг тезлик билан ўсиб ривожланиши сабабли янги кўчатлар ташкил бўла бошлади.

Қулупнайзор ташкил этиш учун текис, унча нишаб бўлмаган, сув билан яхши таъминланган майдонлар танлаб олинади. Майдонга шудгор олдидан тупроқ унумдорлигига қараб 40–60 тонна ярим чириган гўнгга 600–1000 кг суперфосфат аралаштириб солинади. Сўнгра майдон камидаги 30 см чуқурликда ҳайдалиб, кетидан текисланади ҳамда кўчатларни экиш учун ариқлар олинади. Кўчатлар қатор оралари 70–90 см, шағалли тупроқларда 60 см қилиб

## ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР ПАРВАРИШИ

**Оқ бош карам.** Ўғитлаш. Сабзавотлар ичидә оқ бош карам тупроқ унумдорлигига маъдан ўғитларга ўта талабчан бўлиб, қадимдан суфориб келинаётган типик бўз тупроқларда азот – 240 кг/га, фосфор – 160 кг/га, соф калий – 100 кг/га; ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда эса азот – 200 кг/га, фосфор – 160 кг/га, соф калий – 120 кг/га берилади.

Йиллик фосфор ўғитларининг 70-75% миқдори, калийнинг 50% ерга асосий ишлов беришда, қолган 25-30% фосфорни 50% азот билан биргаликда карам кўчати тўлиқ тутиб олгандан сўнг, биринчи комплекс ишлов олдидан қатор ораларига ўсимликларга яқинроқ берилади. Қолган азотнинг 50%, калийнинг 50% билан биргаликда карам бош ўрай бошлагандага ўсимлика яқинроқ қилиб берилади.

**Суфориш.** Бўз тупроқли ерларда карамга 8-10 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 6-8 марта сув бериш тавсия этилади. Суфориш меъёри гектарига 500-550 м<sup>3</sup>.

Ўртаги карамга ҳар сафар 7-9 кун ўтказиб туриб, жами 14-15 марта сув берилади. Кечки карам ўсув даврининг бошларида 7-10 кун оралатиб, кузга яқин эса 10-12 кун оралатиб суфориб борилади.

**Зааркунандаларга қарши кураш.** Оқ бош карамнинг карам бити, карам куяси, қарши биологик усулдада – олтинкўз, хонқизи қўнғизлари қўлланилади. Барг кемириувчи карам оқ капалаги куртига қарши трихограмма, катта ёшдаги куртиларга қарши бракон энтомофаглари



кўлланилади. Кимёвий усулда препаратларни биронтасидан – 25% Цираксдан – 0,2 л/га, 25% к.э. Циперметриндан – 0,16 л/га, 10% к.э. Фьюридан – 0,1 л/га, 15% эм.к. Аваунтдан 0,4 л/га фойдаланилади. 600-700 литр сувга тайёрланган аралашма ишлатилади.

**Гулкарам.** Ўғитлаш. Сабзавотлар ичидә гулкарам тупроқ унумдорлигига минерал ўғитларга ўта талабчан бўлиб, бошоқли дондан ёки бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан сўнг такро-ран кечки муддатда экилганда қадимдан суфориб келинаётган типик бўз тупроқларда гектарига ўртача азот – 240 кг/га, фосфор – 160 кг/га ва соф калий – 100 кг/га бериш лозим. Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ тупроқларда этиширилганда эса азот – 200 кг/га, фосфор – 160 кг/га ва соф калий – 120 кг/га берилади.

**Суфориш.** Бўз тупроқли ерларда гулкарамга 9-12 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 8-10 марта сув бериш тавсия этилади. Суфориш меъёри гектарига 500 - 550 м<sup>3</sup>. Йол ойида экиладиган гулкарамга ҳар сафар 7-9 кун ўтказиб туриб, жами 12-14 марта сув берилади.

Касаллик ва зааркунандаларга қарши кураш. Бактериал чириши, қорасон касаллiliklariiga қарши 1% ли бордо суюклиги (мис сульфати бўйича 60-80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125- 0,150 л ёки Курзат Р 2-2,5 кг, карам оқ капалаги, карам бургаси, симқурт, шилимшиқкурт, ундов тунлами, кузги тунлам, карам бити зааркунандаларига қарши 2,5% э.к. Децис 0,3 л/га, 57% э.к. Фуфанол 0,6-1,2 л/га,

**Июль ойида такро-рий муддатда экилган ва экишишлари давом эттирилаётган оқ бош карам, гулкарам, ошлавлаги, бодринг, ширин қалампир, қовун, тарвуз ва картошка сингари экинларни намга бўлган талабидан келиб чиқсан ҳолда суфориш ва мақбул озиқлантириш, парваришилаш мўл ҳосил гаровидир.**

5% э.к. Кинмекс 0,15-0,2 л/га, 25 % э.к. Циперментрин 0,1 л/га 600 литр сувда арапаштириб пуркаш тавсия қилинади.

**Сабзи.** Ўғитлаш. Бўз тупроқ ерларда ёзги сабзидан гектаридан 25-30 тоннадан ҳосил олиш учун соф ҳолда 150 кг азот, 80 кг фосфор, 45 кг калий солиш керак; ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ ерларда этиширилганда соф ҳолда 120 кг азот, 70 кг фосфор, 40 кг калий бериш керак.

Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийнинг ҳаммаси ерларнинг



асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналаб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларнинг ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 тадан чинбарг пайдо бўлганда ўтказилади.

**Суфориш.** Сабзи ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимига нисбатан суфоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75% бўлиши керак.

Уруғ суви майсалар қийғос кўкарғунча берилади. Сабзи уч-тўрт марта суфорилганда майсалар ёпласига кўринади. Шундан кейин сентябргача ҳар 7-8, сентябрда эса ҳар 10-12 кунда суфориб туриш лозим. Сабзи шу тартиби-



да суғориб борилса, сизот суви чуқур жойлашган ерларда мавсумда 11-12, сизот суви юза участкаларда 6-8 марта сув ичади.

**Касаллик, зааркунанда ва бегона ўтларга қарши кураш.** Сабзи экилган майдонларда бузоқбosh, тунлам, шира, сабзи пашшаси зааркунанда-ларга қарши курашда 1 гектар экин майдонга 20% эм.к. Конфидор 0,15-0,25 л, 20% н.кук. Маспилан 0,15-0,25кг, 57% эм.к Фуфанон 0,08-0,1 л препаратлардан бирортаси 600 литр сувда арапаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Касалликлардан ун-шудринг касаллигига қарши 1% ли бордо суюқлиги (мис сульфати бўйича 60-80 кг/га), 10% эм.к. Топазни 0,125- 0,150 л ёки н.кук. Курзат Р 2,0-2,5 кг 600 литр сувда арапаштириб пуркаш тавсия қилинади.

Катта майдонларда бегона ўтларни йўқотишида гербицидлардан фойдаланиш мумкин. Бир йиллик икки паллали ва бошоқли бегона ўтларни йўқотиш учун уруғни экишгача ёки униб чиққунига қадар гектарига сус.к. 50% Гезогард гербицидидан 2,0-3,0 кг ёки эм.к. 33% Стомпдан 1,0-2,0 литр ҳисобида 400 литр сувга бирортаси арапаштирилиб сепилади.

Сабзи ниҳолларида 3-4 тадан чинбарг чиқкан даврида майдондаги таъкидланган ўтларга қарши эм.к. 12,5 фоизли Фюзилад супер (1,0-2,0 л/га) ёки эм.к. 20 фоизли Набу (1,5 л/га) сепилади. Кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши эса эм.к. Зеллек супер (1 л/га) ёки эм.к. 12,5 фоизли Фюзилад супер (2,4-4,0 л/га) препаратларини бегона ўтларнинг бўйи 5-10 см бўлганда сепиш тавсия этилади.

**Ош лавлаги.** Ўғитлаш. Бўз тупроқ ерларда соф ҳолда 150 кг азот, 80 кг фосфор, 50 кг калий солиш керак. Фосфор ўғити йиллик миқдорининг 75%, калийнинг ҳаммаси ерларнинг асосий ишлов даврида, қолган 25% фосфорни ерни бороналааб эгат олишда бериш тавсия этилади. Азотли ўғитларни ҳаммаси вегетация даврида озиқлантиришда иккига бўлиб берилади. Биринчи озиқлантириш ўтқ қилиниб, ўсимлик сони сийраклаштирилгандан сўнг, иккинчиси эса 2-3 та-

дан чин барг пайдо бўлганда ўтказилади.

**Зааркунандаларга қарши кураш.** Шира, лавлаги узунбурун зааркунандаларга қарши курашда 1 гектар экин майдонга 20% эм.к. Конфидор 0,15-0,25 л, 20% н.кук. Маспилан 0,15-0,25 л, 57% эм.к. Фуфанон 0,08-0,1 л препаратлардан бирортаси 600 литр сувда арапаштириб пуркаш тавсия қилинади.

**Ширин қалампир.** Ўғитлаш. Ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларда гектарига 15 тонна гўнг,  $N_{160}P_{120}K_{80}$  кг солиш тавсия этилади. Азот карбамид ёки сульфат аммоний, фосфор эса аммофос, калий эса калий хлор кўринишида бериш керак.

Минерал ўғитлар тук ҳолатида гектарига куйидагича солинади: карбамид – 330 кг, аммофос – 261 кг ва калий хлор – 160 кг. Агар азот сульфат аммоний кўринишида берилса, у ҳолда бу ўғитнинг миқдори гектарига 760 кг. бўлади.



Ҳайдовдан олдин минерал ўғитлардан аммофос – 196 кг/га, калий хлор – 120 кг/га. Шунингдек, биринчи озиқлантиришда кўчкатлар тутиб олгандан сўнг улар тез ўса бошлаган даврда: аммофос – 64,8 кг/га, калий хлор – 40 кг/га, карбамид – 165 кг/га ёки сульфат аммоний – 380 кг/га берилади. Иккинчи озиқлантиришда ўсимликнинг ялпи гуллаган даврида азотнинг 45% берилади. Учинчи озиқлантириш иккинчи ёки учинчи теримдан кейин берилади. Ушбу озиқлантиришда азотли ўғитнинг қолган 45% берилади.

**Ларга қарши кураш.** Ширин қалампир экинидаги шира, каналар, оқканот ва трипс зааркунандаларига қарши – 10% эм.к ДВА-тридан – 0,4 л/га, 20% эм.к Конфидордан – 0,25-0,3 л/га, 20% н.кук Моспиландан – 0,25-0,3 кг/га.

Ширин қалампир экинидаги меваларнинг учидан чириши, бактериал қора доф, сўлиш ва ун-шудринг касалликларига қарши 25% с.э.г Байлетондан 1,0-2,0 кг/га, 72,2% с.к Превикурдан – 1,5 л/га, Курзат Р 2-2,5 кг/га, 68% с.э.г Рирдомил голд – 2-2,5 кг/га ёки 1% лик Бордо суюқлигини кўллаш мумкин. 600-700 литр сувга тайёрланган арапашма ишлатиласпаз нозоратида қўлланилади. Бу кимёвий препаратлар мутахассислар назоратида қўлланилади.

**Бодринг.** Ўғитлаш. Бўз тупроқларда гектарига 20 тонна гўнг билан  $N_{150}P_{100}K_{75}$  кг берилади. Азотли ўғитлар сульфат аммоний ёки карбамид кўринишида берилади. Фосфорли ўғитлар аммофос, калий ўғити калий хлор кўринишида берилади. Гектарига  $N_{150}P_{100}K_{75}$  кг берилганда сульфат аммоний – 571 кг/га ёки карбамид – 330 кг/га, аммофос – 217 кг/га, калий хлор – 150 кг/га бўлади.

Ерга асосий ишлов берилётганда органик ўғитнинг ҳамма миқдори, фосфор ва калийнинг 75% берилади. Шунингдек, биринчи озиқлантириш ўсимликнинг 2-3 чинбарг чиқарган даврида берилади. Бу озиқлантиришда азотнинг 10%, фосфор ва калийнинг қолган 25% берилади. Иккинчи озиқлантириш оналик гулларининг ялпи гуллаган даврида азотнинг 45% берилади. Учинчи озиқлантириш иккинчи ёки учинчи теримдан кейин берилади. Ушбу озиқлантиришда азотли ўғитнинг қолган 45% берилади.

**Суғориш.** Сувга талабчанлиги жиҳатдан бодринг сабзавот экинлари орасида биринчи ўринда турадиган экинлар қаторига киради. Найчалаш ва меваси етилган даврда бодринг сувни, айниқса, кўп талаб қиласди.

**Касаллик ва зааркунандаларга қарши кураш.** Бодрингнинг каналар, ғовакловчи пашшалар, шиralар, трипслар ва оқканотлар каби зааркунандаларига қарши ҳосилни йиғишдан 20 кун олдин икки марта 25% н.кук Аппловуд – 0,5 кг/га ёки 20% н.кук Моспилан 0,25-0,3 кг/га меъерида сепилади.

Антрақноз, переноносзороз, аскохитоз, доғланишлар, бактериоз ва ун шудринглар касалликларига қарши 25% с.п Байлетондан 1,0-2,0 кг/га, Курзат Р 2,0-2,5 кг/га, 68% с.д.г Рирдомил голд 2,0-2,5 кг/га ёки 1% ли бордо суюқлигини 600-



Суғориш. Ширин қалампир сернам ва оғир тупроқларда яхши ривожланмайди. Шунинг учун ялпи меваси туга бошлаганда қатор оралатиб, иложи борича чуқур ариклар олиб суғориш зарур. Илдиз бўғзи намланиб кетмаслиги керак, акс ҳолда ўсимлик илдиз чириш билан касалланади. Ўсув даври мобайнида тупроқ намлиги 75-80% бўлишини таъминлаш учун суғоришни ҳар 6-10 кунда олиб бориш керак. Ҳосилни ҳар 6-8 кунда териш мумкин.


**Касаллик ва зааркунанда-**



700 литр сувга тайёланган аралашма ишлатилади.

**Қовун ва тарвуз.** Ўғитлаш. Полиз экинларидан юқори ҳосил олиш учун гектарига азот – 75 кг, фосфор – 75 кг ва калий – 50 кг солинади. Йиллик мөъёрга нисбатан калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70-75% асосий шудгорга солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган 25-30% ва азотнинг 50% экиш олдидан берилади: азотли ўғитнинг 50% ўсимликларни учтўрт барг чиқарганидан кейин эгатларга 10-12 см чуқурликка солинади.

**Суғориш.** Ўзбекистоннинг кўпчилик туманларида полиз экинлари суғориладиган ерга экилади. Бўзтупроқли ерларда ўсув даврида экинларнинг ҳар гал гектарига 400-500 м<sup>3</sup> ҳисобидан 8-9 марта суғориш кифоя. Си-



зот суви юза жойлашган далаларда эса бўзтупроқли ерларга қараганда камроқ 4-5 марта суғорилади. Ўсув даврида полиз экинларини сув билан бир текис таъминлаш ҳосилни ошириш гаровидир.

**Касаллик ва зааркундаларга**

**қарши қураш.** Полиз экинларининг кўчатларини тайёrlашда уругни экишга тайёrlашда уруғи бир сутка давомида сувда ивитилади. 1 кг уруғга 2% ли 34% Витавакс ёки 1,5% ли 60,7% Превикур пуркаш уругни заарсизлантириш тавсия этилади. Касалликлардан: илдиз чириш, фузариоз сўлиш, ун-шудринг билан касалланади, зааркундаларга полиз бити (шираси), ўргимчаккана, оқ қанот, қовун пашшаси заарлайди.

Зааркундаларга 10% эм.к ДВА-тридан 0,4 л/га, 20% н.кук Мосспиландан 0,25-0,30 кг/га, 55% АгрофосД 1,5 л/га + 70% Гаучо М 0,2 кг/га ва касалликларга- 72,2% с.э.к Превикурдан 1,5 л/га, Курзат Р 2,0-2,5 кг/га, 68% с.д.г. Рирдомил голд 2,0-2,5 кг/га ёки 1% лик бордо суюқлигини кўллаш мумкин. 600-700 литр сувга тайёrlанган аралашма пуркалади.

**Картошка. Суғориш.** Картошка намсевар, сувга талабчан ўсимлик, бўлиб, ундан мўл ҳосил етиштириш учун тупроқ нами доимо етарли бўлиши шарт. Айниқса, гуллаш даврида тупроқ доимо сернам бўлиши лозим, акс ҳолда бугланиш (транспирация) ва фотосинтез жараёни қисқаради, ўсимлик ўсишдан тўхтайди, туганклар озиқ моддалардан фойдалана олмай ривожланишдан орқада қолади.

Картошкадан юқори ҳосил етиштириш учун тупроқнинг тўйинган дала нам сиғимиға нисбатан сугоришдан олдинги тупроқ намлиги камида 75-80% бўлиши керак, ана шунда ўсимлик яхши ўсиб ривожланади.

Бўзтупроқли ерларда тупроқ нами 75-80% дан кам бўлмай, сув даланинг 50-70 см ли қатламини намласа, ҳар гектардаги картошка 450-600 м<sup>3</sup> ҳисобидан, ботқоқ ва ботқоқ-үтлоқ тупроқли ерларда эса бундан кўра озроқ мөъерда сугорилиши керак. Картошкани неча марта суғориш унинг қайси муддатда экилишига қараб белгиланади.

Картошка ўсув даврида 8-10 кун оралатиб бир мөъерда сугорилади. Ҳосилни ийғиб-териб олишига 2-3 хафта қолганда сув бериш тўхтатилади.

Сизот суви чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда кечки картошка 12-13 марта, сизот суви юза ерларда эса 6-10 марта суғорилади.

**Ўғитлаш.** Картошка ўсимлиги асосий озиқа элементларига ўта талабчан ҳисобланади. Шунинг учун, қадимдан сугориб келинаётган бўз тупрокларда картошка етиштирилганда гектарига соғ ҳолда азот – 250 кг, фосфор – 180 кг ва калий – 125 кг бериш керак. Ўтлоқи, ўтлоқи ботқоқ ерларда етиштирилганда эса азот – 200 кг, фосфор – 160 кг ва

калий – 100 кг бериш тавсия этилади.

Ушбу минерал ўғитлардан фосфорнинг 75% ерни асосий ишлов олдидан, қолган 25% фосфор, 50% азот билан туганклар тўлиқ униб чиқсанда биринчи комплекс ишловда бериш тавсия этилади. Қолган 50% азот, калий картошканинг қийғос шоналаш даврида ўсимликка яқинроқ қилиб берилади.



Касаллик ва зааркундаларга қарши қураш. Картошка ҳосилини оширишда экиладиган туганкларни йириклиги, шакли ва бошқа белгилари билан танлаб олиш муҳим тадбир ҳисобланади.

Картошка ўсимлигига Колорадо кўнғизи пайдо бўла бошлаганда кўнғизни кўлда териб чиқиш тавсия этилади. Кўнғизлар кўпайиб тухум кўя бошлагандан кейин кимёвий препаратлар кўлланилади. Бунда 5% Каратэдан к.э. – 0,1 л/га, 20% Конфидордан к.э. – 0,05 л/га; 20% Мосспиландан н.к. – 0,2-0,25 мл., 5% Сумми Альфадан к.э. – 0,5 л/га 600-700 л сувда яхшилаб аралаштирилиб пуркалади.

Картошка туганкларини экишдан 25-30 кун олдин 2,5% Максим – 0,4 л/т, 31,2% Селестоп – 0,4-0,6 л/т дорилаб экиш касалликларни ривожланиш ва тарқалишини 40-50 кунга сақлаб туради.

Картошка кусига қарши 20% к.э. Конфидордан – 0,3 л/га, 20% н.кук. Маспилан – 0,2 кг/га, 5% к.э. Карате – 0,4 л/га, 1,8% к.э. Вертимелек – 0,3 л/га препаратлари кўлланилади. Касалликлар – фитофтороз, ун-шудринга, фузариоз ва вертицилиоз сўлиш, мозаика, столбурларга қарши 25% с.п Байлетон 1,0-2,0 кг/га, фитофтороз, альтернариозга 72,2% с.э.к. Превикурдан 1,5 л/га ёки Курзат Р 2,0-2,5 кг, 68% с.д.г. Рирдомил голд 2,0-2,5 кг ёки 1% лик Бордо суюқлигини кўллаш мумкин. 600-700 литр сувга тайёrlанган аралашма ишлатилади.

**Рустам НИЗОМОВ,**  
қ.х.ф.д.,  
**Фахриддин РАСУЛОВ,**  
қ.х.ф.ф.д.,  
**СПЭКТИ.**

# ОЗУҚА ЎРИШ-ЎИҒИШ МАШИНДАРЫ ЧОРЗАДОР КҮЛДАКЧИСИ

*Мамлакатимизда чорвачилик соҳасига ихтисослашган фермер хўжаликларининг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Худудларда фаолият кўрсатадиган агрокластерлар таркибида чорвачилик комплекслари барпо этилмоқда. Шулардан келиб чиққандা, сут, гўшим ва жун берадиган чорвачилик ҳайвонларини зотини яхшилаш, уларни зоотехния қоидалари асосида парваришилаш, хусусан, юқори рационли ем-хашиклар билан озиқлантириши масалалари алоҳида аҳамият касб этилмоқда.*

Чорва озуқа базасини етарли ҳажмларда барпо этиш учун чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлирида ва лалми майдонларда етиширилган озуқа экинлар ҳосилини ўз вақтида нест-нобуд қилмасдан йиғишириб олиш талаб этилади. Бу тадбирлар жойларда тракторлар билан агрегатланадиган ўтўргичлар (КИР-1,5М; КРН-4,2; КС-Ф-2,15) хашак (КСК-100А, Марал 125, Е-282, Е-302), сиолос (КС-1,8 “Вихъ”; КПИ-2,4А; КПКУ-75) ва маккажўхори (КСКУ-6, ККП-3) ўриш комбайнлари, хашакларни зичлаб-боғлагичлар (Маркант-155, ПС-1,6) ёрдамида амалга оширилади. Етилган озуқа экинларини қисқа муддатларда йиғишириб олиш учун озуқа техникаларини тўғри созлаш ва мавсум давомида юқори унум билан ишлатиш лозим бўлади.

Энг аввало, ўтўргичлар, зичлаб-боғлагичлар осиладиган тракторлар ва ўзиорар озуқа комбайнларининг двигателлари ва бошқа қисмлари техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлиши зарур. Ўримга тушишдан олдин уларнинг ишга тайёрлик даражасини яна бир бор текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш лозим.

**Ўтўргичлар.** Фермер хўжаликлирида энг кўп тарқалгани КИР-1,5 машинаси бўлиб, етилган ўтларни, пакана маккажўхори ва кунгабоқарни ўриш, майдалаш ва транспорт воситасига юклаш ишларини бажаради. Асосий ишни органи барабан валига шарнирили биректирилган 28 та пичноқдан иборат. Бу пичноқларнинг массаси бир-бираiga бирдай тенг бўлиши лозим. Поялар чала кесилганда пичноқ тиғлари чархланади. Тиғлари синиб кетган пичноқлар янгиларига алмаштирилади. Тўғри ва тескари кесувчи пичноқлар тиғлари орасидаги тирқиши 2-2,5 мм. орасида созланади. Бундан катта ёки кичик бўлса пояларнинг кесилиш ва майдаланиш сифатига путур етади. Ротор барабани майдаланган пояларни транспорт воситасига йўналтирувчи вентилятор вазифасини ҳам бажаради. Роторнинг айланishi частотаси энг камида 1500 айланиш/минут бўлсагина бу вазифа тўла адо этилади. Айланиш камайса, понасимон тасманинг таранглиги оширилади.

Ерга ётиб қолган ўтлар вертикал ўқ атрофида айланадиган пичноқли дисклар билан жиҳозланган ротацион КРН-4,2 косилкаларда ўрилади.

**Хашак йиғадиган комбайнлар.** Ўт ўриш учун КСК-100 ўзиорар комбайнни олдига қиркувчи аппарат жойлаштирилади. Ердаги хашакни йиғиб олиш мақсадида қиркувчи аппарат ўрнига йиқиқиқ қурилмаси ўрнатилади. Йиғиш пайтида ўт ёки хашак майдаланиб, транспорт воситасига юклаб кетилади.

Комбайннинг асосий узел ва механизмлари қуидагича созланади.

**Қирқиши узунлигини ростлаш.** Бунинг учун узатувчи аппарат кутисининг валидаги юлдузчалар алмаштирилади.

Сегмент пичноғи ва қарама-қарши кесувчи пластинка орасидаги тирқиши кенглиги олдида 0,8 мм орқада 0,3-2 мм. Бу



кенгликлар пластинкани эгиш ёки болт биримасини тортиш ёрдамида ростланади. Тиғлари ўтмаслашган сегментлар чархланади, синган бўлса янгиларига алмаштирилади, шунда поялар тоза ва тўла кесилади.

Сегментнинг бармоқа нисбатан ҳолатини ростлаш. Пичноқ чекка ҳолатга келтирилади. Ўтадаги таянчнинг болти бўшатилади, таянч сегмент ва бармоқнинг ўқлари устмай тушунга қадар сурилади. Болт тортилади. Таг томони едирилиб кетган, учлари синган бармоқлар ўрнига созлари ўрнатилади.

**Жатка шнеги ва мотовилосини ростлаш.** Шнек қанотининг қирраси ҳамда тепадаги ва пастидаги тозалагичлар орасидаги 2-10 мм ва 10-18 мм масофалар шнек таянчини бўшатиш ва созловчи болт гайкасини бураш орқали ростланади. Мотовило ва қирқиши аппарати бармоқлари билан шнек сатҳи орасидаги тирқиши кенглиги (15-35 мм) ни ростлашда таянчлар овалсимон тешиклар бўйлаб сурилади. Дарз кетган қанотлар пайванланади, эгилган бармоқлар тўғриланади, жатка тубидаги ёриқлар пластинкалар билан пайвандлаб ёпилади.



**Майдаловчи аппаратни ростлаш.** Майдалагич барабан ва тозалагич орасидаги тирқиш кенглиги (5–10 мм) тозалагични тепага суриш, пичоқ тифи ва қарама-қарши кесувчи брус қирраси орасидаги тирқиш (0,9–1,5 мм) брусли барабанга яқинлаштириш билан ростланади. Носоз деталлар тузатилади.

**Қирқиш баландлигини ростлаш.** Пичоқларнинг қирқиши, йиққичнинг ерга нисбатан ўрнатилиш баландликлари жатка тагидаги сирпангич қронштейндаги тешиклар ҳолатини ўзгартириш билан ростланади. Шуни эсда тутиш лозимки, баландлик мөъердан паст бўлса, пичоқлар ердаги тош, темир бўллакларига урилади ва синади, ортиқ бўлса поялар тубида кўп қолиб кетади.

**Силос комбайнлари.** Маккажӯхори, кунгабоқар каби силосбоп ўсимликларни ўриш, майдалаш ва юклиш ишларини бажаради. Сегмент пичоги ва бармоқ орасидаги тирқиш кўли билан 0,5 мм. Дала ажраткичини ростлаш: поялар баландлиги 0,5 м. гача бўлганда пастки кожух, бундан юқори бўлса, устки кожух ечиб олинади. Мотовило диаметри планкаларни бешта тешикдан кераклисига маҳкамлаш орқали 1800–2800 мм. оралиқда ўзгаради. Мотовилонинг айланиш тезлигини ростлаш учун юлдузчалар ( $Z = 14$ ,  $Z = 20$ ) алмаштирилади.

**Тойлагич-зичлагичлар.** Муфталарни созлаш. Карданли

узатма муфтаси 0,58–0,62 кНм (58–62 кг.м), йиққич муфтаси 0,18–0,21 кНм (18–21 кг.м) буровчи моментга гайкалар ёрдамида пружиналарни сиқиши орқали созланади. Маховик ва поводок орасидаги тирқиши созлаш: 0,2–0,6 мм атрофидаги бу тирқиш гайкани бўшатиш ва қистирмалар сонини ўзгартириш билан ростланади. Зичлаш камераси қисмларини ростлаш. Поршен рамкалари ва сирпангичлар орасидаги тирқиш кенглиги кўпи билан 0,5 мм. Кўзғалувчан ва кўзғалмас пичоқлар орасидаги масофа 0,4–2 мм. Тойнинг зичлигини ва узунлигини ростлаш. Той зичлигини ростлаш учун винт механизми керагича бурилади. Бунда битта тойнинг массаси 25 кг. дан ошмаслиги зарур. Тойнинг узунлиги хомутни суриш билан ўзгаради. Ўлчов ғилдирагининг ёйда 800–1000 оралиғидаги рақамларга мос бўртиқлар бор. Керакли узунликдаги тойни олиш учун хомутнинг пастки қирраси мос ракам олдидағи бўртиққа тўғриланади.

Шундай қилиб, механизаторлар, МТП ва агрокластерлар мұхандис-техниклари озуқа йиғиш машиналарини дала шароитидан келиб чиққан ҳолда ростласалар, омилкорлик билан бошқарсалар, уларнинг иш унуми ошади, пировардиди сифатли ва кўп ем-хашак ҳосили йиғиштириб олинади.

**Мухаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,  
профессор, (ХХМИТИ).**

**Ж**орий йилнинг 19 июнь куни Гурлан туманинда “Ихлосбек” фермер хўжалигидаги ғўза майдонларини томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида суғориш бўйича кўргазмали семинар ўтказилди. Унда Хоразм вилоятини хўжимлиги мутахассислари, фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотлари вакиллари, сув хўжалиги мутахассислари ҳамда пудрат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Бу йил вилоядаги 1240 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш этиш режалаштирилган эди. Шундан 800 гектари томчилатиб суғориш технологияларига тўғри келади. Амалда режадагидан кўпроқ майдонларга за-

## ХОРАЗМДА 1717 ГЕКТАР ҒЎЗА МАЙДОНЛАРИ ТОМЧИЛАТИБ СУГОРИШ УСУЛИГА ЎТАДИ



монавий технологиялар ўрнатилмоқда. Мисол учун, айни кунларда 1717 гектар ғўза майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш жараёнлари олиб борилаяпти.

Семинарда ғўза майдонларига ўрнатилган томчилатиб суғориш технологиясининг афзаллilikлари ҳақида иштирокчиларга маълумот берилди.

Шунингдек “Омад старт” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қурувчи пудрат ташкилотининг туркиялик мутахассислари томонидан технологияни ишга тушириш, ўғит бериш ҳамда суғориш тартиблари семинар амалда кўрсатиб берилди.

**Дауранбек ҚДИРБАЕВ,  
Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги  
Сув тежовчи технологияларни  
жорий этиши бошқармаси етакчи  
мутахассиси.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДАВОМ ЭТАДИ



Жорий йилнинг 16 июнь куни Сув хўжалиги вазирлигига “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳасининг 2-босқичи тўғрисида” икки томонлама битим имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраев ва Швейцария Конфедерацияси ҳукумати номидан Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Оливье Шав имзо чекди.

Тадбирда Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев Швейцария Конфедерацияси ҳукумати билан ҳамкорлик самарали кечеётганилигини таъкидлади. Ушбу ҳамкорлик маҳсулни бўлган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси”нинг 1-босқичи муваффақиятли якунланди. Кейинги босқич бу борада олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Ўз навбатида Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Оливье Шав сув ва сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳар икки томон учун ҳам доим мухим масала бўлиб келганлигини эътироф этди. Шу боис, пандемия шароитига қарамасдан лойиҳани давом эттиришга қарор қилинди.

“Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси”нинг 2-босқичи Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлигининг “Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқариш худудий дастури” доирасидаги фаолиятининг мантиқий давомидир. Унда Ўзбекистондаги сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш орқали қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилашга хисса кўшиш назарда тутилган.

Умумий бюджети 4,6 миллион Швейцария франкига тенг ушбу лойиҳани 2020 - 2023 йилларда амалга ошириш мўлжалланган.

Унинг доирасида республикамиздаги 13 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва 152 та туман ирригация бўлимларида сувдан самарали фойдаланиш ва сув ресурсларини барқарор бошқаришни режалаштириш учун дастурий таъминот мажмуи ишлаб чиқилади, суфориш-дренаж тармоқларини АКТ асосида мониторинг қилиш тизимини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Келгусида қишлоқ хўжалиги ва сув ресурсларини бошқаришга ихтисослашган касб-хунар коллажлари ўкувчилари ҳамда фермерларнинг сув тежовчи технологиялар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.

**Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги  
Матбуот хизмати.**

долзарб масалалардандир.

Бу борада Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимда бошқарувни такомиллаштириш, кадрларнинг шахсий таркибини ёш, истиқболли ва салоҳиятли

ходимлар билан янгилаш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ва худудларни ривожлантириша инсон омилидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

“Янги Ўзбекистон - янги кадрлар” шиори остида иқтидорли, жонкуяр, ўз танлаган касбига фидойи ёшларни танлаш, уларни босқичма-босқич масъул вазифаларга тайёрлаш, билими ва тажрибаси муайян даражада ошган ходимларни эса муносаб лавозимларга тайинлаш ҳисобига бошқарув кадрларини янгилаш ва ёшартириш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга кўйилди.

Натижада бугунги кунда вазирлик марказий аппаратидаги ходимларнинг 19 нафари (15,4%) илмий даражага ва 74 нафари (60,1%) магистр даражасига эга, 18 нафари (14,6%) хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида таҳсил олган, 7 нафари (5,6%) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг битирувчилиридан иборат.

Ходимларнинг ўртача ёши 2018 йилда 42 ёшни ташкил этган бўлса, ҳозирги пайтда 39 ёшни, 30 ёшгача бўлганлар салмоғи эса 2 марта ошиб, 23,5 фоизни, хотин-қизлар салмоғи 2,7 марта ошиб, 12,1 фоизни ташкил қилмоқда. Ходимларининг 35,7 фоизи давлат тили билан бирга хорижий тиллар-

## СОҲА РАВНАҚИ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИГА БОҒЛИК

**Д**авлатимиз раҳбари ташабbusи билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш Стратегияси асосида жамиятимизнинг барча жабхаларида ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда. Жўмладан, иқтисодиёт тармоқлари, хусусан қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларини модернизациялаш, соҳада замонавий агротехнологияларни жорий қилиш орқали маҳсулотларнинг миқдор кўрсаткичлари билан бир қаторда сифат даражасини ошириш, қўшимча қиймат занжирини яратиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Мазкур жараёнда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш Стратегиясида аграр соҳа тараққиётининг мухим устувор йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, уларни ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, шартномавий, ишлаб чиқариш муносабатларни ислоҳ қилиш билан бирга инсон ресурсларини ривожлантириши мухим аҳамиятга эга. Зеро, бугун замонавий дунёқараш ҳамда билим, малака ва кўнникмаларга эга янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларнинг салмоғини ошириш ниҳоятда

ни пухта билиши улар томонидан илгор хорижий тажриба ва замонавий технологияларни ўрганиш ҳамда мамлакатимизда жорий қилиш, соҳа ва унинг тармоқларини модернизациялаш бўйича илмий, иқтисодий ва амалий жиҳатдан асосланган таклифлар ишлаб чиқилишида муҳим омил бўлмоқда.

Сўнгги йилларда ҳалқаро ҳамкорлик алоқалари ҳам ривожланиб, илгор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш қамрови ҳам кенгайди. Масалан, 2017-2019 йиллар ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига 880 нафар тизим ходимлари чет мамлакатларда бўлиб, уларнинг самарали тажриба ва янги технологиялари билан танишиб, касбий билим ва малакаларини оширидилар.

Бугунги шиддатли замон, жадал ислоҳотлар ёшлар билан ишлаш масаласи доимий дикқат-эътиборда бўлмоғини тақозо этмоқда. Чунки замонавий билим, янги ғоялар, ғайрат ва шиҷоат уларда мужассамдир. Шу нуқтаи назардан вазиримиз Жамшид Ходжаевнинг жорий йил 25 январь куни соҳада фаолият юритаётган 900 нафардан ортиқ ёшлар, 22 февральда эса таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларидаги 158 нафар ёш олим ва тадқиқотчилар билан видеоконференция шаклидаги “Вазир ва ёшлар” учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда ёшлар томонидан билдирилган 43 та таклиф ва мулоҳазалар юзасидан амалий ишлар олиб борилаёттир.

Соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, амалиётга жорий қилинаётган илгор замонавий технологиялар эндилика кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилашни, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни талаб қилмоқда.

Мазкур жараёнда Тошкент давлат аграр университети, унинг Нукус, Андикон ва Термиз филиалларида соҳа учун 29 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 23 та магистратура мутахассисларни бўйича олий малакали мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Сўнгти 3 йилда иссиқхона хўжаликлари, рақамли иқтисодиёт, доривор ўсимликлар, органик маҳсулот этиштириш каби 12 та янги таълим йўналишлари ташкил этилди.

Уларда таҳсил олаётган қарийб 14780 нафар талабаларга, жумладан 14321 нафар бакалаврлар, 459 нафар магистрларга 1106 нафар профессор-ўқитувчилар, жумладан, 101 нафар фан докторлари, 400 нафар фан номзодлари таълим бермоқда. Докторантурда ва таянч докторантуруда 95 нафар илмий изланувчилар илмий-тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Яратилган имкониятлар илмий-педагог ходимларнинг илмий салоҳиятини янада ошириш, улар таркибида ёш олимлар салмоғини кенгайтириш борасида муҳим омил бўлаёттир. Натижада сўнгти 3 йилда жами 211, шундан 124 нафар ёшлар, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигига жаъми 33, шундан 21 нафар ёш тадқиқотчиларимиз фалсафа доктори - PhD ва фан доктори илмий даражалари учун диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

Шунингдек, талаба ёшларимиз ҳам инновацион фаолияти билан дикқатга сазовор натижаларга эришмоқдалар. Биргина 2019/2020 ўкув йилида 9 нафар талабаларимиз давлат стипендиялари стипендиантини, 16 нафар талабаларимиз ҳалқаро ва миллий фан олимпиадалари, 1 нафар талабамиз давлат мукофоти совриндорлари бўлишиди.

Илгор хорижий педагогик тажрибаларни ўзлаштириш, аграр соҳа илми ва амалиётининг ҳалқаро миқёсдаги ютуқларидан ёшларимизнинг янада кўпроқ баҳраманд бўлиши мақсадида жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб, кенгайиб бораёттир. Тошкент давлат аграр университетида ҳозирги кунда хорижнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан 93 та, шундан 2020 йилда 8 та ҳамкорлик шартномалари ва меморандумлари им-

золанди. Биргина мисол, бугунги кунда Қўшма таълим дастурлари доирасида университетнинг жами 12 нафар талабаси, шу жумладан, 6 нафари Саратов давлат аграр университети ҳамда Германиянинг Вайнштефан Триездорф университетида 6 нафари магистратура босқичида таҳсил олмоқда.

Университет ва унинг филиалларида 7 нафар хорижлик профессор доимий ишга қабул қилинган бўлиб, талабаларга маърузалар ўқиб келишмоқда. Шу билан бирга, 2020 йилда 18 нафар чет эл профессорлари ташриф буюриб, улар турли мавзуларда маърузалар ўқидилар.

Аграр таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетининг кафедраларида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган 15 та илмий-тадқиқот муассасалари бириктирилди. Илмий тадқиқот ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятидан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида 4 та кичик инновацион корхоналар ташкил этилди.

Таълим хизмати кўрсатиш қамровини кенгайтириш мақсадида университет ва унинг филиалларида фермер ва дехқон хўжаликлари, қишлоқ тадбиркорлари учун ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил қилинди.

Агросаноат мажмууси тизимидағи ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида “Агробизнес ва бошқарув” ўкув маркази ўз фаолиятини бошлади.

Жорий йилнинг ўтган даврида бу марказларда 600 нафардан зиёд фермер ва дехқонлар, агрокластер ва кооперациялар ходимлари замонавий технологиялар соҳасида ўз билим ва малакаларини оширидилар.

Вазирлик тизимида 3 та техникумлар, 12 та коллежлар ўтказилиши қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар бўйича ўрта маҳсус малакали кадрларни тизимли тайёрлаш имкониятини яратди.

Хозирги пайтда янги ўкув йилига услубий жиҳатдан тайёртарлик ишлари амалга оширилмоқда. Жаҳон андозалари асосида соҳа бўйича касбий классификатор янгиланди, 84 та мутахассислар бўйича малакавий талаблар ва 142 та таълим таълим йўналишлари бўйича таълим стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилди. 2020/2021 ўкув йилидан профессионал таълим муассасаларида 4 минг нафардан ортиқ йигит-қизларга 26 та таълим йўналишлари бўйича таҳсил берниш йўлга кўйилади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, қишлоқ хўжалиги ва ҳудудларини ривожлантиришда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш, яъни етук билимдан мутахассислар сафини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, аграр соҳада амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва техник янгилаш, амалиётга илгор тажриба ва замонавий технологияларни изчил жорий қилишда инсон ресурсларидан фойдаланиш ва бу борада етук малакали кадрлар тайёрлаш, уларни иқтидори даражасида тегишли вазифа ва лавозимларда фаолият юритишини таъминлаш борасидағи тизимли ишлар ўз самарасини бермоқда. Сўнгти 3 йил давомида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб-чиқариш ҳажми 1,4 марта, уларни сақлаш 1,3 марта, қайта ишлаш ҳажми 1,4 марта, экспорт ҳажми эса 2 марта ошишига эришилди ва бу юксалишда замонавий билим ва кўнкимларни ўзлаштирган фидойи кадрларнинг сафи кенгайиб бораётганлиги ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилаётir.

**Эшмирза АБДУАЛИМОВ,**  
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Кадрлар ва ўкув юртлари бошқармаси бошлиғи.

**Ж**орий йил нафақат биз, балки бутун дунё аҳли учун  
жанча синовли ва оғир келди. Инсоният ҳамон коронавирус пандемияси ва глобал инқизоз билан курашяпти.  
Шу билан бирга, тұхтаб қолған ғаолияттар давом этиб,  
инсонлар яна аввалги жүшкін ҳәётіга қайтмоқда. Бунинг  
учун эса, дунё давлатлари захирасидаги маблагларини ҳам  
ишилтеноқда. Турли фонdlар орқали ҳалқа моддий ва  
ижтимоий күмак беряпти. Бундан мақсад шуки, бу оламда  
инсон азиз ва ҳар бир тирик жон асралышга, гамхўрликка  
муносибилигини исботлашдир.

## ЭЛ ХИЗМАТИ ХОРИТМАС

Юртимиз бошига тушган бу йилги оғир синовлар – аввало Бухоро вилоятида юз берган табиий оғат өқибатлари, сұнгра Сирдарәдеги “Сардоба” сув омбори тұғонида техноген фалокат туфайли юзага келгандырылыш пайтида халқимизнинг яқиду жипс эканлигига барчамиз гувоҳ бұлдык. Албатта, юртдошлар бошига оғир синовлар тушгандан сидикидилдан күмак бериш әнг шарағали иштеді. Чунки Алишер Навоий бобомиз ҳам бир шеърларыда шундай дегендар:

**Нағыннан агар ҳалқа бешақдурур,  
Билки бу нағын үзингга күпракдурур.**

Дархаққат, қайси бир инсоннинг ҳалқа нағи, яхшилиги күпроқ тегадынан бұлса, бундан, аввало, унинг үзи манфаат құрады. Ҳалқа теккан фойдаси учун Аллоҳ таоло бу инсоннинг иккى дүнёсіні обод қиласы. Зоро, Парвардигор Қуръони каримда: “Яхшилик қылымнан, албатта, Аллоҳ таоло яхшилик құлыпчиларни севади”, деб марҳамат қылған.

Хәётда енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юрган одам эса, барибир, ютқазади. Аксинча, тириклик синовларидан чүчимай, захмату мashaққатларга мәрденавор бокқан инсон, албатта, қадр, әзтибор ва меҳр топади. Сирдарә ахли оғир синовларни бошидан кечирған күнларда биз – Сув ҳұжалиғи вазириларни матбуот хизмати ходимлари ҳам қызғын меңнат жараёнини, сувчию экскаваторчилар ҳамда башқа күплаб башқа соқалар ходимларининг мashaққатли меңнатини үз күзимиз билан күриш, туну күн тиним билмасдан тер тұқаёттан захматкашларнинг салмокли хизматини халқимизга билдириш учун Оқолтин туманида бұлдык.

Техноген оғат өқибатларини бартараф этиш бүйича Сув ҳұжалиғи вазириларының штабига етиб келганимизда ёмғир майдалаб ёғаёттан эди. Бир соатлар олдин кучли жала күйған, ҳаммаёк лойгарчылық. Шунға қарамай, атрофда յөзлаб техникалар, сув ҳұжалиғи ташкилотлари ходимлари тинмай меңнат қилишмокда.

Техноген оғат “Сардоба” сув омборидан обиҳаёт оладын “Марказий тармоқ” каналининг 8,5 км, “Үнг тармоқ” каналининг 4,5 км ва “Чап тармоқ” каналининг 3 км қисмінде жиддий зарар етказған эди. Натижада Сирдарә вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларыда ушбу каналларга бояланған 39,5 минг гектар, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл, Арнасой ва Зафаробод туманларыда 90,2 минг гектар, жами 129,7 минг гектар майдоннинг сув таъминоти узилиб қолғанды. Шунингдек, мазкур туманлардаги жами 26,3 км ҳұжаликлараро каналлар, 192,5 км мелиоратив тизимлар, сув истеъмолчилари үюшмалари ва фермер ҳұжаликларининг 554,9 км сувориш ҳамда 701 км коллектор-дренаж тармоғи ҳамда улардаги гидро-техник иншоотлар, 5 та насос станцияси, 30 та вертикал дренаж күдүк ва башқа сув ҳұжалиғи объектларига шикаст етганды.

Ушбу объектларни қисқа муддатларда таъмирлаш ва реконструкция қилиш мақсадида “Марказий тармоқ”, “Үнг тармоқ” ва “Чап тармоқ” каналлари ҳамда Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманларидаги каналларга алоҳида бosh пудрат ташкилотлари белгиланыб, улар томонидан күшимча рационалдан 17 та пудратчи ташкилотлар жалб қилинди.

Молия вазирилардың томонидан Сирдарә вилояті ҳокимлиги билан биргаликта биринчи навбатда амалға ошириладын курилиш-монтаж ишлары учун жами 14,3 млрд. сүм бүннак маблағи берилди.

Республикамыз худудларидаги сув ҳұжалиғи ташкилотларидан жами 421 та техника, жумладан, 185 та экскаватор, шунингдек, 940 нафар малакали қурувчи-мутахассис жалб қилинди. Улар учун өдірлар курилип, ётқы жой, уч маҳал иссиқ овқат ва башқа зарур шароитлар яратылды.

Таъмираш-тиклаш ва реконструкция ишларини амалға оширишда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, цемент, арматура ва башқа курилиш материалларининг узлуксиз таъминоти бүйича тизим яратылды.

“Сардоба” сув омборидан сув олувчи “Марказий тармоқ”, “Үнг тармоқ” ва “Чап тармоқ” каналлари қисқа фурсатда таъмираш-тиклаш, уларға сув келиши билан минг-минг гектарлаб қишлоқ ҳұжалиғи экинларини суғорыш ва ююри ҳосил олиш имкони яратылды.

— Техноген оғат туфайли вилоятимизда юзага келганды да оның қарашасынан барчамизнан сабру иродамизни синовдан үткәзди. Ҳалқимизга минг раҳмат, бундай синовли күнларда биздан күмагини аямады, — дейді Жанубий Мирзачўл каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Зиёвуддин Сайдов.

Чангу губор, ёмғири шамолни писанд этмасдан, уч сменада астайдыл меңнат қылған фидойиларга “Хорманг” дея яқынлаштырылды.

— Бутун ҳалқимиз бизга ёрдам берди. Оғир күнларда ҳеч ҳам яқкаланиб қолғанимиз үйкү. Қанчадан-қанча ҳашарчилар келип, талоғат етган жойларни тузатып берішті. Давлатимиз раҳбарининг бизга күрсатыёттан ғамхұрлықларидан ҳам бошина мүнис құкка етди. Юртдошларимизнинг жипслигі, бирдамлиғи ва меҳру муҳаббати билан бу синовли күнларни ҳам енгаяпмиз. Ҳаммаларига катта раҳмат, — дейді биз билан сұхбатда сирдарәлік ирригатор Суннат Хидиров.

“Сардоба” сув омбори талафотларини бартараф этиш учун Сирдарәга бутун республикамыздан фидойилар карвони келиб, бир ойдан ортиқ вақт давомида таъмираш-тиклаш ишларини жадал суръатларда олип боришилди. Натижада “Сардоба” сув омборига боғланған Сирдарә ва Жиззах вилоятларидаги паҳта, ғалла ва башқа экинларни сақлаб қолишиш, үз қаңырауда оширилди.

Байрамларни, муборак ойни яқынларидан олисда, қызғын меңнат жабхасыда үтказған ҳашарчиларни бутун ҳалқ “умрин-гиздан барака топинг!” дея дуо қылған түрді. Агар улар шундай ишларынан олип боришилди. Натижада “Сардоба” сув омборига боғланған Сирдарә ва Жиззах вилоятларидаги паҳта, ғалла ва башқа экинларни сақлаб қолишиш, үз қаңырауда оширилди.

Буларни үйлаган, ана шу дастурхонга үзи ва фарзандлары ҳам құл узатишини тасаввур қылған экскаваторчы бульдозерчи, қурувчи ва яна башқа күплаб фидойилар меңнат фронтидан аспа чекинмады.

**Алимардон ҲАЙИТОВ,**  
журналист.

## СУВЧИ МАҲОРАТИ ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

“

**К**оракпогистон Республикасининг Элликқаъла туманида ҳар йили қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари – пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик соҳаларида катта мудаффакиятларга эришиб, бу борадаги режаларини ортиги билан бажариб келаётган жамоалар талайгина. Ана шулардан бирни – “Гулдурсун азаматлари” ММТП дир. У ўзининг хушманзара бот-рголари, ажойиб табиати, энг муҳими, соддадил, тажрибали дехқонлари билан республикада машҳурди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу жамоада ҳар йили қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларидаги режалар ортиги билан бажариб келинади. Шу боис, “Гулдурсун азаматлари” ММТП нинг фермер хўжаликлиарида аҳоли бой-бадавлат ҳаёт кечиришади. Ҳа, ҳалол меҳнатнинг нони ҳам ширин бўлади.

Бу жамоада жами 38 та фермер хўжалиги фаолият юритади. Шулардан 18 таси қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари – пахтачилик, ғаллачилик, 3 таси чорвачилик, 15 таси асаларичилик, пиллачилик, полиз-сабзавотчилик билан шуғулланади. Жами экин майдони 1843 гектардан зиёд.

“Гулдурсун азаматлари” ўтган йилни

мудаффакиятли якунлади: 592 гектар ер майдонидан 1405 тонна ўрнига 1580 тоннадан зиёд пахта, 361,5 гектар ер майдонидан 1048 тонна ғалла хирмони бунёд қилинди. Жорий йилда ғалла ҳосили бундан ҳам кўп бўлиши кутилмоқда. Бошқа соҳалар-чорвачилик, балиқчилик, полиз-сабзавотчилик, боғдорчилиқдаги мудаффакиятларда ҳам салмоқли бўлди. Натижада фермер хўжаликлари иқтисоди янада бақувватлашди, кўплаб замонавий янги техникалар сотиб олиши, энг муҳими ишчилар турмуш фаровонлиги яхшиланди, дастурхони тўқис бўлди.

– Хизмат вазифамга кўра мазкур жамоада тез-тез бўлиб тураман, – дейди Элликқаъла тумани қишлоқ хўжалиги бўлими етакчи мутахассиси Ш.Жуманазаров. – Қувонарлиси шундаки, ҳар келганимда бирорта янгиликнинг гувохи бўламан. Тажрибали дехқонлар элати ўтган йил йиллик режани ҳали сентябрь ойида уддалашганлиги боис, 1 минг 600 тоннага ҳосили юқори навларга сотилди. Ғаллачилик ҳам барқарор ривожланмоқда. Улар 2019 йили 1050 тонна ҳосил жамлашган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткич бунданда кўп бўлиши кутилмоқда.

“Гулдурсун азаматлари” фермерларининг жорий йилда ҳам шашти баланд. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, экишолди тадбирларининг ҳаммаси энг мақбул муддатларда ўтказилганлиги боис,

жамоада ғўзалар баравж ривожланмоқда.

Ғўза ниҳолларини оби-тобида сугориш ҳали июнь ойининг иккинчи ўн кунлигига ёппасига бошлаб юборилганлигидан ниҳоллар кун сайин кўкка бўй чўзмоқда.

Албатта, бу борада туман сувчи-миробларининг ҳиссаси ҳам катта бўлмоқда. Уларнинг шижоатли меҳнатлари сабабли бу йил жами 16 минг 829 гектар ер майдонининг сув таъминоти тубдан яхшиланди. Ажратилган 100 миллион метр<sup>3</sup> чекланган сув миқдори билан 11000 гектардан зиёд пахта, 3000 гектар ғалла майдонлари, 3412 гектар аҳоли томорқаси, 4202 гектар бошқа қишлоқ хўжалик экинлари маромида сугорилмоқда. Бу – айтишга осон. Туман сувчи ва мироблари кўрсаткичини шу дарајага етказиш учун, яъни экинларни барқарор сув билан таъминлаш мақсадида 48,8 километр узунликдаги хўжаликлараро каналларни тозалади, 80 тага яқин гидротехник иншоотлар таъмирланди. Бундан ташқари, СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги ички сугориш тармоқлари, гидропостлар, сув олиш кулоқларини жиҳозлаш муддатида бажарилди.

Ҳа, Элликқаъла туманидаги 11000 гектар ер майдонини эгаллаган ғўзалар об-тобида сугорилмоқда. Натижада гуллар кўсакларга айланаб, бўлажак мўл ҳосилдан дарак бермоқда.

**Рейимбой ҚОЗОҚОВ,**  
ӯз муҳбириз.

қилган фермернинг даласига қараб йўл олади. Ҳолатни ўрганиб, фермерга ғўза ривожига оид тавсияларни эринмай тушунтиради.

– Туманимизда мен таниган-танимаган кўпгина фермерлар ўз даласига таклиф қилиб, маслаҳат сўрайди, тавсияларимга кулоқ солади, – дейди Муродқул бобо. – Айни кунларда далаларда пахтани биринчи сугориш ишлари якунланмоқда. Далаларни кезар эканман, ҳали ҳам сугориш илмини билмайдиган фермер ва сувчиларнинг борлигидан жиғибийрон бўламан. “Хой, нега қатор оралатиб сугормай, ҳар биридан сув ҳайдаяпсан? Ени котириб кўясанку. Ҳозир ғўза учнчалик томирламаган. Унга кўп сувнинг кераги йўқ. Лимитингни беҳудага исроф қиласяпсанку. Ҳали ғўза кўп сув талаб қиласиган кунлар олдинда” дейман куюниб.

Туман раҳбарлари семинарларга, йигилишларга доимо тақлиф қилишади. “Фермерларга ғўзага сарфланадиган сувнинг меъёллари ҳақида бир тушунтириб беринг” дейишади. Тушунтираман. Меҳнатининг маҳсулини кўрмоқчи бўлган фермер асосан учта нарсага – сув меъёрига, агротехник тадбирларни сифатли амалга оширишга ва ўйтнинг вақтида, белгиланган миқдорда берилшишга доимо эътиборли бўлишига чақираман.

Орамизда Муродқул бободек пахта илмининг билимдони, тажрибали дехқон, сув қадрини тушунган инсонлар бор экан, уларнинг насиҳатларига кулоқ тутган фермерларимиз меҳнатидан барака топаверади. Зоро, экинини оби-тобида сугорган дехқон ҳеч қачон ютказмайди.

**Абдухолиқ ЖЎРАЕВ,**  
Куий Зарафшон ИТҲБ матбуоти комиби.



**ЭКИНИНИ ОБИ-ТОБИДА СУГОРГАН  
ДЕҲҚОН ЮТҚАЗМАЙДИ**

Қарийб саксон ёшни қоралаётган Муродқул бобо Самандировни навбаҳорлик фермерлар “Олим бобо” деб аташади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бобо умрининг 50-60 йилини пахтазор ичида ўтказган, десак асло муболага бўлмайди. Туман ташкилотларида раҳбар, жамоа хўжаликлирида агроном бўлиб, кўп йиллар туман пахтачилик ривожига катта ҳисса қўшган отахон аллақачон нафақага чиқсан бўлса-да, кексалик гаштими сураётган бошқа тенгдошларидан фарқли ўлароқ ҳамон қадрдан далаларида вақтини ўтказади. Ҳар куни эрта тонгдан “Пахтазоримнинг ҳолатини бир кўриб беринг, чанқамабдими” деб илтимос

## ТОМЧИЛАРДА УНГАН ҲАЁТ



Бугун бутун жағон зироатчилари олдидаги мұрakkab үзілдіктердің мөндердің бири, бу – шубхасиз, сув тәнқислігі масаласыдیر. Маълум бўлишича, соҳада сув истеъмоли сўнгги йиллар ичидаги бир неча баробарга ортган, 2050 йилга келиб бу миқдор яна икки баробарга кўпайиши кутилмоқда. Бу муаммони ҳал этиш усулларидан бири эса томчилатиб суғориш тизимини кўллашдир. Дастлаб томчилатиб суғориш технологияси илк марта 60-йилларнинг бошида ишлаб чиқилган бўлса, қисқа вақт мобайнида олинган ижобий натижалар дунёning кўплаб мамлакатларида тез тарқалишига ёрдам берди. Томчилатиб суғориш сувнинг кам-кам миқдорда ўсимликларнинг томир зонасига етиб боришига асосланган. Сув барча ўсимликларга бир текис ва бир хил миқдорда, ўсимликка қанча керак бўлса, айнан шунча, тупроқни сув босмайдиган ва уни истроф қилмайдиган тарзда келиб туради. Бу усул мамлакатимизда ҳам ердан фойдаланувчиларнинг катта эътиборига сабаб бўлиб, кенг жорий этилмоқда.

Эътироф этиш мүмкінкі, ушбу долзарб масалага ечим топишида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хомашёсимини етиштириши” томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун кулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан Қашқадарё вилоятида 2020 йилда жами 3 минг 698 гектар, шундан, 2 минг 600 гектар пахта майдонларида жорий қилиш белгилаб берилган.

Шу аснода, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, мазкур қарор ижроси юзасидан талаб ва таклифлар асосида, суғориш тизимида ўзига хос меҳнат талаб этадиган Қашқадарё вилоятида ҳам

кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

– Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда, иқтисод қилинишида самарали усул ва илғор технологиялардан, хусусан, томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш мухим аҳамият касб этади. Бу – сувга эҳтиёж кўп бўлган даврларда оби ҳаёт тақчилигининг олдини олади, – дейди “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича мутахассиси Ҳабибулло Маманов. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Қашқадарё вилоятида 2020 йилда жами 3 минг 698 гектар, шундан, 2 минг 600 гектар пахта майдонларида жорий қилиш белгилаб берилган.

Жорий йилнинг шу даврига қадар 4 минг 364 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологияси – ишнатиш учун 183 та фермер ва кластер ташкилотлари ҳамда қурувчилар ўртасида шартномалар расмийлаштирилган бўлиб, қурилиш ишларини бошлаш мақсадида 66 та фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотларининг 1 минг 503 гектар пахта майдонини молиялаштиришга маблағ ажратилди. Шундан Агробанкнинг туман филиаллари томонидан 65 та фермер

хўжалиги ва кластер ташкилотлари учун 1 минг 428 гектар пахта майдони учун кредит маблағи ажратиб берилган бўлиб, молиялаштирилган 50 та фермер хўжалигининг 1 минг 126 гектар пахта майдонида ўрнатиш ишлари якунига етказилмоқда ва айни дамда 228 гектар пахта майдонларида суғориш ишлари бошлаб юборилган.

Шу билан бирга, вилоятда сувдан тежамли фойдаланишнинг яна бир усули бўлган эгилувчан қувурлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. 2020 йилда вилоят бўйича жами 500 комплект кўчма эгилувчан қувурларни харид қилиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар фермер ва кластер ташкилотлари томонидан 114 комплект кўчма эгилувчан қувурлар олиб келинди. Шулардан 70 комплект махсус кўчма эгилувчан қувурлар “Индорама агро” МЧЖ томонидан Австралия давлатидан олиб келинган.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунга келиб, вилоятда пахта майдонларида сув тежовчи лойиҳаларни кенг оммалаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Кўзланган мақсад томчилатиб суғориш орқали, энг аввало, сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва шу орқали нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам ошириш. Шунингдек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, агротехник тадбирларни самарали ва унумли амалга оширишга ёрдам беришдан иборат.

Албатта, тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиб суғориш усулига амал қилиш сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш баробарида ҳосилдорликни ва даромадни оширишга хизмат қилади.

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**  
ўз мухбирмиз.



## ИННОВАЦИОН ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ



**Маълумки, экинзорларнинг қўпайиши билан сув истеъмоли ва сарфи ортиб боради. Бу эса ўз навбатида оби-ҳаёт танқислигини юзага келтиради. Ушбу муаммони ҳал этиши усуllibаридан бири эса томчилатиб суғориш тизимини қўллашибир. Томчилатиб суғориш усули сувнинг кам миқдорда ўсимликларнинг томир зонасига этиб боришига асосланган. Бунда сув барча ўсимликларга бир текис ва бир хил миқдорда, ўсимликка қанча керак бўлса, айнан шунча, тупроқни сув босмайдиган ва уни исроф қўлмайдиган тарзда келиб туради. Бундан ташқари, сувнинг ўсимликка етказиб берилгунча буланиб кетиши сабаби юз берадиган улкан йўқотишлар олди олинади. Бу усул мамлакатимизда ҳам ердан фойдаланувчиларнинг катта эътиборига сабаб бўлмоқда.**

Бугунги кунда Булунгур туманида ҳам мавжуд 6 минг 473 гектар боғ-токзорларни тежамкорлик ва ҳосилдорлик гарови бўлган томчилатиш усулида суғориш тизимига ўтказиш буйича ишлар амалга оширилмоқда. Айни дамда тумандаги 2 минг 840 гектар экин майдонлари томчилатиш усулида суғорилмоқда.

– Томчилатиб суғориш усули экиннинг эҳтиёжига мос миқдордаги сувни шланглар ёрдамида бевосита унингилдиз қатламига етказиб беришга мўлжалланган қулай мухандислик суғориш усулидир, – дейди Булунгур туман ирригация бўлими бошлиғи Асқар Худойкулов. Одатий суғориш усуллари қўлланилганда, дала тупроғи суғоришдан олдин ҳаддан зиёд қуриб кетса, суғоришдан кейин унинг намлиги керагидан ортиб кетади. Бундай шароитда экин аввал намлик етишмаслигидан, кейинчалик намлик кўплигидан азият чекади, яъни бир стресс ҳолатдан чиқиб, бошка стресс ҳолатга тушади. Бунда ўз энергиясини ана шу стресс ҳолатидан чиқиб кетиш учун сарфлайди. Томчилатиб суғориш технологиялари

эса ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилади, ҳосил унумдорлигига эришища юқори самарадорликка эга. Бундай усуlda суғорганда боғ ва токзорларда ҳосилдорлик 20 фоизгача ортади. Шу мақсадда биз ҳам туманимизда фермер хўжаликларимизда сув тежовчи технологиялардан фойдаланишини кенг жорий этиб бормоқдамиз.

Маълумотларга кўра томчилатиб суғорилганда бошқа суғориш усулларига нисбатан экин турига қараб, 20% дан 50% гача сув тежалар экан.

– Бугун туманимизда жорий этилган томчилатиб суғоришнинг замонавий тизими кўплаб қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик экинларида қўлланилиб, бир қанча афзалликлар яратмоқда. Жумладан, фермер хўжаликларида бу технологиялар жорий этилиши билан баъзи йиллардаги пайдо бўлган сув танқис шароитларда ҳам янги ташкил этилган боғ ва токзорларни сақлаб қолиш, сабзавот ва полиз маҳсулотларидан юқори ҳосил олиш имконини бермоқда. Шу билан бирга туманимизда эндилиқда қўчма эгилувчан қувурларни эгат

олиб экиладиган бир йиллик, ғўза, ғалла, пиёз, кунгабоқар, лавлаги, маккажўхори каби экинларни суғорища ҳам қўллашни йўлга қўймоқдамиз, – дейди Булунгур туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринbosари Дилшод Сулаймонов.

Шу билан бир қаторда, айни дамда тумандаги 22 фермер хўжаликларининг 300 гектар экинзорлари кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғорилиб, сув тежамкорлигига эришилмоқда. Кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш орқали, ўқариқ ва шоҳариқлардан сувнинг тупроққа шимилиб исроф бўлиши бартараф қилиниши баробарида, сув барча эгатларга бир ҳилда таралиб, натижада даланинг барча қисимлари бир ҳилнамланишига эришилмоқда. Пировардида, сув ресурслари тежалиши билан бирга, ҳосилдорлик ҳам муттасил ошиб бораётir.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратда:** (чапдан) Булунгур туман ирригация бўлими бошлиғи Асқар Худойқулов, мухандис гидротехник Дилемурод Мамашарипов, “Булунгурдаевсувмахсусспудрат” МЧЖ бош ҳисобчиси Сайдносир Дадажанов, МЧЖ бош механизги Хайрулла Ўсаров.

# МҮЛ ҲОСИЛ ~ ФАРОВОНАЛИК ГАРОВИ

*Галла — халқимизнинг ризқ-рӯзи. Айни кунлардам мамлакатимиз бўйлаб пишиб етилган бугдойни нобуд қилмай йигиштириб олиш тадбирлари давом этаётир. Жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам бу борадаги ишлар жадал олиб борилмоқда. Айниқса вилоятнинг галла хирмонига салмоқли улуш қўшган Нишон, Миришкор ва Касби тумани галлакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб зафар қозонди.*

Жорий йилда вилоятда 141 минг гектар суғориладиган ҳамда 63 минг гектар лалми майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилиб, умумий ҳисобда 1 миллион 67 минг 100 тонналик улкан хирмон барпо этилди. Эътирофлиси ушбу мавсумда суғориладиган ғалла майдонларининг гектаридан ўртача 70 центнердан дон ҳосили олинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу улкан ҳосилни етиришнинг ўзи бўлмади, ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, касаллик ва зарапкунандаларга қарши кимёвий препарatlари ўз вақтида етказиб берилди. Экилган ғаллани қишлоғва ҳозирлаган ҳолда киритиш учун куз ойларида майдонлар гектарига 100 150 килограммдан азотли минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Январь ойида об-хавонинг келишига қараб, қўшимча равишда «чиyllа суви» берилди, далаларга маҳаллий ўғит чиқарилди ва шарбат усулида суғориш ишлари ташкил этилди.

Воҳада астойдил ишлайдиган, ўз вақтида ва унумли меҳнат қилаётган, шартнома режасини уddyалаб, даромадига даромад қўшаётган тантн фермер хўжаликлири бисёр. Нишон туманида фаолият олиб бораётган “Зиёдулла Ўрол ўғли” фермер хўжалиги ва “Мусурмонов Самандар” фермер хўжаликлири ана шундай илғор фермерлардан ҳисобланади.

– Ҳосил яхши бўлса, даромадимиз ҳам шунга яраша кўп бўлади, – дейди “Мусурмонов Самандар” фермер хўжалиги раҳбари Дилмурод Жаҳонгиров. Бу йилги муваффақиятда далада меҳнат қилган ҳар бир ишчи-ходимимизнинг ҳиссаси катта, шунинг учун ҳам уларни муносиб рағбатлантиришини ўйлга кўйғанмиз. Бу жуда яхши самара бормоқда.



Қамаши тумани галлакорлари

Касби туманида гектаридан ўртача 65 центнердан дон ҳосили йигиштириб, 49 минг тонна дон ҳосили олган бўлса, мазкур кўрсаткич Миришкор туманидаги 556 нафар фермер хўжаликлири далаларида гектаридан 65-70 центнерни ташкил этиди ва жами 71 минг тонналик улкан хирмон барпо этилди. Тумандаги “Зарипов Асқар Пўлатович” фермер хўжалиги аъзолари эса гектаридан 80 центнердан ортиқ ҳосил олиб туман хирмонига ўз улушини қўшди.

Шунингдек, Қамаши туманида ҳам 38 минг 126 тонна хирмон яратилди. Ушбу хирмонни яратишга тумандаги “Қорабог” худуди фермерлари, жумладан “Карим Жумаев” фермер хўжалиги аъзолари гектаридан 80 центнердан ҳосил олиб, ўз улушини қўшди.

Албатта худудлардаги шартномавий режани ортиғи билан бажариб, шу аснода даромадини ошириб, хўжалиқда қушимча тармоқлар очишга интилаётган фермерлар бисёр. Самарқанд вилояти Нарпай тумани миришкорлари ҳам жами 5 минг 720 гектар майдонда ғалла етиштириб, вилоятда биринчи бўлиб давлатга ғалла топшириш шартнома режасини уddyади.

– Бу йил Давлат хирмонига шартнома режадаги 19 минг 273 тонна ўрнига 19 минг 600 тонна сара дон топширдик дейди, туман ғалла штаби аъзоли Файрат Исломов. – Туманимизда айниқса “Раис Қаҳрамон Махманизаров”, “Наҳрипай” фермер хўжалиги аъзолари шижоат билан меҳнат қилиб, гектаридан 80 центнердан ортиқ ҳосил етиштириди.

Шунингдек, Самарқанд тумани галлакорлари ҳам гектаридан 70- 750 центнердан ҳосил етиштириб, 9 минг 900 тонналик шартномавий режани ортиғи билан бажарди. – Айни кунларда туманимизда асосий эътиборни ҳосилдан бўшаган ерларни тезроқ тақорорий экинга тайёрлашга ва тақорорий экинлар экинга қаратганимиз, – дейди, туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Хуршид Ўроқов. – Тақорорий экин сифатида 208 нафар фермер хўжаликлири дала майдонларининг 596 гектарига картошка, 300 гектарига мөш, 85 гектарига сабзи, қолган майдонларга эса булғор қалампири, карам, кўкат каби озуқабоп экинлар экишни бошлаб юбордик.

Албатта жойлардаги эндиғи асосий эътибор ҳосилдан бўшаган ерларни тезроқ тақорорий экинга тайёрлаш ҳамда экспортбол маҳсулотлар етказишдан иборат. Зоро, бугун ҳар бир кун ғанимат. Аҳоли дастурхони файзли бўлиши ҳам, иқтисодий фаровонлик омили ҳам ана шу ғанимат онлардаги меҳнат маҳсулига боғлиқ.

Ўз мухбирмиз.



Нишон тумани галлакорлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 апрелдаги тегишили қарорига асосан март ойида Хоразм вилоятида янги туман ташкил қилинди. Унинг таркибига 192 000 гектарлик умумий ер майдони, жумладан, Питнак шаҳри, Тупроққалъя, Питнак, Мирзо Улуғбек каби қатор қишлоқ ҳудудлари киритилди. Шу муносабат билан туманда катта бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасига эътибор кучайтирилди. Пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик, полизчилик, балиқчилик, қуёнччилик йўналишлари бўйича иш олиб бораётган хўжаликлар ўз ишларини қайта белгилаб олдилар. Иқтисодиётни юксалтириш, тажриба ва малакага эга бўлган туманлар қаторига етказиш йўлида астойдил ҳаракат бошланди.

Тупроққалъаликлар азалдан балиқ етишириш ва балиқ таомини пазандалик билан тортиқ қилишда ном чиқарган ҳалқ. Тупроққалъя ва Соримой ҳудудларида фаолият олиб бораётган жами 114 та фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига 45760,1 гектар ажра-

тиб берилган ер майдонларида бугун ишҳар доимигидан ҳам авж олди. “Хоразмбалиқсаноат” МЧЖ томонидан Соримой, Нукус, Тупроққалъя қишлоқларида жойлашган табиий кўллар танлов асосида 15 та корхонага жами 3098,4 гектар ер майдонлари ажратилди. Соримой қишлоғидан оқиб ўтувчи Амударё

Хонқа ҳудудларида ҳам қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари қатори балиқчиликка катта аҳамият берилди. “Тупроққалъя балиқчи”, “Сарвар Санъат Баҳтиёр”, “Алимардон Марданбек” каби хўжаликлари ҳам ишни жадал бошлаб юбордилар.

Бугунги табиий инжиқликлар шароитида иш бошлаган кенжга туманда 5 йиллик режалар асосида 500 гектар ер майдонида гидропоник усулдаги иссиқхоналар курилиши бошлаб юборилди. Туманнинг келажак истиқболини кўзлаб иш олиб бораётган барча мутасадди ташкилотларда қурилиш ва ободонлаштириш, янгиланиш ва изланиш давом этмоқда. Зоро, юртимиз фаровонлиги, ҳалқимиз тутувлиги ва саодати йўлида, саноатни, маданиятни юксалтириш, ривожланган мустаҳкам давлат қуриш йўлидаги эзгу

қадамлар ҳар бир шахсга келажакни таъминламоқ йўлида юклangan дунёвий ва таълимиy, муқаддас вазифадир. Янги истиқболли режалар, бунёдкорлик ишлари туман маркази ва қишлоқларини янада кўркамлаштиради. Бунинг учун эса мардона меҳнат қилаётган эл-улус кунни тунга, тунни кунга улади.

## ТУПРОҚҚАЛЪАДА ЯНГИ ДАВР

чап қирғоғида жойлашган табиий сув ҳавзалари “Бекчан уста”, “Болтабой оқсоқол”, “Ойбиби полвон”, “Насиба”, “Маркс кўл балиқ” фермер хўжаликларига 10 йил муддатга фойдаланиш учун ажратиб берилб, ҳозирги кунда бу масканларда қизгин иш фаолияти давом этмоқда. Янги туманнинг Гурлан, Ҳазорасп, Хива,



**Суратда:** машинист-электрик Исломбек Хўжаниёзов иш пайтида.

**Шукуржон ЖАББАРОВА,**  
ўз мухбирмиз.

**Я**нги туман қадимий тарихга эга бўлиб, қадамжолар, зиёратгоҳларга маскан. Қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги экин майдонларини айланар эканмиз, қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ҳоким ўринбосари Шуҳрат Шомуродов ҳамроҳлигидан “Жумёзбува” фермер хўжалиги томон йўл олдик.

Фермер Илҳомбой Отабаев ва хўжалик иш бошқарувчиси Бахтиёр Юсуповларни дала шийпони олдидағи шафтотлизор боғда учратдик. 10 дан ортиқ турфа хилдаги шафтотлизор мева тугунлари ғуж-ғуж, мевалари етилиб пишган гилос, ўриқ, олма дараҳтларига уйқаш шийпон атрофидаги атиргуллар иссиқ шамолларга бўйин эгмай, қоматини тик тутиб майнин ифор таратади. Хуллас, бу ўлканинг бекиёс тароватини жазирама иссиқдан кела солиб, боғлар ифоридан баҳра олган инсон яхши билади.

51 ёшни қоралаган Илҳомбой Хоразм вилоятининг ҳазорасплик сувчилар оиласининг фарзанди. Урганч давлат университетининг Информатика-математика факультетини битказгач, жорий йилда шу ерларга келиб, “Жумёзбува” фермер хўжалигини тузди. Дастлаб 30 гектар ерга пахта, ғалла эккан фермер йиллар бўйи хўжалигини катталаштиришни ўйлади. 2008 йилда бу имкониятни қўлга киритиб, 116 гектар умумий ер майдонига эга бўлди. Ҳозирда унинг ишлари авжида. Пахта урги экилган 70 гектарлик майдонлар кўкликка чулғанган. 5 гектар ғаллазордаги тилларанг бошоқлар ўриб-ийғиб олинди. Булардан ташқари 8 гектар ерга полиз экинлари, 6 гектар ер майдонига сабзавотлар, 10 гектар ерга озуқа экинлари экилди. 10 гектар майдон шолизор, қолган ерларда дуккакли экин маҳсулотлари етиширилди. 10 бosh қорамол, 100 бosh парранда, 10 уя аслари боқилмоқда. Ишчи-хизматчилар эҳтиёжи учун алоҳида экин майдонлари ажратиб берилган.

– Ҳар йили битта техника сотиб олингандилиги сабабли ишимиз унумли бўлмоқда. Ҳозир 5 таюқори унумли чопик ва ҳайдов тракторларимиз бор, – дейди тракторчи Орифжон Жуманазаров. Унинг сафдошлари Шоҳруҳ Аминов, Норбой Юсуповлар, сувчилар Қаландар Дўсчанов, Оллашкур Оллабергановлар хўжаликнинг фидойилари ҳисобланади. 15 нафар асосий ишчи-хизматчининг



## ЗАРДУШТӢӢЛӢДӢ ҚӨЛГӢӢ ТӢРӢ

оилавий ҳаётига хўжалик раҳбари эътиборли-да!

Жамоа аҳли “Riadkontong riad” класстер ташкилоти билан тузилган шартномага кўра 155 тонна пахта маҳсулоти етишириб беришни режа қилмоқда.

Хўжалик аъзоларининг ниятлари катта. Келгусида наслии қорамолларни боқишига мўлжалланган фермахона, замонавий иссиқхоналар қуриш ҳам режалаштирилган. Бу билан яна 30-40 ишчи ўрни яратилиб, қишлоқ аҳли, эҳтиёжманд оилалар иш билан таъминланиши мумкин. Режалар улуғ ишларга муқаддима бўлади, имконият эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишга гаров бўлади.

– Бу маскан хосиятли, ривоят ва афсоналарга бой. Айтишларича, Хоразм ерлари кўпгина авлиёларни ўзига жалб қилган. Шайх Қосим бобо ҳазратлари ҳам шу ерларни макон қилган. Бу муқаддас тупроқнинг ҳар қаричи бир мўъжиза ва тилсимларга кон. Бу тупроқа меҳр бермоқ, ибодат қилмоқ Оллоҳга эътиқодни юксалтиради, – дейди иш бошқарувчи Бахтиёр Юсупов.

Ватанга, она ерга меҳри бўлакча инсонлар билан бўлган сухбат зериктирмайди. Тарихини унутмаган ҳалқ бокий яшайди. Суҳбатимиз яна Зардустийларга, “Хумбузтепа” ва “Чингизтепа” ёдгорликларига бориб тақалди.

– Қаловини топсанг қор ёнади”, деганларининг маъносини биласизми? Бу саволни ҳар ким ўзи билганича таҳлил қиласди.

– Муздан олов ёқсан Зардустийлар Наврӯз байрами олдидан янги олов ёкишган. Шу яқин жойда “Хумбузтепа” дан оташпараст Зардустийларнинг

ибодатхонаси топилган, – деди Шуҳрат Шомуродов. – Аслида шу ернинг ўзида музей ташкил қилишимиз керак. Ахир, бу муқаддас ер бағридан ғалла, дон, ёғ, туз солинган катта-катта қадимий хумлар топилган. Ҳозир бу ашёлар Хива археология музейига топширилган.

– Хоразм тарихи дастлаб 2700 йиллик деб айтилган эди, мана шу “Хумбузтепа”дан топилган қадимий осори-атиқалар сабаб, юртимиз 3000 йиллик мозийни ўзида мужассам қилди, – дейди Илҳомбой Отабаев. – Бу тепаликлар тарихига қизиқан чет эллик археологлар ҳам келиб, ўрганишяпти, изланишяпти.

Ҳа, “Дунё бўйлаб” телеканали орқали намойиш қилинган телекўрсатувлардан ҳам маълумки, Хоразмнинг қадимий тарихи қадим тепаликлар қатида, мозий сирлариаро яшириниб ётибди. Тупроқалъа туманидаги “Чигизтепа”, “Хумбузтепа”, Шовотдаги “Катқалъа”, “Ваянганбобо” каби миллий ёдгорликлар Хиванинг кўхна обидалари қатори тарих дарвозалари, мозий зарваракларирид. Улар асралмоғи, ўрганилмоғи керак. Улардан йиллар сабогини, асрлар ўқувини ўрганишда фойдаланмоқ бугунги археологларимиз олдидағи муйян вазифалардир. Ахир, атоқли шоиримизFaфур Ғулом айтганларидай: “Бу йўллар кўп қадим йўллардир”. Бу йўллардан келажак қадам ташлайди. Янги Тупроқалъа туманининг эса, келажаги ёрқин.

### Ўз мухбиримиз.

**Суратда:** “Чингизтепа” ёдгорлиги ёнидаги “Жумёзбува” фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Бахтиёр Юсупов ва шу қишлоқнинг илғор томорқачиси Дурдубой ота.

## ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТИ КЎП ВА ХЎБ БЎЛАДИ

**К**ейинги пайтларда мамлакат агарар соҳасининг етакчи тармоқларидан бири – чорвачилик ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар биринчи галда ҳамюрларимизнинг арzon ва сифатли гўшт-сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида амалга оширилмоқда. Шунингдек, ушбу соҳа ривожланиши натижасида жойларда янги иш ўринлари яратилади, қишлоқларда яшаётган инсонларнинг турмуш шароити яхшиланади, аста-секин чорва маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш имкониятлари юзага келади.

Албатта, бундай режаларнинг амалга ошуви қатор шартларнинг баҷарилишини тақозо этади. Мустаҳкам озуқа базасини яратиш, чорвачилик инфратузилмасини бутунлай қайта тиклаш, соҳага истиқболли ғоялар ва технологияларни жорий этиш, ва, албатта, наслчиликни бугунги кун талабига мослаштириш – ана шундай талаблар мажмуасини ташкил қиласиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йилнинг 18 марта "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорини қабул қилган эди. Жиззах вилоятида барпо этаётган гўшт-сут йўналишидаги МЧЖ шаклидаги "Jizzax organic" агросаноат кластерининг вужудга келишига айнан ана шу муҳим ҳужжат ижобий туртки бўлди. Ҳукуматнинг 2019 йил 23 июлдаги "Жиззах вилоятида гўшт-сут маҳсулотларини етишириш йўналишидаги агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори билан эса, Зомин туманининг балл бонитети паст, мелиоратив ҳолати ночор 10 минг гектар атрофидаги ерлари шу жамиятга берилди. МЧЖ зиммасига Зомин ва Зарбдор туманларида гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш вазифаси юкланди.

Айни кунларда бу ерда чорвачилик мажмуасини бунёд этиш ишлари авжига чиқкан. Умумий майдони 57 гектарни ташкил этадиган, 3 минг бош қорамолни парваришлаш учун барча шарт-шароит мавжуд бўладиган ушбу мажмуани барпо этиш учун салкам 35 миллион АҚШ долларига тенг

маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Бунёдкорлик ишлари Сингапурнинг "Энтер инженеринг лимитед" компанияси томонидан амалга ошириляпти. Иш айни қизиган кезлари 350 нафар ишчи-ходим, 60 га яқин техника во-ситалари қурилиш майдонида тиним билмай турди.

Қурилиш лойиҳаси раҳбари Мухиддин Абдуллаевга кўра, "Чорвачилик мажмуаси тўлиқ хориж технологиялари билан жиҳозланади, сигирларни озиқлантириш, суғориш, соғиши, молхонани тозалаш каби жараёнларнинг ҳаммаси автоматик равишда амалга оширилади. Ҳар бир жонивор учун ажратилган махсус ўрин, алоҳида саир майдончаси мавжуд бўлади. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ҳажмининг ошишига хизмат қиласиди".

Ўтган йили хориждан агрокластерга "Aberdin-Angus" зотли 566 бош таналар келтирилди. Бир ой аввал улар бузоқлай бошлади. Июль ойига бориб, жониворларнинг ҳаммаси болали бўлади. Энди уларга мўл ва тўйимли озуқа зарур. МЧЖ томонидан ўтган йили 220 гектарга беда уруғи сепилган эди. Бу йил баҳорда эса, бедазор яна 780 гектарга кенгайтирилиб, умумий майдон 1000 гектарга етказилди. Бугун ана шу майдондан ўриб олинаётган емиш сигирларга айни мудда бўлмоқда.

– Жамиятимизга қарашли "Клас" комбайнода ўриб-йигиб олинган хашак махсус жиҳозлар ёрдамида зичланиб, молхонага етказиб берилаётир, – дейди МЧЖ бош ҳосилоти Мумтоз Юсупов. – Мақсадимиз озуқа



базамизни мустаҳкамлаш. Бунинг учун 2 минг гектар майдонга дон учун маккажӯҳори, 100 гектарга судан экини экканмиз. Минг гектардаги ғалладан бўшаган ерга яна маккажӯҳори экилади. Ҳуллас, мақсадимиз озуқа базамизни янада мустаҳкамлаш.

...Чорвачилик мажмуасининг биринчи навбатини шу кунларда фойдаланишга топшириш кутилмоқда. Пандемия сабаб эълон қилинган карантин туфайли айrim ишлар ортга сурилди. Шундай бўлса-да, қурувчилар 14 та ем-ҳашак ва сенаж саклаш жойи, озуқа тайёрлаш шоҳоб-часини фойдаланишга топширишди. 2000 бош қорамолга мўлжалланган 4 та молхонанинг биттаси битказилди. З та молхонада қурилиш-монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилаётир.

– Мажмуамиз "5 юлдузли" иншоотлар тоифасига киради, – дейди "Jizzax organic" агросаноат кластери бош директори Ҳикматилла Каримов. – Бош режага асосан мажмуа худудида молхонаю бузоқхоналардан ташқари яна камидаги 25 та хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш шоҳобчалари бунёд этилади. Шунингдек, жамоамиз аъзолари учун барча қулийликлари мавжуд замонавий турар-жой бинолари, ошхона, маданий-маший хизмат кўрсатиш нуқталари қурилади. Буларнинг барчаси уларнинг унумли меҳнат қилишига, охир-оқибатда, чорвачилик маҳсулотларининг янада кўп ва хўб бўлишига хизмат қиласиди.

**Худойберди КАРИМОВ,**  
ўз мухбиримиз.



## СУРХОННИНГ ФИЛОЙИ ДЕҲҚОНЛАРИ

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида илгари ҳам бир неча бор бўлганман. Яқинда туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиги Жаҳонгир Пўлатов ҳамроҳлигига туманинг “Равшонбек Полвон Ангар” фермер хўжалигига бўлиб, унинг раҳбари Ботир Аликулов билан сұхбатлашидик, тажрибалари билан қизиқдим.

— Она заминга зарур озуқаларни ўз вақтида, оби-тобида берсангиз, албатта, исталган ҳосилни йиғиб-териб олиш мумкин. Пахтазорларимизни кўриб турибсиз, шифил-шиғил кўсаклар. Ҳадемай тонналаб оппоқ дурагайланади улар, — дейди фермер.

Ҳа, хўжаликнинг 39,3 гектар пахта майдонидаги ғўзалар авжи нафақат кўзни, дилни ҳам қувнатади. 40-42 центнердан ҳосил йиғиб олишни кўзлаб туриди фермер. 40,9 гектар майдонидаги ғалладан эса 70 центнердан ризқ-насиба йиғиштириб олинибди.

— Воҳанинг фидойи фермерлари бизнинг туманимизда ҳам бисёр, — дейди Қизириқ тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлигининг агротехника бўйича ўринбосари Ўрол Мисиров биз билан сұхбатда.

“Истаралик Амир-Абдал” фермер хўжалиги раҳбари Чори Амироров билан танишдик. Даласида иш қизғин. Вақтини қизғонувчи Чори ака биз билан ҳам шошилиб гаплашди. 20 гектар пахта майдонидан 42 центнер ҳосил олишини режалаштираётган экан. Пахта даласи ям-яшил, ғўзалар баланд.

30 гектар ғалла майдонидан 80 центнердан дон йиғиб олинибди. Бундай муваффақият замери мөннат, заҳмат мужассам.

— Кўп йиллик тажриба, қишлоқ хўжалик соҳасига, заминга меҳр қўйиш, воҳа мардларига хос доюраклик, — дейди қатъиятли фермер.

Чори ака умрининг кўп қисмини далада ўтказган. У киши ишчи, бригадир, хўжалик раиси бўлган экан. Ҳозир тумандаги аксарият фермерларга маслаҳатчи, кўмакчи. У ўзининг муваффақиятларида онаси Шарофат момонинг хизмати бекиёслигини айтиб, бизни уйига таклиф қилди. Бориб

кўрдик. Момонинг ҳақиқатан серғайратлигини, тиниб-тинчи маслигини уйдаги тартиб-интизомдан ҳам англаб олиш қийин эмас. Мөннат заҳматидан бели бироз букилган Шарофат момонинг куч-ғайрати ёш қизларникидай.

Момо ҳар йили 2 қути пилла қуртидан 140 килограмм ўрнига 150-160 килограммдан пилла топшириб, кўни-кўшниларга намуна бўлиб келмоқда. Набиралари Дилдора, Сурайё, келини Саодатхон доимо онага ҳамроҳ, кўмакчи.

Шерободнинг шерлари қандай, дея қизириқликлар билан хайрлашиб, ушбу туманга йўл олдик. Туманинг “Рўзивой Қурбонов” фермер хўжалиги раҳбари Раҳматжон Қурбоновни буғдой даласида ўрим вақтида учратдик.

Фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, 60 гектар ғалла майдонидан 70 центнердан ҳосил йиғиб олиби. 37 гектарлик паҳтазоридан 41 центнер ҳосил кўтаришни мўлжаллаб иш олиб бормоқда. Хўжаликнинг 10 гектар боғи, 150 буш қўйи, 50 буш қорамоли, 45 қути асалариси, савдо шоҳобчаси ҳам бор экан.

Баҳор эртароқ кириб келиши боис сурхондарёлик деҳқонлар шаҳарликларни, бошқа вилоятлар аҳолисини полиз экинлари, мевалар, қовун-тарвуздар билан биринчилардан бўлиб таъминлашади. Садоқатли, мөннаткаш, қўли очик, полвон фермерлар топганларини эл дастурхонига тортиқ қилишади.

Шундай экан, уларга таъзим қилсан, таҳсин айтсан арзиди.

**Раъно ТОЖАЛИЕВА.**





## ИЗЛАНГАННИНГ ИМКОНИ БОР

Хоразм вилояти Янгибозор туманининг “Оёқдўрман” қишлоғи Қоратепа маҳалласида жойлашган “Рустамбой Шоҳруҳхон” фермер хўкалиги 2003 йилда пахта-ғаллачилик йўналишида иш бошлаган эди. Йиллар давомида хўжалик ривожланиши йўлидан дадил қадам ташлади. Раҳбар бир жойда қотиб қолса, ҳеч қайси жамоа ёки ташкилотда ўзгариш ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди. Рустам Абдуллаев хўжаликни ривожлантиришнинг янги омилларини излади. Унинг интилишлари, тинибтингимаслиги боис, 2020 йилдан чорвачилик йўналишига ўтган хўжалик ишлари буғунга келиб кенгайди.

Иссиқ жазирамали ёз чилласи, хўжаликка эрталабки салқинда етиб бордик. Қорамолларнинг озиқланишига эътибор бераётган фермер хўжалик раҳбари тонг чоғидан ўз ишлари билан машғул. 100 бош қорамол боқилаётган бу жойда тозалик йўлга қўйилган. Насли ва зотдор қорамоллар қаровли. Йилига 200 тонна сут маҳсулоти томонлар ўртасидаги шартномага кўра, Урганч сут маҳсулотларини қайта ишлаш заводига топширилади. Атрофдаги ташкилотлар ҳам арzon нарҳда сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

— Қишлоқда яшашнинг ўзи бўлмайди. Тонгда уйқудан уйғониб, тун ярмигача дехқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, полизчилик ишлари билан шуғулланамиз, — дейди Р. Абдуллаев. — Эл ризқини яратиш дехқоннинг асосий вазифаси. Шаҳардан кўра далаларда эркин нафас олувчи дехқон тонг ҳавосини хуш кўради.

Ҳа, тонгдан баҳра олиб дала кезган дехқон аҳли борки, олтин ёзниң ҳар бир дақиқасини ғанимат билади, тилло ранг буғдой бошоқлари тўлишиб, иссиқ шамоллар бағрида етилиб, ўзига хос ҳид таратиб турган субҳидам тароватидан

баҳра олиш иш унумини оширади, тетикиклик бағишилайди.

У ҳар субҳни эзгу ниятлар билан қарши олади. Умр бўйи ерга меҳр қўйган отаси Болтабой Абдуллаев ининг дуосини олганича қишлоқ йўллари сари қадам ташлади. Қўра тўла қорамолларини ҳам бир бора назаридан қочирмай кўриб чиқади. Озуқа ва сув ўз вақтида бериляптими? Камчиликлар йўқми? Ишчи-хизматчиларнинг муаммоларининг барчасини ўрганиб, ечимини топишига ҳаракат қиласди.

Хокимликка ариза билан мурожаат қилиб, 2020 йилда мавжуд ер майдонлари 212 гектарга етказилгач, хўжаликда иш қизиди. Мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, чорва комплекси курилиши бошлаб юборилди. 500 бош қорамолга мўлжалланган комплекс курилиши ишларига 1 млрд. сўм маблағ сарфланмоқда. Бу ерда чорва кластерини шакллантиришини кўзда тутган фермернинг орзулари катта. Сабабки, у тарбия топган оиласда қорамол боқиш, томорқа экинлари экиб етиштириш орқали рўзгорни бутунлаш ота-боболардан ўтган юмушлар эди. Қуш ҳам уясида кўрганни қиласди, деб бежиз айтилмайди. Фақат, меҳнат шакли ўзгарди, замон ўзгарди, холос. Президентимиз томонидан илгари сурилаётган замонавий курилишлар ва ишда янги испоҳотлар қилиш пайти келди. Бундан Рустам жонга ўхшаган ташаббускор, тажрибали дехқонлар унумли фойдалана бошладилар. Бугунги меҳнат, табиийки, эртанги роҳат.

— Онам Жумагул Шерметова раҳматлик жуда пазанда аёл эдилар. Болалигимизда эрталаб уазиз тайёрлаган ширчойни ичиб, қорнимизни тўқлаб, куни бўйи уйдаги қорамолларни яйдоқ далалар сари етаклаб кетардик. Болалиқдан уй ҳайвонларини боқишга, дала юмушларини қилишга ўргандик, — дейди фермер хотиралар оғушига чўмганича. Бугун ўша ишларнинг кўлами кенгайди, холос...

Умумий 212 гектар ер майдонининг

120 гектарида пахта етиширилмоқда. 30 гектар майдон ғаллазорлардан иборат. Пишиб етилган ғалла ўриб, ийғиб олинди. Оралиқ экинлар экиб етиширилмоқда. 15 гектар ерда сабзавот, зираворлар экилди. Қорамолларга озуқа учун 40 гектар ер майдонларига маккажӯҳори уруғи сочилиди. Бу вазифаларни бажариш учун 55 нафар ишчи-хизматчи бирдай меҳнат қилмоқда. Мавсумда эса 100 нафардан зиёд ишчилар меҳнатга жалб қиласди.

Иш бошқарувчи Хушнуд Матякубов, молбоқарлар Қаҳрамон Хўрзов, Фарруҳ Пирметов, Санжар Кенжаевлар хўжалик ишларида доимо пешқадамлилар. Аҳиллик ва саодатга интилган аҳли жамоага эга раҳбарнинг, маълумки, ҳар бир куни унумлилик, барака ва сарҳисоблар рўёби билан ўлчанади.

Янги курилаётган дала шийпони, ем-хашак омбори, сутни қайта ишловчи цех биноларининг курилиш ишлари жадал бошлаб юборилган. Хомчўтларга қараганда, агарда чорва комплекси тўла ишга тушса, хўжалик йилига камида 1 млрд. 500 минг сўм умумий фойда олади, соф фойда 700-800 млн. га етади.

Хўжалигини юксалтириш йўлида тиним билмай, қишининг совуғи ёзниң жазирамасида ҳам меҳнат оғушида яшаётган оёқдўрманликларга омад ва имкониятлар тилаб хайрлашдик. Ахир, буғунги ўзгаришлар даврида айнан пандемия шароитида қишлоқ аҳлиниң етиштирган маҳсулотлари қанча кўп бўлса, халқимиз фаровонлиги, соғломлиги таъминланади. Бунинг учун эса, хўжаликларни ривожлантиришнинг янги имкониятларини изламоқ айнан давр талабидир.



**Суратларда:** 1. Рустам Абдуллаев насли қорамолларнинг озиқлантирилишини кўздан кечирмоқда.

2. Янги курилаётган чорва комплекси.

**Шукуржон СОДИҚОВА,**  
ўз мухбиримиз.

**Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва шу асосда унинг хавфсизлигининг олдини олишда дехқон хўжаликлари ва фуқаролар шахсий томорқа майдонларининг аҳамияти бекиёсdir.**

Шу боисдан кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, томорқада аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш борасида Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10 октябрдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти билан ана шу масалани ўз ичига қамраб олган.

Шунингдек, Беруний туманида Президентимизнинг жорий йил 14 апрелда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар борасида ўтказган видеоселектор йиғилишидаги берилган топшириклар ижросини сўзсиз таъминлаш, ана шу борасида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, коронавирус пандемияси келтириб чиқараётган инқирозга қарши курашиб шароитида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишини ташкил қилиш, жорий йилги мураккаб вазиятни хисобга олиб, томорқалардан олдинги йилларга қараганда икки баробар кўп ҳосил олиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун жамоат назоратини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қайта ишлаш ҳажмини икки баробарга ошириш, дехқон хўжалиги ва томорқа ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга боғлиқ чора-тадбирларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш юзасидан туман ҳокимининг “Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қайта ишлаш ҳажмини икки баробарга ошириш бўйича белгиланган вазифаларининг туманда ижроси тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ана шу юзасидан белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Хўш, бу борада мамлакатимиз



## ■ ОЁҚ ОСТИДАГИ ХАЗИНА ■

шимолида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида аҳвол қандай? Шу мақсадда ушбу туманда хизмат сафарида бўлдик. Алоҳида таъкидлаш лозимки, туманда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кесимида дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида хатлов ўтказилган бўлиб, етиштириладиган экин турлари ва маҳсулотларнинг прогноз хажмлари белгиланган. Жумладан, туман бўйича жами 13 та овул ва 24 та маҳалла фуқаро йиғинлари мавжуд бўлиб, уларда 28 минг 759 хонадон мавжуддир. Ушбу хонадонларда жами 4455,94 га ер майдони бор. Шу миқдорнинг 3080,33 гектаридан экиш учун фойдаланилиб келинмоқда.

Жорий йилнинг то шу кунларигача ушбу ер майдонларининг 1206,3 гектарига сабзавот, 255,2 гектарига полиз, 371,2 гектарига картошка, 162,4 гектарига дуккакли экинлар, 254,6 гектарига бошқа экинлар экиш режалаштирилган бўлиб, режалар ортиги билан уddyланди. Натижада, ана шу майдонларда униб чиқсан зироатлар айни кунларда юксак агротехника қоидаларига мос ҳолда парваришланиб, қатор ораларига сифатли ишлов бериляпти, об-тобида суғорилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли томорқаларида 694 368 туп мевали ҳамда манзарали дараҳтлар ўстирилмоқда. 28759 та хонадонда 54 минг 285 бosh чорва моллари, 220000 бosh парранда парваришланяпти. Улар озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилияпти. Томорқа майдонларининг маълум қисмига ем-хашак экинлари уруғи қадалганлигининг гувоҳи бўлдик. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши тумандаги барча хонадонларнинг иқтисодий аҳволи яхшилиниши, томорқа еридан самарали

фойдаланишнингйил сайнин яхшилиниши ҳамда хонадон аъзоларининг иш билан таъминланишини барқарорлаштироқда.

– Дастребаки ҳисоб-китобларга кўра, туманимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига талаби, – дейди биз билан сұхбатда Беруний тумани Қишлоқ хўжалиги бўлимни бошлиғи Фарруҳ Рейимбоев, – мевага 13780,3 тоннани, узумга 3215,5 тоннани, картошкага 9952,8 тоннани, пиёзга 3828 тоннани, сабзига 4976,4 тоннани, бошқа сабзавотларга нисбатан 17456 тоннани, дуккакли маҳсулотларга 655 тоннани, буғдой (ун, нон, макарон маҳсулотларига) 14785 тоннани, гўшт маҳсулотларига 8153,6 тоннани, сут маҳсулотларига 21819,6 тоннани, балиқ маҳсулотларига 1358,9 тоннани, тухумга 41342,4 минг донани донани ташкил қиласди. Шу боис, жорий йил 1 апрелдан то 2021 йил 1 апрелигача бўладиган давр мобайнода юқорида номланган маҳсулотлар етиштирилиши икки-уч хиссага оширилишини таъминлаймиз. Албатта, бу борадаги режаларимизнинг амалга оширилишида шахсий томорқа эгаларининг қўшган ҳиссаси ҳам катта бўлади, дея ишонч билан айтамиз.

Сабаби, туманимиз бўйича жами 37 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида баҳорги (эртаги) қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши режалари ортиғи билан уddyланниб, униб чиқсан ўсимликлар барвақт ривожланиб, гуллаб ҳосил тутмоқда.

Биз ҳам бу борада Беруний тумани дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари заҳматкашларига катта муваффақиятлар ҳамда фақат омад тилаб қоламиз.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҒҮЗАНИНГ ТЕЗПИШАР “С-8296” НАВИ

*The article provides information about the morphological features and agricultural techniques of cultivation of precocious, high-quality cotton C-8296. It is reported that this variety has been tested in state variety testing since 2019 and yielded high yields in 14 test plots, and today primary seed production is carried out on elite seed farms in the Uychi district of Namangan region.*

Республикамизда об-ҳаво шароитининг кескин ўзгариши (хар йили баҳор ойларининг серёғин ва салқин келиши) шароитида бугунги кунда кенг майдонларда экилиб келаётган ўртапишар навларнинг экиш муддатлари кечикиб, ҳосилни сентябрь ойларида тўлиқ териб олиш имкониятини бермаяпти. Бунга ўтган 2019 йил терим мавсумини мисол қилиб олиш мумкин. Кўпгина вилоятларимизда асосий ҳосил октябрь ойларида териб олинди. Бу салбий ҳолатлар фермер хўжаликлари ва тўқимачилик агрокластерлари иқтисодий томондан юқори даромад олишига тўқсингил қилмоқда. Тола сифати ташқи муҳит шароитига ва етишириш агротехнологиясига чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзгарувчан бўлади. Навнинг тола сифати қанчалик юқори бўлмасин, ноқулай шароитда (октябрь ойида) очилган кўсақлардаги тола ва чигит сифати сентябрь ойида очилган кўсақлардаги паҳта хомашёсига нисбатан, табиийки, паст бўлади. Буни соҳа мутахассислари ва деҳқонларимиз яхши билишади.

Шунинг учун бугунги кунда, селекционер олимлар қишлоқ хўжалик экинлари навларини яратишида замонавий фан ютуқларини қўллаган ҳолда, энг аввало тезпишар, вилт касаллигига бардошли ва комплекс хўжаликка қўмматли белгилари юқори бўлган янги ўзга навларини яратиш ишлари устида изланишлар олиб бориши мақсадга мувофиқидир. Қолаверса, келгусида паҳта ҳосилини тўлиқ машинада териб олишни режалаштираётган эканмиз, кўсақлари тез суръатларда очиладиган, таннархни пасайтириш йўлларидан бири бўлмиш ҳосилини бир теримда тўлиқ териб олиш имкониятини берадиган ўзга навларини яратиш устида изланишлар олиб боришимиз зарур.

Юқоридаги долзарб масалаларни олдиндан ҳис қилган ҳолда лабораториямизда узоқ йиллар тезпишарлик йўналишида изланишлар олиб борилиши эвазига коллекциянинг 02 намунасидан аналитик селекция усули билан яратилган “Омад” навидан бошланғич ашё сифатида самарали

фойдаланган ҳолда бир қанча янги тезпишар ва комплекс хўжаликка қўмматли белгиларига эга бўлган “С-8284”, “С-8290”, “С-8286”, “С-8294”, “С-8295” ўзга навлари яратилиб, давлат Реестрига киритилди. Ушбу навлар Фарғона, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида кенг майдонларда экилиб, юқори ва эртаги ҳосил бермоқда. Ундан ташқари, бугунги кунда ўззанинг янги тезпишар С-8296 нави яратилиб, 2018 йилдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги экинлари нав синаш маркази шоҳобчаларида синовдан муваффақиятли ўтмоқда. Ўззанинг тезпишар, ҳосилдор С-8296 нави [(Л-158 x С-6530) x Л-158)] x Л-259 дурагай комбинациясидан кўп мартали яккаташланаш ўюли билан яратилди. С-8296 ўзга нави районлашган “С-6524” ўзга навидан 5-6 кунга ўртапишардир. Ўсув даври 115-117 кун. Ўсимлик бўйи 110-120 см, тури пирамида шаклида, ҳосил шоҳлари 1,5-2,0 нусхада. Биринчи ҳосил шоҳи 5 бўйинда ўсиб чиқади, 1-2 та ўсув шоҳларига эга, буларда ҳам мева шоналари ҳосил бўлади. Пояси яшил, кузга бориб кўнғир тусга киради, ётиб қолишига чидамли. Барглари ўртача катталиқда 3-5 япроқли, ранги яшил, кам тукланган. Ўсимликда барглар сони бошқа навларга нисбатан кам. Кўсаги ўртача катталиқда (6,1-6,2 гр.), 4-5 чаноқли, паҳта чаноқдан тўкилиб кетмайди. Тола чиқими 37,0-38,0%, узунлиги 34,0-34,1 мм., пишиклиги 4,5 г.к., микронейри кўрсаткичи 4,3-4,4. Чигити ўртача катталиқда, кулранг, 1000 дона чигит оғирлиги 129-130 г., мой миқдори 21,1%.

2018 йилда Қишлоқ хўжалиги экинлари нав синаш марказига навдорлигига баҳо бериш учун топширилди. 2019 йилдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги экинлари нав синаш марказининг барча шоҳобчаларида синовдан ўтказилди. Синов натижаларига кўра, С-8296 навидан Қорақалпоғистон Республикасининг “Чимбой” (45,4 ц/га), Андижон вилоятининг “Олтинкўл” (42,0 ц/га), “Шахриҳон” (40,2 ц/га) ва “Кўрғонтепа” (41,5 ц/га), Бухоро вилоятининг “Фиждувон” (39,6 ц/га) ва “Қоракўл” (39,6 ц/га), Жиззах вилоятининг “Пахтакор” (37,7 ц/га),

Қашқадарё вилоятининг “Шаҳрисабз” (38,2 ц/га) ва “Қарши” (34,5 ц/га), Наманган вилоятининг “Ўйчи” (44,2 ц/га), Самарқанд вилоятининг “Самарқанд” (35,2 ц/га), Сурхондарё вилоятининг “Денов” (34,0 ц/га), Фарғона вилоятининг “Фарғона” (44,0 ц/га) ва “Кўштепа” (41,1 ц/га) нав синаш участкаларида андозага нисбатан эртаги (сентябрь) ва юқори ҳосил олинган. Ўззанинг янги С-8296 нави Наманган вилоятининг Ўичи тумани “Қизил-Ровот” янги ўзга навларини дастлабки кўплайтириш элита уруғчиллик хўжалигида 2018 йилдан буён экилиб, бирламчи уруғлари кўплайтирилмоқда.

Экиш муддатлари об-ҳаво шароитидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Оптималь кўчат қалинлиги унумдор бўз ва ўтлоқи ерлар учун 85-90 минг туп, унумсиз ва шўрҳок ерларда ўсимлик қалинлигини 10-15 минг/туп га ошириш мумкин, бунда гектарида 100-110 минг ўсимлик бўлади. Ҳосилдорлик режаси 35-40 ц/га бўлганда минерал ўғитлар 1 гектар учун куйидагича: азот соғ ҳолда 225-250 кг, фосфор 125-150 кг, калий 100-125 кг. Фосфорнинг 50% ни шудгорда, 50% экишдан олдин; калийни 50% ни ер ҳайдалганда, қолган 50% ни шоналаш даврида; азотни эса соғ ҳолда 2 муддатда: 2-культивацияяди, 2-3 та ҳақиқий барглар пайдо бўлганда ва гуллашни бошланишида бериш мақсадга мувофиқидир. Нав тезпишар эканлигини инобатга олиб, 1-сувни эрта муддатларда (шоналаш фазасида) бериш тавсия этилади. Навнинг ижобий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, келгусида экин майдонларини кенгайтириш эвазига фермер хўжаликлари учун мўл, сифатли ва эртаки ҳосил олиш имкониятлари яратилади.

**Яшин БАБАЕВ,**  
қ.х.ф.н., кат.и.х.,  
**Гулмира ОРАЗБАЙЕВА,**  
қ.х.ф.ф.д.,  
**Мирваҳоб МИРАХМЕДОВ,**  
б.ф.н., кат.и.х.,  
**Муртазо ИСРОИЛОВ,**  
қ.х.ф.н.,  
**ПСУЕАИТИ,**  
**Муниса АРАБОВА,**  
ЎзМУ магистри.

## ИЗМЕНЧИВОСТЬ И НАСЛЕДУЕМОСТЬ ПРИЗНАКА «ШТАПЕЛЬНАЯ ДЛИНА ВОЛOKНА» У ГЕОГРАФИЧЕСКИ ОТДАЛЕННЫХ ГИБРИДОВ $F_1$ - $F_3$ ХЛОПЧАТНИКА ВИДА G.BARBADENSEL

*The article presents the results of studies that led to the conclusion: selection on the basis of "staple fiber length" should be carried out starting with  $F_2$ , while hybrids created with the participation of Egyptian breeding varieties Giza-45, Giza-75, Giza-86 are of most interest.*

Программа развития отечественного сельскохозяйственного производства на ближайшую перспективу предусматривает углубление реформ направленных на развитие рыночных отношений между товаропроизводителями и потребителями, наряду с созданием прочной материальной базы. Вышесказанное обязывает изыскивать новые, более эффективные пути увеличения продукции во всех отраслях отечественного производства, в том числе и в сельском хозяйстве.

Для успешного решения вышеупомянутой актуальной проблемы по ускоренному созданию и внедрению в производство новых сортов хлопчатника первоочередной целью является вовлечение в селекционный процесс разнообразного генетически нового исходного материала и создания на его основе перспективного с селекционной точки зрения гибридного и селекционного материала, а также новых сортов.

Как установлено работами многих отечественных и зарубежных исследователей местные селекционные сорта, полученные в процессе длительного отбора при самоопылении, не дают значительного размаха изменчивости.

П.Ибрагимов, О.Кимсанбоев указывают, что изученные в ходе исследований коррелятивные связи по ряду хозяйствственно-ценных признаков показали наличие несущественности или слабую взаимосвязь между параметрами качества волокна с компонентами продуктивности, выхода волокна и скороспелостью.

Исполнителем в 2019 году продолжены полевые исследования в рамках проекта КХА-КХ-2018-136, в лабораторных и полевых условиях производственного отдела Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, Ташкентской области.

Гибридизация в 2018 году проводилась по первой модели Гриффинга (1956), с предварительной кастрацией цветков и опылением инородной пыльцой. По каждой прямой и обратной гибридной комбинации проводилось по 100 скрещиваний.

По результатам полевых исследований проведены гибридологический и вариационно-статистический анализ, где в условиях единого опыта в уравнительном посеве, используя реномомизацию в трехкратной повторности изучались участвующие в гибридизации родительские линии, сорта и гибриды.

Статистическая обработка данных проводилась по Б.П. Доспехову. Величину показателя доминантности (hp) у гибридов  $F_1$  определяли по формуле, приведенной в работе Bell G.M., Atkins.

Коэффициент наследуемости ( $h^2$ ) у гибридов  $F_2$ , определяли по формуле, приведенной в работе R. W.Allard.

Актуальной проблемой по-прежнему остается повышение рентабельности основной отрасли сельского хозяйства – хлопководства, прежде всего за счёт выведения и внедрения в производство новых ультраскороспельных, высокопродуктивных, отличающихся высоким качеством и количеством волокна устойчивых к некоторым биотипическим и абиотипическим

факторам среди сортов хлопчатника вида G.barbadense L.

Исходя из решаемой проблемы исследований определена её цель — используя ускоренное создание исходного, гибридного, селекционного материала вывести новые сорта хлопчатника культивируемого вида.

Для решения данной цели определена следующая задача:

- ведение генетико-селекционных исследований, направленных на установление некоторых генетических закономерностей, которые позволяют на ранних этапах селекции выделять перспективные гибридные комбинации  $F_1$ , родонаучальные растения  $F_2$ , семьи  $F_3$ , используемые для создания линейного материала и новых сортов тонковолокнистого хлопчатника.

В условиях полевого опыта к лучшей отечественной линии по среднему значению признака «штапельная длина волокна» отнесена Л-274 - 39,3 мм, а среди сортов египетской селекции Гиза-45 — 41,5 мм. В опыте географически отдаленные линейно-сортовые гибриды  $F_1$  в 14 случаях наследовали признак «штапельная длина волокна» по типу неполного доминирования лучшего или худшего родителя, при этом показатель доминантности (hp) находился в пределах от 0,83 у гибрида F<sub>1</sub> Л-274 x Гиза-76 и до -0,90 у гибрида Л-274 x Гиза-45.

Величины стандартного отклонения ( $\delta$ ) и коэффициента вариации (V%), как правило в 1,5-2 раза ниже у гибридов  $F_1$  и родительских форм, нежели, чем у гибридов  $F_2$ - $F_3$ , что позволяет говорить об отсутствии значительной изменчивости гибридов  $F_1$  и родительских форм. Это подтверждается распределением растений по классам вариационных рядов, из которых видно, что как родительские формы, так и гибриды  $F_1$  укладываются в 2-3 класса, а гибридные комбинации  $F_2$ - $F_3$  укладываются в 5-6 классов. При анализе вариационных рядов для ученых селекционеров значительный интерес представляет правая сторона, где отмечены растения со значениями признака «штапельная длина волокна», превосходящая обе родительские формы, участвующие в гибридизации.

Как отмечено ранее значительный интерес в деле выявления и создания популяций с высокой величиной признака «штапельная длина волокна» является величина коэффициента наследуемости (h). Так в  $F_2$  лишь у гибрида Л-274 x Гиза-45 ( $h^2_{F_1/F_2}$ ) она равняется 0,01, что говорит о ненаследуемом характере данного признака у данного гибрида. О несущественном характере наследуемости данного признака говорит величина коэффициента наследуемости ( $h^2$ ) у гибрида  $F_2$  Л-274 x Гиза-70 (0,24). У остальных гибридов  $F_2$  величина коэффициента наследуемости ( $h^2$ ) находится в пределах от 0,47 до 0,71. У гибридов  $F_3$  величина коэффициента наследуемости отмечена в пределах от 0,08 до 0,74.

В результате анализа проведенных исследований наибольшая средняя величина признака «штапельная длина волокна» отмечена у гибридов, созданных с участием сортов египетской селекции Гиза-45, Гиза-75, Гиза-83. В случае, когда

в гибридизации участвуют обе длинноволокнистые формы, следует ожидать больший процент растений, превосходящих по данному признаку лучшие родительские сорта.

Проведенный гибридологический анализ позволяет сделать некоторые выводы:

о перспективности гибридных комбинаций  $F_1$  можно судить по величине показателя доминантности (hp). Как установлено ранее, у 8 гибридов отмечен эффект неполного доминирования лучшего родителя; у 8 гибридов отмечен эффект гетерозиса; в одном случае эффект отрицательного полного сверхдоминирования и у 6 отмечен эффект неполного доминирования того или иного родителя, участвующего в гибридизации;

отбор по признаку «штапельная длина волокна» необходимо проводить, начиная с  $F_2$ ;

наибольший интерес представляют гибриды, созданные с участием сортов египетской селекции Гиза-45, Гиза-75, Гиза-86;

- у селекционера имеется возможность, начиная с  $F_2$ , среди гибридов с высокой генотипической обусловленностью признака выделять растения, превосходящие обе родительские формы по признаку «штапельная длина волокна».

**Умид КАЮМОВ,**

*д.ф.(PhD), с.н.с.,*

**Виктор АВТОНОМОВ,**

*д.с.х.н., профессор,*

**Аззам РАВШАНОВ,**

*д.с.х.н., с.н.с.,*

**Шухрат ХОДЖАНОВ,**

*м.н.с.,*

**НИИССАВХ.**

## ЛИТЕРАТУРА

1. Ахмедов Х.А., Джумашев М.М., Крылова Л.Г., Хохлачева В.Е. Изменчивость признака скороспелости у гибридов хлопчатника на искусственном инфекционном фоне вертициллезного вилта. //Материалы международной научно-практической конференции. – Ташкент: Фан, 2005. -С.24-25.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М.: Колос, 1979.
4. Ибрагимов П.Ш. Генетические методы в селекции хлопчатника. —Turon-Iqbol, 2006. — 120 с.
5. Кимсанбаев О.Х. Современная селекция тонковолокнистых сортов хлопчатника. — Ташкент, 2001. – 105 с.
6. Allard R.W. Principles of Plants Breeding, John Wiley, Sons. New-York-London-Sidney, 1966.
7. Beil G.M., Atkins. Inheritance of quantitave characters in grain sorgum //Jowa State Journal of Science. 1965.

УЎТ: 633.11+631.82.

ТАДҚИҚОТ

## ПАХТА КОМПЛЕКСИДА КУЗГИ БУҒДОЙНИ ОЗИҚЛАНТИРИШНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

*При продлении срока посева озимой пшеницы до середины октября на хлопковом комплексе в южных регионах Узбекистана следует оптимизировать подкормку с минеральными удобрениями.*

*When extending the sowing period of winter wheat until mid-October at a cotton complex in the southern regions of Uzbekistan, it is mediated to optimize fertilizing with mineral fertilizers.*

Мамлакатимизнинг сугориладиган ерларида кузги буғдой асосан пахта комплексида етиштирилиб, пахта ҳосилини йиғишириб олишининг чўзилиб кетиши муносабати туфайли экиш муддатининг кечикиб кетиши билан боғлиқ бўлган муаммолар юзага келади.

Айниқса, кечиктирилиб экилганда кўлланилган минерал ўғитлардан кузги буғдойнинг озиқланиши билан боғлиқ бўлган муаммолар кучаяди. Чунки, кузги буғдой кўлланилган минерал ўғитлардаги озиқа элементлари билан тўйинмаса бошоқларида донлари сийрак ва пуч бўлиб қолиши сабабли дон ҳосилдорлиги ва сифатининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Шу сабабли ҳам, кузги буғдой пахта комплексида етиштирилганда минерал ўғитлар билан озиқлантаришиш мөъёри ва муддатининг мақбуллаштирилишига эришмоқ лозим.

Бироқ, Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари шароитида пахта комплексида кузги буғдой етиштирилганда минерал ўғитлар кўллаш технологияси ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, кўпчилик ҳолларда кузги буғдойдан режалаштирилган ҳосилнинг талаблар даражасида шаклланмаслиги билан боғлиқ бўлган муаммолар юзага келади.

Шунинг учун кузги буғдой Ўзбекистоннинг жанубий минтақасидаги оч тусли бўз тупроқлари шароитида пахта комплексида етиштирилганда минерал ўғитларнинг дон ҳосилдорлигига қандай таъсир этиши ўрганилди.

Дала тажрибалари 2015-2017 йилларда Косон туманидаги “Кўлманов Умир” фермер хўжалигига ўтказилди.

Тадқиқотлар тўрт тақрорланиша ўтказилган бўлиб, ҳар бир тажриба майдончалари катталиклари 180 м<sup>2</sup>, ҳисоб майдончалари юзаси 100 м<sup>2</sup>.

Фосфорли ва калийли ўғитлар экиш билан бирга, азотли ўғитлар кузги буғдойнинг баҳорги туплаш (35%), найчалаш (35%) ва бошоқлаш (30%) фазаларида кўлланилди.

Ўсиб турган ўзапоя ичига октябрь ойи ўртасида (15.X), ноябрь ойи бошида (1.XI) ва ноябрь ойи ўртасида (15.XI) кузги буғдой экилди.

Пахта комплексида етиштирилган кузги буғдой дон ҳосилдорлиги экиш муддатлари ва кўлланилган минерал ўғитлар мөъёллари ва нисбатларига мутаносиб ҳолда ўзарби бориши кузатилди.

Кузги буғдой эртаки экилиб, мөъёрида ва тегишли нисбатларда озиқлантарилишининг самарадорлиги юқори бўлиши табиий. Бироқ, пахта ҳосилининг йиғишириб олиниши ноябрь ойи охиригача давом этиши пахта комплексида кузги буғдой етиштириш агротехнологиясининг мураккаблашишига сабаб бўлиб, кузги буғдойни экиш муддати ноябрь ойи охиригача давом этмоқда.

Бундай ҳолатда етиштирилган кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларимизни таҳлил этганимизда қўйидаги ҳолатларнинг гувоҳи бўламиз.

**Кузги буғдойни озиқлантиришнинг дон ҳосилдорлигига таъсири (2015-2017 йилларда, ўртасаси)**

№	Тажриба вариантилари	Ҳосилдорлик, ц/га			Назорат вариантига (st) нисбатан фарк +-	
		2015	2016	2017		
<b>Фосфорли ва калийли ўғитлар 15.Х. да қўлланилганда</b>						
1	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub> (st)	32,2	31,5	31,1	31,6	0
2	N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub>	51,4	50,6	51,0	51,0	+19,4
3	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	55,8	54,9	55,5	55,4	+23,8
4	N <sub>210</sub> P <sub>105</sub> K <sub>70</sub>	59,5	59,0	58,8	59,1	+27,5
<b>Фосфорли ва калийли ўғитлар 1.XI. да қўлланилганда</b>						
5	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub> (st)	30,	29,8	30,0	30,1	0
6	N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub>	50,0	49,5	50,2	49,9	+19,8
7	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	53,6	53,0	53,0	53,2	+23,1
8	N <sub>210</sub> P <sub>105</sub> K <sub>70</sub>	57,5	57,0	57,1	57,2	+27,1
<b>Фосфорли ва калийли ўғитлар 15.XI. да қўлланилганда</b>						
9	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub> (st)	28,8	28,1	29,2	28,7	0
10	N <sub>150</sub> P <sub>70</sub> K <sub>50</sub>	49,9	49,3	49,6	49,6	+20,9
11	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	52,1	51,6	51,7	51,8	+23,1
12	N <sub>210</sub> P <sub>105</sub> K <sub>70</sub>	52,8	52,4	52,3	52,5	+23,8

Кузги буғдой мақбул муддатда экилиб, минерал ўғитлар қўллаш меъёрлари ва нисбатлари мақбуллаштирилганда, ўртача дон ҳосилдорлиги 73,2 ц/га гача ёки минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантига нисбатан 31,6 ц/га гача

ошганлиги кузатилди.

Кузги буғдой ноябрь ойи бошида (I.XI) экилиб минерал ўғитлар қўллаш меъёрлари ва нисбатлари мақбуллаштирилганда дон ҳосилдорлиги минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантига нисбатан 26,1 ц/га гача, кузги буғдой ноябрь ойи ўртасида (15.XI) экилганда эса ушбу кўрсатгич 23,8 ц/га. гача бўлишини кўрсатди (жадвал).

Кузги буғдой пахта комплексида етиширилганда дон ҳосилини экиш ва озиқлантириш муддатлари билан таққослаганимизда мақбул муддатда экилгандағига нисбатан дон ҳосилдорлиги кузги буғдой ноябрь ойи бошида экилганда (I.XI) атиги 5,5 ц/га гача, ноябрь ойи ўртасида (15.XI) экилиб тегишли меъёрларда ва нисбатларда озиқлантирилганда 7,8 ц/га гача пасайишига қарамасдан ўртача дон ҳосилдорлиги 62,5 ц/га ни ташкил этди.

Бундай ҳолат Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари шароитида кузги буғдойни ноябрь ойи ўртасида ҳам экиб озиқлантириш режими мақбуллаштирилишининг самара-дорлиги юқори бўлишини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари шароитида пахта комплексида кузги буғдой етиширилганда экиш муддати ноябрь ойи ўртасигача давом этганда, минерал ўғитлар қўлланилишининг талаблар даражасида мақбуллаштирилишига эришиш лозим бўлади.

**Раъно ИШМУХАМЕДОВА,  
мустақил изланувчи, (ҚМИИ).**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Атоев Б.Қ. Минерал ўғитларнинг кузги буғдой ҳосилига таъсири. “Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари” халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2016. – Б. 179-183.
2. Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етишириш бўйича тавсиялар. ЎзР ҚСХВ, Ўз Р ҚХФА, “Фалла” ИИБ. – Тошкент, 1996.
3. Доспехов Б. А. Методика полевого опыта (с основами статистической обработки результатов исследований). – Москва: Колос, 1979. – 416 с.
4. Скрябин Ф.А. Математическая обработка урожайных данных методом вариационной статистики // Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником. СоюзНИХИ. – Ташкент, 1973. – С.193-219.
5. Тўраев А. Буғдой дони тўқ бўлсин // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2001. – №3. – Б. 42-43.
6. Узақов Ф.О. Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида кузги буғдой етиширишда ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш. Қ/х фанлари фалсафа доктори дисс. автореф. – Тошкент: СамҚХИ, 2018. – 44 б.
7. Хакимов Ш. Минерал ўғитлар ва кузги буғдой ҳосилдорлиги // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2006. – №12. – Б.15-16.

**УЎТ: 633.174:631.531.1:631.52.**

**ИЗЛАНИШ ВА САМАРА**

## ЖЎХОРИНИНГ ЯНГИ “МАССИНО” НАВИ – ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

**В статье приводятся сведения по исследованиям, проводимым в области селекции и семеноводства кукурузы. Вместе с тем, освещаются научно-исследовательские работы, проводимые учеными Научно-опытной станции по селекции и семеноводству кукурузы, а также сведения по выведению нового созданного сорта сорго Massino, а также его хозяйствственно-ценных признаках.**

**The article provides information on research conducted in the field of selection and seed production of maize. At the same time, the research work carried out by scientists of the scientific experimental station for selection and seed production of maize, as well as information on the breeding of the newly created Massino sorghum variety, there was highlighted its economically valuable traits.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683 сонли қарорида келтирилишича, нав ва уруғлик назорати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим

омили ҳисобланади. Уларни сақлаш ва қайта ишлаш шароитларига риоя этилиши устидан лозим даражада назоратнинг мавжуд эмаслиги уруғлик материал сифатининг пасайишига ва ҳосилдорликнинг тушишига олиб келади. Шу тифайли, Республикаизда аграр соҳани ривожлантириш-

нинг келажаги ҳақида сўз юритганда, ер ва сув ресурслари чекланганилигини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ва уруғчилик ишларини кенгайтириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш асосида экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришдан иборат.

Жўхори – муҳим озуқа, техник ва озиқ-овқат экинидир. Жўхори дони таркибининг 70-75% крахмал, 12-13% протеин, 3,5% ёғ моддалари ташкил этади. Ундан ун, ёрма ва крахмал маҳсулотлари олинади. Қанд жўхоридан глюкоза – фруктоза қиёми, спирт, пиво, сирка кислотаси, ҳаттоқи, биоёнилгил маҳсулотлари олинади.

Уни дунёдаги кўплаб давлатлар етиштиради. Жўхори экини мамлакат-ларда турліча номланади: Ўтра Осиёда – жўхори, Ҳиндистонда - джовар, Хитойда – гаолян, хундуз, шошу, Кореяда – су-су, Озарбайжонда – гоми, Кичик Осиёда – дора, Африка давлатларида – дурра, зоррат, Испания, Францияда – sorgo ва ҳ.к. Бу экин номи баланд ўсгани учун лотинчадан олинган бўлиб, "sorgos" сўзи таржима қилинганда – "осилувчи, осилиб турувчи" деган маънони билдиради.

Дунё дехқончилигига жўхори экини кенг тарқалган донли экинлар ичida 5-ўринни эгаллайди ва дунёнинг 85 мамлакатининг 50 млн. га ер майдонида етиштирилади.

Жўхорининг катта майдонларда етиштирилиши, унинг жой танламаслиги (беорлиги), юқори экологик мутаносиблиги, иссиқка ва қурғоқчиликка чидамлилигидир. Жўхорининг юқори маҳсулдорлиги, озуқавийлиги ва универсаллиги сабабли, у дунё бўйича истиқболли экинлар қаторига киритилган.

Ўзбекистоннинг Хоразм воҳаси жўхорининг иккичи ватани бўлиб, бу ерда 2,5 минг йил илгаридан маълум. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жўхорининг асосий экин майдонлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида жойлашган бўлиб, 20 минг га майдонда етиштирилади.

Ўзбекистонда, асосан, маҳаллий оқ донли жўхори навлари донидан юқори қимматли ёрма, ун ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда хомашё сифатида фойдаланилади. "Ўзбекистон" пакана нави дони МДҲ давлатлари-дан келтирилган бошқа навлар дони билан ёрма тайёрлашда хомашё сифатида солиштириб фойдаланилганда, у юқори ёрма бериши (оқлиги, ёрма чиқими ва ҳ.к.) билан ажralиб турган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Республикаизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан, аҳолини озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда саноатнинг хомашёга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда Маккажўхори селекция ва уруғчилиги илмий-тажриба станциясида (МСУИТС) ҚХА-8-095-2015 "Маккажўхори дурагайлари ва жўхори навларининг бирламичи уруғчилиги такомиллаштириш, ҚХ-И-ҚХ-2018-31 "Сирдарё вилояти шароитида маккажўхори ва жўхори навларининг бирламичи уруғчилиги ташкил этиш" ҳамда ҳамкорликда И-ҚХ-2019-17 "Халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги уруғларининг навдорлиги, генетик ва экиш сифатларини баҳолаш учун ички уруғ назорат хизматларини шакллантиришнинг инновацион тизимини яратиш ва жорий этиш давлат дастури доирасидаги мавзусида илмий-амалий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Дала тажрибалари, Тошкент вилояти Маккажўхори селекция ва уруғчилиги ил-

мий-тажриба станциясида (МСУИТС) давом эттирилаётган бўлса, ишлаб чиқариш синовлари Сирдарё вилояти Янгиер тумани "Энергия Насл Чорва" МЧЖ ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги "Азамат" фермер хўжалиги далаларида олиб борилмоқда.

Селекция ишларини олиб бориша Ўсимлиқшунослик илмий-тадқиқот институти, халқаро илмий марказлар СИММУТ ва ICARDA ташкилот-ларининг жаҳон коллекциясидан олинган жўхори намуналари материаллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг Давлат реестрига киритилган 10 дан ортиқ навлардан фойдаландик.

Тажрибани жойлаштириш, ҳисоб ва таҳлиллар маккажўхорининг янги тезпишар нав ва дурагайларнинг ўсув даври давомийлиги ва биометрик ўлчовлар ЎЗПТИ томонидан ишлаб чиқилган услублар (2007) дан, фенологик кузатувлар "Методика государственного сортиспытания сельскохозяйственных культур", олинган натижаларнинг математик таҳлил қилишда Б.А.Доспеховнинг "Методика полевого опыта" (М. 1985) дисперсион таҳлил қилиш услубидан фойдаланилди. Уруғликнинг сифат кўрсаткичларини белгилашда ГОСТ 12038-84 "Семена с/х культур, методы определения всхожести" Давлат Стандартларида белгилangan талаби бўйича текширилди.

Стандарт нав сифатида Давлат реестрига киритилган жўхорининг "Даупет" нави олинди. Нав намуналари ичидан эртапишар, дон ва яшил масса ҳосилдорлиги юқори, қасаллик ва зааркунандаларга чидамли нав намуналарини ажратиб, улар орасида дурагайлаш ишлари ўтказиб янги интенсив типдаги дон учун дон ҳосилдорлиги юқори янги "Массино" нави яратилди. Нав муалифлари: Единбаев Д., Массино И.В., Азизов К., Бобоев Ф., Назаров Х.

**Келиб чиқиши:** Жўхорининг Хигери карликовое (S. Bantuorum. Jak) ва Ўзбекистон оқ донли (S. durra (forsk) jak) дурагайлардан танлаш орқали қуидаги тартибида яратилган: ♀ Хигери паканаси (Хигери карликовое, S. Bantuorum.jak.) x ♂ Ўзбекистон оқ дон (S. Durra (forsk) jak.) чатиширилган намуналарни кўп танлаш ўйли билан яратилди.

**Умумий тавсифи:** Дон жўхори гуруҳига киради. Майсаларининг ранги оч яшил рангда, бош пояди 10 та бўғими ва барг сони (дон йигиштиришгача) 15-17 тани ташкил этади. Поясининг ранги рўвак чиқаришдан ва пишишгача яшил ҳолатда қолади. Рўваги тўғри, узунлиги 25,0-27,0 см ва эни 6,6 см. Рўвак оёғининг узунлиги охирги бўғиндан 21,2 см ва охирги баргнинг ўсув нуктасидан 9,4 см, узунчоқ, кам қўлтикли. Бошоқ қипиғи оч-жигар рангли, кам тукланган. Дони қўшалоқ дўллпайган, қобиғи оқ, чизиқли ва озигина пўстли (25,0%) ва янчилганда яхши ажralади. Янчилганда дон чиқиши миқдори 82,6%, 1000 та дон оғирлиги 32 грамм, ранги сарик. Барги – яшил, кенг, ўртача узунлиқда. Пояси – тик ўсади, бўйи 111-115 см. Пояси бақувват бўлганлиги сабабли ётиб қолишга чидамли. "Массино" нави уруғ униб чиқишидан тўлиқ пишиш давригача жами 105-115 кун. Тўлиқ пишиш даврида механизация ёрдамида йигиштириб олиш, яъни қўл билан ўриб олишга нисбатан 10-20% ҳосилни сақлаб қолиш имконияти мавжуд.

**Ҳосилдорлиги:** Дон учун 55,6 -61,2 ц/га, яшил масса учун 220-250 ц/га ни ташкил этади. Нав истиқболли навлар гуруҳига киради.

**Касалликларга чидамлилиги:** Чанг қоракуя касаллигига

чидамли.

**Экиш муддати:** Ҳар бир минтақа учун (апрель ва май ойлари) мақбул муддат. Бошоқли экинлардан сўнг тақорорий экин сифатида дон етиштирса бўлади.

**Экиш меъёри:** 1 гектар майдонга 6-8 кг. уруғ экиш тавсия этилади.

Ушбу нав 2019 йил Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг давлат реестрига Тошкент ва Наманган вилоятларида экиш учун истиқболли

нав сифатида киритилган. Навнинг бирламчи уруғчилиги Маккажӯҳори селекция ва уруғчилиги илмий-тажриба станциясида (МСУИТС) олиб борилмоқда.

**Қобилжон АЗИЗОВ,**  
қ.х.ф.ф.д (PhD), кат.и.х.,  
**Даулетбай ЕДЕНБАЕВ,**  
қ.х.ф.н., кат.и.х.,  
**Маккажӯҳори селекция ва уруғчилиги**  
**илемий-тажриба станцияси,**  
**Худайберди НАЗАРОВ,**  
қ.х.ф.н, доцент, ТошДАУ.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683-сон “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Асташов А.Н., Кононенко С.И., Кононенко И.С. Сорго как компонент комбикорма для цыплят-бройлеров. //Ж: “Кукуруза и сорго”, 2009, № 5, С. 13-14.
3. Гасанов Г.Н, Мусаев М.Р, Мамаева А.О. Сорго, не боящееся соли. // Ж: “Кукуруза и сорго”. 2007. № 4. С. 22.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М.: “Агропромиздат”, 1985 г.
5. Ковтунова Н.А. Использование сорго и основные направления селекционной работы во ВНИИЗК им. И.Г.Калиненко // Таврический вестник аграрной науки, №3 (7), 2016. с. 60 -70
6. Массино И.В., Массино А.И., Ахмедова С.М., Махмудходжаев Н.М., Еденбаев Д. Лучшие сорта и гибриды кукурузы и сорго для орошаемой зоны Республики Узбекистан. – Тошкент, 2004 г, 14 с.
7. Массино И.В., Турсунходжаев П., Гафурова Д. Сорго – сырьё для производства крупы. // Ж: Хлебопродукты, М. 1998. № 9. С. 23-25.
8. Семена сельскохозяйственных культур. Метод. определ. качества. // Москва, 1991. Ч. 2. с. 44-95
9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган навларининг тавсифи. Тошкент. 2006. 334 бет.
10. Шепель Н.А. “Сорго”. Волгоград: Комитет по печати., 1994 г, 44 с.

УЙТ: 633.11:631.445.63.

ТАДҚИҚОТ

## ТАҚРОРИЙ ВА ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРНИНГ ТУПРОҚ ҲАЖМ МАССАСИГА ТАЪСИРИ

*In the system of short-term rotation in the conditions of saline soils of the Republic of Karakalpakstan, repeated and intermediate crops were planted after winter wheat and their positive effect on the soil mass was determined.*

Тупроқнинг сув-физик хоссалари тупроқ унумдорлигининг асосий омилларидан ҳисобланади. Ўзбекистоннинг сугориладиган тупроқлари ҳайдалма қатлами зичлигининг физик, биологик хоссалари, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Тупроқ тузилиши зичланиши билан ўсимлик ўзлаштириши қийин бўлган намлик миқдори ортиб, намлик асосан жуда майда ғовакларда жойлашади. Таркибида гумус миқдори кам ва структураси паст тупроқлар сугориш ва қатор орасига ишлов беришда зичланишга мойил бўлади.

Тупроқ ҳажм массаси тупроқ унумдорлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, тупроқ унумдорлиги юқори бўлса, ҳажм массаси паст, унумдорлик паст бўлса, ҳажм оғирлиги юқори бўлади. Ғўза ва қишлоқ хўжалиги экинларининг илдиз тизими яхши ривожланиши учун ҳажм оғирлиги кўрсаткичи паст бўлиши керак.

Дала тажрибаси Қарақалпогистон Республикаси марказий тупроқ-иқлим минтақасида, ТошДАУ Нукус филиалининг Хужайли туманида жойлашган ўқув-тажриба хўжалигида ўтказилди. Тупроқлари ўтлоқ-аллювиал, механик таркиби ўртача, сизот сувлари 1,5-2,0 м да жойлашган, шўрланган.

Тажрибанинг мақсади қисқа навбатлаб экиш тизимларида кузги буғдойдан сўнг экилган тақорорий экинлар: мош, кунжут, жўхори ва оралиқ экин билан 20 т/га миқдорида органик

ўғитнинг тупроқ унумдорлигига ва улардан сўнг экипадиган ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тажрибада қўйидаги варианлар ўрганилди: 1-вариант – ғўза (назорат), 2-вариант – 1:2, кузги буғдой + тақорорий экин (мош): ғўза:ғўза, 3-вариант – 1:2, кузги буғдой + тақорорий экин (кунжут) : ғўза : ғўза; 4-вариант – 1:2, кузги буғдой + тақорорий экин (жўхори) : ғўза : ғўза, 5-вариант – 1:2, кузги буғдой + тақорорий экин (жўхори) + 20 т/га гўнг : ғўза, 6-вариант – 1:2, кузги буғдой + тақорорий экин (мош) + оралиқ экин (мош) : ғўза : ғўза, 7-вариант – 1:2, кузги буғдой + тақорорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) : ғўза : ғўза, 8-вариант – 1:2, кузги буғдой + тақорорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) + 20 т/га гўнг : ғўза : ғўза. Ҳар бир вариантнинг майдони 240 м<sup>2</sup>, тўрт тақорланишда олиб борилди.

Қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида киритилган экинларнинг тупроқ ҳажм массасига таъсирини аниқлаш мақсадида тажрибадан олдин, тажриба ўтказиш даврида – амал даври бошида ва охирида тупроқ ҳажм массаси аниқланди. Тупроқ ҳажм массасининг тажриба бошланишидан олдинги кўрсаткичлари 0-30 см қатламда 1.42-1.44 г/см<sup>3</sup> бўлди (2017 йил кузда). Алмашлаб экиш тизимида киритилган экинлардан сўнг, яъни 2019 йил баҳорда тупроқ ҳажм массаси 0-30 см қатламда варианлар бўйича ўртача

1,31-1,35 г/см<sup>3</sup> ва тупроқнинг 30-50 см қатламида 1,49-1,53 г/см<sup>3</sup> бўлди. Тупроқ ҳажм массаси кўрсаткичлари ҳамма вариантиларда амал даври охирида ортади. Бунда юқори кўрсаткич 1-вариантда, яъни ғўздан сўнг ғўза экилган назорат вариантида кузатилди, 0-30 см қатламда 1,46 г/см<sup>3</sup> бўлди. Бу баҳордаги кўрсаткичдан 0,11 г/см<sup>3</sup> га кўпdir. Кузги буғдойдан кейин так-рорий экинлар экилган 2, 3 ва 4 вариантиларда тупроқ ҳажм массаси 1,42-1,43 г/см<sup>3</sup> бўлиб, ҳажм массаси 0,08-0,09 г/см<sup>3</sup> га ортди. Кузги буғдойдан кейин так-рорий экин экилиб кузда 20 т/га миқдорида гўнг берилган 5-вариантда тупроқ ҳажм массаси 0-30 см қатламда 1,39 г/см<sup>3</sup> бўлди ва бу баҳордагига нисбатан 0,06 г/см<sup>3</sup> га кўпdir.

Кузги буғдойдан кейин так-рорий ва оралиқ экинлар экилган 6 ва 7 вариантиларда тупроқ ҳажм массаси 0-30 см қатламда 1,39-1,40 г/см<sup>3</sup> бўлди ва бу баҳордаги кўрсаткичларга нисбатан 0,07-0,08 г/см<sup>3</sup> га кўп. Таъкидлаш жоизки, кузги буғдойдан кейин так-рорий, оралиқ экинлар экилган 6 ва 7 вариантиларда, так-рорий экин экилиб, кўшимча 20 т/га гўнг берилган 5-вариантда ва так-рорий, оралиқ экинлар экилиб, унга кўшимча 20 т/га миқдорида гўнг берилган 8-вариантда тупроқ ҳажм массаси баҳорда 0-30 см қатламда 1,31-1,33 г/см<sup>3</sup> бўлиб, бу назорат варианти кўрсаткичларидан 0,02-0,04 г/см<sup>3</sup> га камдир. Кузги буғдойдан кейин так-рорий, оралиқ экинлар экилиб, кўшимча 20 т/га миқдорида гўнг берилган 8-вариантда тупроқ ҳажм массаси 1,37 г/см<sup>3</sup> бўлди, бу баҳордагидан 0,06 г/см<sup>3</sup> га кўп ва

### Тупроқ ҳажм массаси, г/см<sup>3</sup>

Вариантлар	Тупроқ қатламлари	Тажриба бошланишидан олдинги кўрсаткичлар. (2017 й. куз)	2019 й.	
			баҳор	куз
1	0-30	1,43	1,35	1,46
	30-50	1,54	1,53	1,55
2	0-30	1,42	1,34	1,42
	30-50	1,53	1,50	1,52
3	0-30	1,42	1,34	1,42
	30-50	1,54	1,51	1,52
4	0-30	1,43	1,34	-1,43
	30-50	1,51	1,52	1,53
5	0-30	1,44	1,33	1,39
	30-50	1,51	1,50	1,50
6	0-30	1,43	1,32	1,40
	30-50	1,51	1,50	1,51
7	0-30	1,42	1,32	1,39
	30-50	1,49	1,49	1,52
8	0-30	1,43	1,31	1,37
	30-50	1,53	1,49	1,53

назорат варианти кўрсаткичларидан 0,09 г/см<sup>3</sup> га кам бўлди.

Демак, тупроқ ҳажм массасига 1:2 алмашлаб экиш тизимида кузги буғдой + так-рорий экин (жўхори ва мош) + оралиқ экин (мош) : ғўза : ғўза; 1:2, кузги буғдой + так-рорий экин (жўхори) + оралиқ экин (мош) + 20 т/га гўнг : ғўза тизимида экилганда ижобий таъсири кўрсатади, яъни ҳажм массаси кўрсаткичлари пасаяди.

**Даулетбай ИСМАЙЛОВ,**  
таянч докторант,  
**ТошДАУ Нукус филиали,**  
**Фазлиддин НАМОЗОВ,**  
к.х.ф.д., к.и.х.,  
ТошДАУ.

### АДАБИЁТЛАР

- Кашкаров А.К. Влияние дифференцированной вспашки в севообороте на эффективность удобрений под хлопчатник // Труды СоюзНИХИ. – Ташкент. МСХ УзССР. 1969. Вып. 15. С. 167-170.
- Кондратюк В.П. Обработка почвы под посев хлопчатника в Средней Азии. – Ташкент. ФАН. 1972.
- Мухамеджанов М.В. Система земледелия по коренному повышению плодородия почв и урожайность сельскохозяйственных культур. – Ташкент. ФАН – 1974. С. 3-23
- Умаров М.У. Физические свойства почв районов нового перспективного орошения Узбекской ССР. – Ташкент. ФАН. 1974.
- Сметов И.У. Научные основы возделывания хлопчатника в условиях Каракалпакстана // Диссертация на соиск. уч. степ. д. с.-х. н. в форме научного доклада. – Ташкент. 1994, 67 с.
- Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почв. Нукус, "Билим". 2004, 186 с.
- Халиков Б.М., Намозов Ф.Б. Алмашлаб экишнинг илмий асослари. Тошкент. "Ноширлик ёғдуси". 2016. 222 б.

УЎТ: 635.64:631.53.

ТАДКИҚОТ

## ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ПОМИДОР НАВ ВА ГЕТЕРОЗИСЛИ ДУРАГАЙЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Мустақиллик йилларида суюрилайдиган ерларда кузги бошоқли экинлар майдонининг кескин кенгайиши, бошка сабзавот экинлар каби помидор майдонини ҳам так-рорий экин сифатида кенгайтириш, аҳолини бир меъёрга

янги ҳосил билан, консерва саноатини эса хомашё билан таъминлашга ҳамда соҳанинг экспорт имкониятини оширишга шароит яратилди. Юқоридаги муаммонинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳосили бир вақтда пишиб етилувчан, тезпишар,

The article presents the results of the evaluation of tomato varieties and heterosis hybrids in repeated culture by the yield of standard seedlings, early maturity, plant growth and development, the rate of ripe crop formation, yield and fruit quality. Highlighted varieties – Toshkent tongi, Dar Zavoljya, Solyars, Finish, Amled, Novichok and heterosis hybrids - F1 Lojain, F1 Sultan et al.

ҳосилдор нав ва гетерозисли дурагайларни танлаш, яратиш ҳамда уларни ўстириш технологиясининг назарий асослари ва амалий усулларини ишлаб чиқишига боғлиқ.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрида очиқ далада экиш учун помидорнинг Нидерландия, Франция, Туркия, АҚШ, Япония, Италия, Хиндустон, Испания, Корея, Истроил, Россия ва Суринам давлатларидан келтирилган 33 та навлари, 81 та гетерозисли дурагайлари (жами 114 та) тавсия этилган. Улардан тақрорий экин сифатида ўстиришига мос, гектаридан 28-30 тонна пишган товар ҳосилни 1-совуққача таъминловчи, касаллик-зааркундаларга ва нокулай шароитларга чидамли нав ва гетерозисли дурагайларини танлаш, кенг жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга, долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади – помидорнинг тезпишар ва ўртатезпишар навлари ҳамда гетерозисли дурагайлар тўпламини тақрорий экин сифатида ўрганиб, баҳолаш асосида улардан кузги совуққача гектаридан 28-30 тонна пишган, истеъмолга ва қайта ишлашга яроқли сифатли ҳосилни таъминловчи касаллик-зааркунданда ва нокулай шароитларга чидамли истиқболлиларини танлаш, ўстириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тажрибада помидорнинг турли давлатлардан келтирилган ва ўзимизда яратилган 31 та нав ва гетерозисли дурагайлари ўрганилди.

Дала тажрибалари сабзавот, полиз экинлари ва картошканилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станциясининг

суфориладиган ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида олиб борилди. Ўрганилган нав ва дурагайларнинг 5-7 чинбаргли кўчатлари 25-28 июнда 70x20 см тартибда экилди. Делянканинг майдони 28 м<sup>2</sup>, тақрорлар 4 та бўлди.

Тажриба даласидаги барча агротехнологик тадбирлар, нав, вариант ва қайтариқлар жойлашиши, улардаги кузатиш, ўлчаш, таҳлил ва ҳисоблашлар умумқабул қилинган услуб ҳамда тавсиялар асосида олиб борилди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўрганилган помидор ва гетерозисли дурагайлар уруғлари экилгач, 5-кунда унувчанлиги 42,9 дан 61,0 фоизгача ўзгарди, 10-кунда эса энг юқори унувчанлик (87,2-90,2%) “Дар Заволжья”, “Новичок”, “Финиш”, “Сурхон-142” навлари ва F<sub>1</sub> Султон, F<sub>1</sub> Ложайн дурагайларида, энг паст унувчанлик (69,6-73,6%) “Рио-гранде”, “Шафак” навларида кузатилиб, 1000 та уруғдан энг юқори (76,7-80,0%) стандарт кўчат чиқими (кўчат бўйи 17,8-18,6 см, барг сони 7,4-7,7 дона, вазни 31,3-35,5 г) F<sub>1</sub> Султон, F<sub>1</sub> Ложайн дурагайларида, “Сурхон-142”, “Намуна-70”, энг кам (55,4-61,2%) кўчат чиқими “Тошкент тонги”, “Новичок”, “Волгоградский Скороспелый-323” навларида қайд этилди.

Помидор намуналари тақрорий экин сифатида экилганда, эрта пишиши (69-70 кун), F<sub>1</sub> Султон, F<sub>1</sub> Ложайн дурагайлари, “Волгоградский Скороспелый-323”, “Тошкент тонги”, “Дар Заволжья”, “Ўзбекистон-178” навларида кузатилиб, биринчи теримгача 79-80 кунни ташкил этди.

Гуллаш даврида помидор нав ва дурагайларида биометрик ўлчашлар ўтказилганда, энг баланд бўйли (75,1-81,0 см), сербаргли (71,2-77,6 дона) ҳамда шохланган ўсимликлар

“Дони”, “Дар Заволжья”, “Финиш”, “Намуна-70”, “Солярис” навлари ва F<sub>1</sub> Султон, F<sub>1</sub> Ложайн дурагайларида қайд этилди.

Энг юқори маҳсулдорлик кўрсатичлари (1 туп палак массаси 132-179, мева ҳосили 510-640 г) “Дар Заволжья”, “Финиш”, “Новичок”, “Сурхон-142” навлари ва F<sub>1</sub> Ложайн, F<sub>1</sub> Султон дурагайларида, ирик мевалар (вазни 100-116 г), “Финиш”, “Ўзбекистон-178”, “Истиқлол”, “Намуна-70”, “Восток-36”, “Шафак”, “Дар Заволжья” навлари ва F<sub>1</sub> Ложайн дурагайларида бўлди.

Энг юқори товар ҳосилдорлик (26,1-28,3 т/га) “Новичок”, “Дар Заволжья”, “Тошкент тонги”, “Финиш”, “Солярис”, “Амлед” навлари ва F<sub>1</sub> Ложайн, F<sub>1</sub> Султон дурагайларида олиниб, стандарт “Волгоградский-5/95” навига нисбатан 145,9-164,5 фоиз қўшимча ҳосилни таъминлади. Мазкур нав-дурагайлар мева таркибидаги куруқ модда 5,8-6,1 фоиз, қанд 2,7-3,9 фоизни, витамин-С 16,2-21,5 мг/% ни ташкил этди.

Демак, Самарқанд вилояти ўтлоқ бўз тупроқлари шароитида тақрорий экин сифатида помидорнинг тезпишар ва ўртатезпишар навлари – “Тошкент тонги”, “Дар Заволжья”, “Финиш”, “Солярис”, “Амлед”, “Новичок” ва гетерозисли дурагайлари -F<sub>1</sub> Ложайн, F<sub>1</sub> Султон кабиларни экиш, кузги совуққача гектаридан 25-28 тонна ва зиёд товар ҳосилни таъминлаб, уни истеъмолга, қайта ишлашга ва экспортга йўналтириш имконини беради.

**Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ,**  
қ.х.ф.д., профессор,  
**Озод МУРАТОВ,**  
таянч докторант,  
**Алишер ИСМОЙИЛОВ,**  
PhD,  
СПЭКТИ.

## АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б.Ж., Азимов Б.Б. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик тажрибалар ўтказиш методикаси. – Тошкент, 2002.
2. Арамов М.Х. Научный центр по селекции и семеноводству овощной культуры на юге Узбекистана. //Материалы международной научно-практической конференции. – Ташкент-Термез, 2001.
3. Белик В.Ф. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. – Москва, 1992. – С. 319.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва, 1985. С. 294.
5. Остонакулов Т.Э., Зуев В.И., Қодирхўжаев О.Қ. Мевачилик ва сабзавотчилик (Сабзавотчилик). – Тошкент: Наврӯз, 2018.
6. Ҳакимов Р.А. Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликнинг аҳволи, муаммолари ва истиқболлари. //Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2013. - Б. 4-9.



## CROTALARIA JUNCEA L ЎСИМЛИГИНИНГ ТУПРОК УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШЛАГИ РОЛИ

The article describes the Crotalaria series biology, development, agriculture and soil fertility.

унумдорлигини оширадиган, қўшимча даромад манбаи бўла оладиган экинлардан бири ноанъанавий дуккакли экин Crotalaria juncea ўсимлиги хисобланади.

Ўсимлик тупроқдаги Ph 5-8,2 муҳитигача бўлган тупроқлар шароритида ўсади. Адабиётларда келтирилишича, Crotalaria juncea ўсимлиги шўрланган тупроқларда етиширилганда ўсиши, ривожланиши жадал бўлади, ўсимликнинг уруғлари тўлқи пишиб етилади. Бу тажрибаларимиз давомида ҳам аниқланди. Бундан ташқари, ўсимлик деградацияга учраган тупроқларда етиширилганда илдизида туганак бактериялар – ризобиум мелилоти борлиги аниқланди. Бу туганак бактериялар атмосфера ҳавосидаги эркин азотни ўзлаштириб, тупроқни азотга бойитади, тупроқ унумдорлигини оширади.

Crotalaria juncea L. дунёнинг кўпчилик мамлакатларида органик азот манбаи сифатида “яшил ўғит” ўрнида ишлатилади. Сидерат сифатида ишлатиладиган бу ўсимлик паразит ўсимликларнинг ривожланишига тўсқинлик қиласди.

Crotalaria juncea L. дан қишлоқ хўжалик ўсимликларида озуқавий тузилмани яхшилаш учун фойдаланиш мумкин. Масалан, Бразилиядаги тупроқ унумдорлиги паст бўлган жойларда ҳайвонларнинг гўнги ишлатилади. Бразилиялик тадқиқотчилар Crotalaria juncea L ўсимлигини экиш ва ҳайвонлар гўнги қўшилиши экинлар учун озуқавий минерализацияни яхшилайди, деб тахмин қилишди. Бунинг сабаби шундаки, ушбу таркибдан иборат тупроқ азотнинг иммобилизациясидан сақланиб.

тупроқ таркибидаги фосфор ва калий миқдорини ошириди. Crotalaria juncea L қишлоқ хўжалик экинлари учун умумий озуқавий минерализация тизимини яхшилашга муваффақ бўлди.

Шунингдек, Crotalaria juncea L органик компост сифатида ҳам ишлатилади. Бу ўсимлик тупроқдаги фитопаразит нематодаларни йўқ қилиб, нематикидал функцияни ҳам бажаради.

Crotalaria juncea L да ифлосланган тупроқларни тозалаш ва зарарсизлантиришда самарали усул – фоторемедация қобилияти ҳам мавжуд бўлиб, тупроқда кучли металл сифатида аниқланган мисни олиб чиқиб кетади. Crotalaria juncea тупроқда мис миқдори бўлишига қарамай, миснинг токсик таъсирини қайтарадиган ва ўсимликнинг ўсишини таъминлайдиган механизмлар аниқланган.

Тупроқ деградацияси нафақат қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигининг пасайишини, балки буғунги кунда ўсиб бораётган аҳолининг ижтимоий-иктисодий ҳаётини, атроф-муҳит муаммоларни ҳам қамраб олмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилайдиган, тупроқ деградациясини камайтирадиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган ва қўшимча даромад манбаи бўла оладиган Crotalaria juncea каби ноанъанавий дуккакли экинларни етишириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш муҳим хисобланади.

**Сурайё НЕГМАТОВА,**  
қ.х.ф.д., кат.и.х., ПСУЕАИТИ,  
**Манзура НУРУЛЛАЕВА,**  
мустақил тадқиқотчи, УрДУ.

### АДАБИЁТЛАР

1. Treadwell, D.D., and M.Alligood. 2008. Sunn hemp(Crotalaria juncea L.) a summer cover crop for Florida vegetable producerse. National Plant Data Team, Greensboro, NC. <http://plants.usda.gov>(accessed 31 Aug. 2012).
2. Gerhardt, Karen E., Xiao-Dong Xang, Bernard R. Glik va Bryus M.Genberg (2009) Organik tuproqni ifloslantiruvchi moddalarni ftoremedatsiyasi va Rizoremediatsiyasi: Potentsial va muammolar. O'simlikshunoslik176.1
3. Silva, TOD, va Menezes, RSC (2007). Kartoshkani go'ng va yoki Crotalaria juncea bilan organik o'g'itlash: vegetatsiya davrida II-tuproq N, P va K mavjudligi. RevistaBrasileiradeCinciacdoSolo, 31 (1), 51-61.
4. <http://www.pregonagropecuario.com/cat.6>. Ҳакимов Р.А. Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликнинг аҳволи, муаммолари ва истиқболлари. //Илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2013. 4-9-б.

## ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ЎТЛОҚ ТУПРОҚЛАРИ ФОСФАТ РЕЖИМИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Фосфоросодержащие удобрения АФУ и НКФУ положительно влияют на фосфатный режим и содержание подвижного фосфора луговых почв Зарафшанской долины. Внесение удобрений в дозе 175 кг/га увеличивает первоначальное содержание P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> в почве на 1,4 – 1,5 мг/кг.

Phosphorus-containing fertilizers of NPhF and NCPhF have positive effects on the phosphate regime and the content of mobile phosphorus of meadow soils in the Zarafshan valley. The application of fertilizers at a dose of 175 kg/ha increases the initial content of P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> in the soil by 1,4 – 1,5 mg/kg.

Дунёда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш саломғи 2016 йилда азот, фосфор ва калий бўйича тегишилича 111,7; 41,4 ва 32,7 млн. тоннани ташкил этган. 2020 йилга келиб, ишлаб чиқариладиган умумий минерал ўғитлар 220,4 млн. тоннани ташкил қиласди. Шундан 112 млн. тоннаси азотли минерал ўғитлар, 50,0 млн. тоннаси калийли минерал ўғитлар, 61,0 млн. тоннаси фосфорли ўғитлардан иборат. Ушбу озиқ элементлари ичидаги фосфор хомашёсининг умумий захираси ер юзасида чекланган бўлиб, қазиб чиқарилаётган фосфат хомашёсининг 80 фоиздан ортиқроғи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун сарфланмоқда. Дунё қишлоқ хўжалигида энергия ва ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилмоқда. Аммо, тупроқ унумдорлигининг пасайиши, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, эрозияланиш, шўрланиш, ўғитлардан самарасиз фойдаланиш оқибатида ҳосилдорликнинг 15-22 фоизга камайиши кузатилмоқда.

Ўсимликларнинг фосфорли озиқланишида иштирок этишига қараб тупроқдаги минерал фосфатлар кўйидаги 4 гурухга бўлинади:

1-гурух - Тупроқ эритмасидаги бевосита ўзлаштирилувчан фосфор;

2-гурух - Енгил ўзлаштириладиган (осон экстракцияланувчи) фосфор;

3-гурух - Қийин ўзлаштирилувчан (қийин экстракцияланувчи) фосфор;

4-гурух - Энг қийин ўзлаштирилувчан (экстракцияланниши жуда қийин) фосфор.

Тупроқ фосфат режимиининг ижобий балансини ушлаб туриш учун дехқончиликнинг жадал кимёлаштириш давридаги ўғитлаш меъерини тутиб туриш лозим.

Қизилкум фосфоритлари асосида олинган ўғитларнинг Зарафшон водийси ўтлоқ тупроқлар озиқ режими, тупроқ фосфатлари таркибига таъсири, юқори ва сифатли пахта ҳосили олишни таъминлайдиган самарали меъерини аниқлашдан иборат.

Тажрибалар Пахтакилик ва агрокимёда умумқабул қилинган услублар асосида олиб борилди ва олинган натижаларнинг статистик таҳлиллари Б.А.Доспехов бўйича бажарилган.


Тажриба Самарқанд вилоятининг ўтлоқ тупроқлари шароитида олиб борилди. Дала тажрибалари 11 вариант 4 тақоррликда ўтказилди.

Дала тажрибаси ўтказилган тупроқнинг агрокимёвий тавсифи ҳайдов қатламида гумус миқдори – 1,30 фоиз, ялпи азот – 0,098 фоиз, ялпи фосфор – 0,163 фоиз, ялпи калий – 2,42 фоизни ташкил этди. Ҳаракатчан азот ва фосфор билан кам, алмашинувчан калий билан юқори таъминланган. Тупроқ муҳити реакцияси – 7,2 га тенг.

Олинган натижаларнинг таҳлили бўйича 0-30 см қатламда ҳаракатчан фосфор миқдори деярли бир хил, яъни 20,5-21,1 мг/кг ни ташкил этган. Ғуза нихолларининг 2-3 чинбарглик фазасида ўғитсиз – назорат варианнанда ҳаракатчан фосфор миқдори 16,4 мг/кг ни ташкил этган бўлса, аммофос, АФУ ва НКФУ ўғитлари

175 кг/га (P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ҳисобида) варианнанда 40,2-41,0 ва 41,6 мг/кг эканлиги аниқланди. Ҳар иккала ўрганилган ўғит меъёрларининг кузда берилган миқдорининг ортиб бориши билан тупроқдаги ҳаракатчан фосфор кўпайиш тенденцияси кузатилиб, шу билан биргалиқда АФУ ўтига нисбатан НКФУ ўғити қўлланилганда фосфор миқдорининг юқорилиги аниқланди. Бу тенденция ўсимликнинг барча ривожланиш фазаларида сақланиб қолди.

Ғўзанинг шоналаш фазасида ўғитсиз – назорат варианнанда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори 15,2 мг/кг, ўғитлар бир хил меъерда қўлланилган варианнанда ўғитсиз – назорат варианнанда нисбатан бу кўрсаткич ўғит шаклларига (Аммофос, АФУ ва НКФУ) мос равишида 23,3; 23,2 ва 23,4 мг/кг кўп бўлиши аниқланди. (1-расм).



1-расм. АФУ ва НКФУ ўғитларининг тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдорига таъсири, мг/кг.

Хулоса қилиб шуну айтиш мумкинки, Қизилкум фосфоритлари асосида олинган фосфор сақловчи ўғитлар Зарафшон водийси ўтлоқ тупроқлари шароитида ҳаракатчан фосфор миқдорининг ўсимлик озиқланиши учун қулай фосфат режимини ҳосил қилди. Фосфор сақловчи ўғитларни 175 кг/га кўллаш дастлабки миқдорига нисбатан 1,4-1,5 мг/кг ошиши аниқланди.

**Мансур МАШРАБОВ,**  
қ.х.ф.ф.д., катта ўқутувчи,  
**Мамадиёр ХАЙТОВ,**  
қ.х.ф.н., доцент,  
**Шахло РАДЖАБОВА,**  
ассистент,  
СамВМИ.

### АДАБИЁТЛАР

1. Джонстон Дж., Фиксен П., Поултон П. Эффективное использование фосфорных удобрений в земледелии // Вестник Международного института питания растений. - 2015. - № 2. С. 8-11.

2. Сатторов Ж.С. Минерал ўғитлар самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент.

3. Машрабов М., Хайтов М., Хошимов Ф. Ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига фосфор сақловчи ўғитларнинг таъсири // “Агро илм” журнали. - Тошкент, 2013. - № 2 (26). - Б. 25-27.

## ТАХТАКҮПИР ТУМАНИДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*This article considers advantages and disadvantages, some possible opportunities and problems of developing the livestock in Takhtakopir region by SWOT analysis.*

Тахтакүпир тумани Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туманларидан бири бўлиб, у ўзига хос ҳайвонот ва ўсимликоламига эга ҳамда улардан қишлоқ хўжалигида чорвачиликни ривожлантириш мақсадларида самарали фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки “Яйловлар тўғрисида”ги қонунга асосан, яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидалари ҳайвонлар йил бўйи бокилиши натижасида мавсумий ва йиллик яйлов алмашинишини кўллаш мақсадга мувофик.

Яйловларда озуқа муаммосини ҳал қилишда фақатгина озуқабоп ўсимликларни экиш орқали мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис, яйловлар ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишда улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қўйидаги экстерналийлар таъсири Тахтакүпир туманида чорвачиликни ривожлантириш бўйича SWOT-таҳлилини амалга оширидик (1-жадвал).

SWOT таҳлилда туманин чорвачилик худудига айлантиришнинг кучли ва кучсиз томонларини ҳамда

хавф-хатар ва имкониятларини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Тумандаги оғир экологик вазиятга қарамасдан, соҳани йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд:

- Тахтакүпир туманида қоракўл қўйлари, туялар чўл шароитида яхши ривожланади. Улар асосида тайёрланган маҳсулотлар (қоракўл териси, гўшт ва сут маҳсулотлари)га фақатгина ички бозорда эмас, балки ташки бозорда ҳам талаб юқори ҳисобланади.

Қизилқумнинг бой табиатини илмий жиҳатдан ўрганиш орқали доривор ўсимликлар ва уларнинг ресурсларини аниқлаш ҳамда улардан фармацевтик мақсадларида фойдаланиш;

- туманинг ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларидан озуқа ва ем-хашак етишириш;

- чўл шароитига мослашган яйлов хўжалигини ривожлантириш, хусусан, сунъий яйловларни ташкил қилиш;

- Қаратерен ва сунъий кўлларда балиқчиликни ривожлантириш, шунингдек, чорва молларига қамишзорлардан ем-хашак учун фойдаланиш.

- дарё сувидан истеъмол учун ва қишлоқ хўжалик мақсадларида рационал фойдаланиш учун сув ҳавзаларини куриш;

- яйловларда чорвачилик ва қўзилатишга шароитнинг яхшилиги қоракўлчиликни ривожлантириш учун катта замин яратади.

1-жадвал.

### Тахтакүпир туманида чорвачиликни ривожлантириш бўйича SWOT – таҳлили

S- қучли томонлари (афзалликлари) (самарали экстерналийлар)	W- қучсиз томонлари (салбий экстерналийлар таъсири)
<p>Қизилқумнинг доривор ўсимликларидан фармацевтика мақсадларида фойдаланиш; қишлоқ хўжалиги экинларидан озуқа ва ем-хашак етишириш; чўл шароитига мослашган чорвачиликни ривожлантириш, жумладан, коракўл қўйлари, туялар, жайронлар сонини ошириш;</p> <p>Қаратерен ва сунъий кўлларда балиқчиликни ривожлантириш, шунингдек, чорва моллари учун ем-хашак етишириш.</p>	<p>Сув танқислиги шароитида яйловлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги; маҳсус дастурларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ёки ишлаб чиқилган дастурларнинг амалга ошириш механизмининг йўклиги;</p> <p>чорвачиликни ривожлантиришда фермерлар ташаббускорлигининг йўклиги;</p> <p>туман худуди маъмурий жиҳатдан энг чекка худуд ҳисобланиши;</p> <p>маҳсулотлар экспорт талабига жавоб бермаслиги;</p> <p>логистик хизматларнинг талаб даражасида эмаслиги.</p>
<p>Дарё сувидан истеъмол ва қишлоқ хўжалик мақсадларида рационал фойдаланиш учун сув ҳавзаларини куриш; Сув ресурслари мониторинги тизимини ривожлантириш; Ёмғир сувларидан унумли фойдаланиш;</p> <p>Екинларни сугориш тизимини такомиллаштириш; Курғоқчиликни олдиндан аниқлаш ва огоҳлантириш тизимини ишлаб чиқиш;</p> <p>Вегетацион даврининг ортиши;</p> <p>Кишлоқ хўжалик экинлари ва яйловларнинг маҳсулдорлигининг ошиши;</p> <p>Ердан бир неча марта фойдаланиш(такрорий экиш); Яйловларда чорвачилик ва қўзилатиш учун шароитнинг яхшилиги.</p>	<p>Мавжуд сув ресурсларининг камайиши;</p> <p>Табиий ўзгарувчанликнинг кучайиши ва сувнинг оз-кўплиги бўйича экстремал йиллар сонининг ошиши;</p> <p>Буғланиш даражаси ва сугориш мөъёрининг ошиши;</p> <p>Сув таъминотида истеъмолнинг ошиши;</p> <p>Сув сифатининг ёмонлашуви;</p> <p>Сувнинг танқислиги шароитида сугориш мөъёларининг камайиши;</p> <p>Тупроқ шўрланиши жараёнининг кучайиши;</p> <p>Бахор иссиқ келган йиллари зааркунанда хашаротлар ва эпидемик касалликларнинг ортиши.</p>

Қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига экстерналийлар таъсирини иқлим исиши туфайли вегетацион давринг давомийлигининг сезиларли ўзгариши кутилаётган шимолий минтақаларда, жумладан, Тахтакўпир туманида ҳам кузатилади. Умуман, қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ийлнинг қуруқ ва иссик даври давомийлигининг ортиши;
- яйловларда экинлар ҳосилдорлигининг камайиши ва бошқалар.

Иқлим ўзгаришлари, шунингдек, айrim имкониятлардан самарали фойдаланишин талаб этади. Жумладан, вегетация даврининг ошиши ердан бир неча марта фойдаланишинг имконини

беради, яйловларда чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган масалаларни ҳал қилишни кўндаланг қилиб қўяди.

Ушбу нуқтаи назардан чорвачилик фермер хўжаликлари тизимини яратиш ва унинг самарали фаолият кўрсатишни таъминлаш сифатида қўйидаги таклифларни берамиз:

- дехқон ва фермер хўжаликлирида этиштирилган чорва маҳсулотларини сотиб олиш ва қайта ишлаш кичик корхоналарини ташкил этишни рағбатлантириш;

- худуд хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат шароитини яхшилаш бўйича амалдаги меъёрий хужжатларга ўзгартиришлар киритиш;

**Жанибек САУХАНОВ, доцент, и.ф.н.,  
Қорақалпоқ давлат университети.**

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 20.05.2019 й.даги ЎРҚ-538-сонли “Яйловлар тўғрисида”ги қонуни. lex.uz.
2. Сауханов Ж.К. Атаев Ж.Э. “Гўшт этиштиришда яйловлардан фойдаланиш самарадорлигини эконометрик баҳолаш”. “Agro ilm”. Тошкент, 2020. – № 2 [65]. 108-б.
3. Сауханов Ж.К. “Экологик танглик шароитида чорвачилиқда ишлаб чиқариш ва транзакцион харажатлар”. Хабарнома.– Нөкис, 2020. – № 4.

УЎТ: 636.22/.28.083.

ТАДҚИҚОТ

## СИММЕНТАЛЬ ЗОТЛИ СИГИРЛАР СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИПЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Кейинги йилларда республика мизнинг наслчиллик базасини мустаҳкамлаш ва юқори маҳсулдор подалар яратиш мақсадида Европанинг қорамолчилиги ривожланган кўплаб мамлакатларидан наслли қорамоллар келтирилмоқда. Бу қорамоллар маҳсулдорлик хусусиятлари бўйича юқори ирсий салоҳиятга эга.

Четдан келтирилган қорамоллар одатда сермаҳсул бўлиб, улар тўла қийматли озиқлантириш ҳамда асраш шароитларига талабчан бўлади. Шундай қорамол зотларидан бири симменталь зотидир. Бу зот қўшмаҳсулдор бўлиб, дунёning кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган. Сигирлари сермаҳсул, сутининг яхши сифат кўрсаткичлари билан ажralиб турди. Улардан фойдаланиб юқори маҳсулдор сутбоп подалар яратиша подаларни тана тузилиши хилларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш сут ишлаб чиқариш самарадорли-

гини оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг мақсади – четдан келтирилган симменталь зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик хусусиятларини ишлаб чиқариш типларига боғлиқликда ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотлар симменталь зотли турли ишлаб чиқариш типига эга сигирлarda олиб борилди. Сигирларнинг сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари зоотехнияда умумий қабул қилинган усуларда ўрганилди.

Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги “К.Элдор” наслчиллик хўжалигининг қорамолчилик подасида ўхшашлик белгилари талаблари асосида сигирларнинг келиб чиқишини, тана тузилиши хилини, тирик вазнини, физиологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда III лактациядаги сигирларда ўтказилади. I гурухга сут, II сут-гўшт ва III гурухга гўшт-сут ишлаб чиқариш типидаги ҳар гурухга 12 бошдан сигир ажратилди.

*In this research work has been defined the milk productivity of Simmental breed dependence of cows brought from abroad. The lactation of diary type cows in comparison to diary -meat cows type productivity was 672,5 kg ,butter yield amount 20,2 kg. Respectively the outcome of production compared to dairy-meat type cows were higher as 958,7 and 29,4kg. It is also had been pointed out to increase the number of dairy type cows in livestock.*

Сигирларни озиқлантириш берадётган сут маҳсулдорлигини, тирик вазнини ва физиологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилди. Сигирлар бир хил шароитида асралди. Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 1-жадвалда келтирилади.

Жадвал маълумотларидан кўринишича, I гурухдаги сигирларнинг лактациядаги сут миқдори II гурухдаги сигирларнидан 672,5 кг ( $P>0,999$ ), III гурухларнидан 958,5 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чиқими тегишли равища 20,2 ва 29,4 кг ( $P>0,999$ ) ва 4% ли сут миқдори 507,4 ( $P>0,999$ ) ва 735,4 ( $P>0,999$ ) кг юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди.

I гурухдаги сигирларнинг сут миқдори симменталь зотининг андоза талабларидан 377 кг (10,2%), сутдаги

## Турли типдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гурухлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	C <sub>v</sub> %	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	C <sub>v</sub> %	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	C <sub>v</sub> %
Сут миқдори, кг	4077,0±71,9	5,86	3404,5±66,6	6,40	3118,5±75,9	8,07
Сутдаги ёғ, %	3,98±0,053	4,46	4,17±0,045	3,62	4,26±0,048	3,79
Сут ёғи чиқими, кг	162,2±0,37	5,30	142,0±1,72	4,03	132,8±1,96	4,90
4% ли сут миқдори, кг	4056,6±35,5	2,91	3549,2±43,1	4,03	3321,2±49,1	4,91
Сутдорлик коэффициенти, кг	817,5±9,83	3,98	652,3±8,53	4,34	588,8±10,2	5,77
Тирик вазни, кг	498,7±7,97	5,30	521,9±6,36	4,04	529,6±7,15	4,48

### АДАБИЁТЛАР

1. Аширов М.И., Юлдашев А.А. Параметры хозяйственно-полезных производств европейского импортированного скота в условиях Узбекистана . Ж. "Зоотехния", Москва, №8,2019, с. 7-12.
2. Дунин И.А., Данкверт А., Кочетков А. Перспективы развития молочного скотоводства и конкурентоспособность молочного скота, разводимого в Российской Федерации. Ж. "Молочное и мясное скотоводство", №3, 2013, с. 1-5.
3. Светова Ю. А., Остапчук А.В., Гусева Т.А. Особенности молочной продуктивности коров импортной селекции в процессе адаптации. Ж. "Нива Поволжья", №1 (30), 2014, с. 110-113.
4. Сельков В.Н., Сермягин А.А. Продуктивные качества и экстерьерные особенности дочерей быков симментальской породы отечественного и австрийского происхождения. Ж. "Зоотехния", №4, 2010, с. 2-4.

ёғ 0,18%, сут ёғи чиқими 22,2 кг юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Шундай қилиб, тадқиқотлар симменталь зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси тана тузилиши хилига узвий боғлиқлигини кўрсатди.

**Хуносалар.** Симменталь зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси ишлаб чиқариш типига боғлиқидир. Сут ишлаб чиқариш типидаги сигирларнинг сут миқдори сут-гўшт ва гўшт-сүт типидаги сигирларнидан тегишлича 672,5 ва 954,4 кг юқори бўлганлиги аникланди.

Сутбоп подаларни сут ишлаб чиқариш типидаги сигирлар билан шакллантириш сут ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

**Фарход САТТОРОВ,**  
СамВМИ.

УЎТ: 636.22.

ТАДҚИҚОТ

## КОРАМОЛЛАР ЙОҚУМЛИ ЛЕЙКОЗИГА ҚАРШИ КУРАТИИНИГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

*Проблема распространения вируса лейкоза крупного рогатого скота в Республике Узбекистан и других развитых Европейских странах остается очень острой и актуальной проблемой.  
The problem of the spread of bovine leukemia virus in the Republic of Uzbekistan and other developed European countries remains a very acute and urgent problem.*

Қорамоллар лейкозининг ташхиси ва ҳозирги кунларда қўлланиладиган асосий диагностик усуллари ўрганилганда, лейкоз вирусидан қорамол подала-рини соғломлаштириш чора-тадбирлари мажмууни ўтказиш билан қорамоллардаги лейкоз вирусини йўқ қилиш мумкинлиги маълум. Мана шунда, инфекцияга қарши ветеринар тадбирларидан сўнг, қорамоллардан ташкил топган пода лейкоз вирусидан озод этилишининг ижобий динамикаси пайдо бўлган, қорамолларни (касал ва вируслари ташувчилардан) ажратиб олиб, РИД+ ҳайвонларни алоҳида саклаш, соғлом подага босқичма-босқич қўшиш натижасида вирус ташувчилар ва вирусли касалланган ҳайвонлар со-нини сезиларли даражада камайтиришга эришилган.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш учун юқори маҳсулдор, соғлом чорвачиликни шакллантириш лозим. Ривожланишга тўсқинлик қилувчи ва қорамолчиликка катта зарап етказувчи касалликлардан бири қорамоллар лейкози вирусининг (bovine leukemia virus) глобал (ёппасига) тарқалишидир. Қорамоллар лейкози – лимфоид ва қон ишлаб чиқарувчи органлар тизимининг заарланиши билан характерланадиган сурункали вирусли касаллик бўлиб, қорамолларнинг энг хавфли ва кенг тарқалган

касалликлардан бири ҳисобланади.

Қорамоллар лейкози дунёнинг деярли барча мамлакатларида рўйхатга олинган. Фарбий Европадаги айрим мамлакатлар бундан мустасно, чунки у ерларда фақат заарланган ҳайвонларни тўлиқ йўқ қилиш билан лейкоз муаммоси бартараф этилган. Бу касаллик АҚШ, Канада, Япония ва қатор Европа мамлакатларида энг кўп тарқалган. Текширув ўтказилган ҳайвонлар орасида АҚШда сут йўналишидаги подаларининг 83,9% лейкоз бўйича серопозитив бўлган, Канада учун бу кўрсаткич – 89%, Аргентина учун – 84%, Япония – 68%, Бразилия ва Жанубий Америкада қорамоллардаги лейкоз вируси билан касалланиш даражаси – 50%, Марказий Осиёда эса, таҳминан – 20% ни ташкил этган.

Қорамоллар лейкози юқумли касаллигининг кенг тарқалишига сабаб, касалликнинг вируси бошқа микрорганизм ва ҳужайраларга жуда енгиллик билан, осон ўтиши, (юқиши), эрта ташхис муаммоси, қорамоллар лейкозига қарши вакцинанинг йўқлиги ва бу касалликни даволаб бўлмаслигидир. Шу билан биргаликда, мавжуд бўлган диагностик услугиятлар касалланган ҳайвонларни тезкор аниқлашни таъминлаши ва оддий ҳамда самарали бўлиши керак.

**Ўтказилган тадқиқот.** Вирус ташувчиларни аниқлаш турли усууллар билан бажарилиб, улардан иммунодиффузия реакцияси (РИД), иммунофермент реакцияси (ИФА), полимераза занжир реакцияси (ПСР), гематологик, клиник, патологоанатомик тадқиқотлар ва биопроба услубиятлари кенг қўлланиши мумкин. Бугунги кунда қорамоллар лейкози касаллiği учун, асосан, серологик ва гематологик тадқиқот услубиятлари кўп ишлатилади. Шу билан бирга, кенг қўлланиладиган диагностика услубиятларида антителоларнинг йўқлиги ёки камлиги туфайли барча касалланган ҳайвонларни аниқлашнинг имкони бўлмайди. Серологик тестлар ҳайвон касаллигининг дастлабки босқичларида ноаниқ натижалар бериши ва сохта ижобий натижалар юзага келиши мумкин. Бундан ташқари, бу усууллар касалланган ҳайвонларни тўлиқ аниқлашни таъминламайди, чунки олти ойдан кичик бузоқлар тадқиқотлар режасига киритилмайди. Сўнгги йилларда ишлатилган полимераза занжир реакция (ПСР) инфекциянинг ташхиси учун жуда истиқболли молекуляр генетик услубият ҳисобланади. Ушбу услубият максимал сезувчанлик ва юқори даражада ўзига хосликка эга, бу эса, вирусни зарарланишдан кейин 1-2 ҳафта ичида подматериалда аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, бу услубият 15 кундан каттароқ ёш ҳайвонлар учун ҳам кенг қўлланилиши мумкин.

Ветеринария қоидаларига мувофиқ, лейкозни йўқ қилиш касал ҳайвонларни “яроқсиз” (“брак”) га чиқариш ва, асосан, юқтирганларни ажратиб олишдан, сўнгра уларни аста-секин соғломларга алмаштиришдан иборат. РИД реакцияси бўйича олти ойликдан бошлаб ва икки ёшгача бўлган қорамоллар гематологик текширувдан ўтказилиши лозим. РИД учун серологик тестлар қорамолларнинг 6, 12, 16, 18 ойлигига амалга оширилади. Катта ёшли қорамоллар ҳар 6 ойда гематологик текширувдан ўтказилади (РИД ижобий кўрсаткични ташкил этмагунга қадар).

Лейкоз ташхиси иммунодиффузия реакцияси (РИД) қон синовлари асосида амалга оширилади. Иммунодиффузиянинг ижобий реакциясини ўтказиша ҳайвон изоляция қилинади ва гематологик қон текширувлари ўтказилади, улар периферик қонда лейкоцитлар, кам дифференциацияланган ҳужайралар, шунингдек, полиморф атипик ҳужайралар сонини аниқлашдан иборат. Ҳайвонлар қонида гематологик

ўзгаришлар аниқланса, улар лейкоз билан касалланган ҳисобланади.

Йирик шохли ҳайвонларда юқумли лейкоз касаллигига қарши курашда қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади:

- барча хусусий хўжаликларда диагностик текширувлар, ветеринария-профилактика ва анти-эпизоотик тадбирлар;

- йирик шохли қорамоллар лейкозининг олдини олиш ва назорат қилиш ветеринария қоидаларига сўзсиз амал қилиш;

- қорамоллар лейкозининг диагностикаси услубиятларидан фойдаланиш ва бу услубиятларни янада такомиллаштириб бориш.

Ўтказилган таҳлиларимизга кўра, хўжаликдаги қорамолларнинг тахминан 70% да касаллик симптомларсиз кечди, 30% да эса касаллик енгил формада доимий лимфоцитоз билан ўтди. Летал лимфосаркомага айланадиган касалликнинг кейинги ривожланиши касалланган ҳайвонларда ўртacha 5% да содир бўлди. Касалликнинг барча хавф-хатарига ва ҳайвонлар ўртасида жуда осон тарқалишига қарамасдан, касалланган сигирлардан 80% дан ортиқ бузоқлар лейкоз вирусидан ҳоли туғилганлиги аниқланган. Бунинг сабаби шундаки, фақат 10-15% ҳолларда вирус онанинг интраплацентар тўсиғини енгид, ҳомилага юқади. Шунинг учун, касаллик муаммосига кўп қиррали ва малакали ёндашув билан, қиммат наслдор қорамолларини сотиб олишдан воз кечмасдан, етарли миқдордаги вируссиз ғунажинларни кўпайтириш орқали бир неча йил ичида дисфункционал подани бутунлай янгилаш мумкин.

**Хулоса.** Чорвачиликка алоқадор мулкчиликнинг барча шакллари хўжаликларида диагностик тадқиқотлар, ветеринария-профилактика ва анти-эпизоотик чора-тадбирлар йиллик режаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари, чорвачилик хўжаликларида антилейкоз чора-тадбирлар комплексининг ўз вақтида амалга оширилиши лейкоз бўйича соғлом муҳитни, чорваларни йўқ қилмаган ҳолда маҳсулот олиш ва подага қайта жорий этиш учун зурриётларни сақлаб қолиш имконини берувчи муҳитни яратиб беради.

**Дилором РАЗЗАКОВА,**  
докторант (Phd),  
**Ветеринария илмий-тадқиқот институту.**

## АДАБИЁТЛАР

- Гулюкин М.И. и др. Эпизоотическая ситуация по лейкозу крупного рогатого скота в товарных и племенных хозяйствах Российской Федерации за 2014–2015 годы. / М.И. Гулюкин, И.И. Баранов, Л.А. Иванова и др. // Ветеринария и кормление. 2016. №4. С. 4–41.
- Razzakov Sh.T., Razzakova D.Sh., Yoldoshov J.Sh. Modeling of Agricultural Tractors Maintenance For Innovative Forecasting Of Technological Effectiveness AtThe Stage Of Designing (2020). ACADEMUCIA: An International Multidisciplinary Research Journal (2020). Double Blind Refereed Reviewerwed International Journal, Vol.10 Issue 1, January 2020, ISSN: 2249-7137 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13, 36-40.
- Balic, D. Identification of a new genotype of bovine leukemia virus / D. Balic, I. Lojkic, M. Periskic, T. Bedekovic, A. Jungic, N. Lemo, B. Roic, Z. Cac, L. Barbie, J. Madic // Arch. Virol. - 2012. - V. 157. - N. 7. - P. 1281-1290.

# ШАМОЛ ЭРОЗИЯСИННИГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИ

*The present and urgent task in the article is the further development of farming and the production of high-quality products, supporting it. Improvement, conservation and improvement of the reclamation state of the soil by combating wind erosion in takyr soils of the Kashkadarya region and the development of agrotechnical measures to produce high-quality raw cotton.*

**В данной статье рассматриваются вопросы дальнейшего развития фермерства и производства высококачественной продукции. Улучшение, сохранение и повышение мелиоративного состояния почвы путем борьбы с ветровой эрозией в условиях такырных почв Кашкадарьянской области и разработка агротехнических мероприятий для получения хлопка-сырца высокого качества.**

Бугунги кунда Республика из қишлоқ хўжалигида шамол эрозияси жараёнларининг олдини олиш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш ва атроф-муҳитни ҳар хил кимёвий моддалар билан ифлосланишини камайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ҳосил салмоғи ва маҳсулот сифатининг оширишга эришилмоқда. Суғориладиган ерларни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашда шамол эрозияси жараёнларини салбий таъсирини камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё вилоятининг тезлиги кучли шамоллар эсадиган, тақирсимон тупроқлар минтақасида, шамол эрозиясига учраган худудларда, шамол эрозиясига қарши агротехник тадбирларни қўллаш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Мевали ва манзарали ихота ўрмонзорлари орасида ўстирилган гўзанинг ҳосили уч йил мобайнида ҳам минтақалар орасида ҳам назорат вариантида ҳам бир-бирига жуда яқин, назоратдаги ҳосил билан +1,0-1,5 ц/га орасида фарқ қиласи, холос. Вояга етишмаган иҳотазорнинг 20-30 метр масофа узоқликда қўшимча ҳосил кўринади, у ҳам жуда оз. Ихота ўрмонзорлари экилган учинчи йилдагина плюсли қўшимча ҳосил олинган.

Олинган бу маълумотлар шундан дарак берадики, ихота ўрмонзорлари тупроқ ва экинни шамол эрозиясидан

тўла ҳимоялаши, вояга етиши учун 3 йиллик муддат камлик қиласи ва тўла вояга етиб, ҳам ҳимоя ролини, мева етишириш учун яна 3-4 йил вақт талаб этилади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, тезлиги кучли шамоллар қайси ойда неча марта эсишини билиш алоҳида аҳамиятга эга, чунки кузнинг охири, қиш ва эрта баҳорда атмосферадан тушган ёғиндан тупроқ нам бўлиб, уни шамол кўтариши қийин бўлади. Ундан ташқари кўпчилик чопиқталаб экинлар (бошоқлилардан ташқари) асосан март ойининг охиридан бошлаб экилади. Шунинг учун марта-июнь ойларида эсадиган, тезлиги кучли шамоллар катта зарарли ҳисобланади.

Қашқадарё вилояти, Косон туманинг Аҳмад ўғли Бўрибой фермер хўжалигида мевали ва манзарали дарахтлардан барпо этилган иҳотазорларнинг иқтисодий кўрсаткичларини кўрсатишича, биринчи минтақа орасида экилган кузги буғдойдан ва мевадан олинган софдаромад 15604,7, иккинчи минтақада – 22540,6 ва учинчи минтақадан – 20347,4, назоратда эса 12858,3 сўмни ташкил этиб, рентабеллик минтақаларга мос 51,8; 64,0; 59,5 ва 45,0 фоизга баробар бўлди.

**Хуносава тақлифлар.** Шамол эрозиясининг келиб чиқишига иқлимий шароит яратади – сахро зонасида ҳаммаси бўлиб, ўртacha 80-100 мм ёғин ёғади. Бу ёғинлар асосан

кеч куз, қиш ва эрта баҳорда ёғади. Йиллик эвапотранспирация ёғинга нисбатан 10-12 марта ортиқ.

Ёғингарчиликнинг кам бўлиши ер устини қуриб қолиши, тезлиги кучли шамолларнинг эсиши, тупроқнинг меҳаник таркибини енгиллиги дефляция жараёнларни келтириб чиқаради.

Юқорида кўрсатган ҳолатларда қум тепаликлари, барханлари ўзлаштирилганда гўза, маккажӯхори, шоли, қовун-тарвуз, бошоқлидон экинлари, мевали иҳота ўрмонзорлари билан, кўрсатилган агротехнологиялар кўллаб, мўлжалдаги ҳосилни етишириш мумкин.

Қашқадарё вилоятининг ғарбидаги, сахро зонасида жойлашган суғориладиган тақирсимон тупроқлар устидаги “Сандиқли” массивдан шамол орқали келтирилган қум ёйилган ва бу ерларда шамол эрозияси рўй беради. Бу хилдаги ерларда ҳам тупроқ ва экинни шамол эрозиясидан сақлаш учун мевали ва манзарали дарахтлардан уч қаторли (2 қатори мевали, бир қатори шамол эсадиган томонида манзарали) иҳота ўрмонзорлари барпо этиш ва улар оралиги 150-200 метр бўлиши керак.

**Шахриёр АҲМЕДОВ,  
қ.х.ф.ф.д. доцент. (PhD)  
Муштарий УЗОҚОВА,  
Бекруз ИБРОҲИМОВ,  
Рустам ЭРГАШЕВ,  
талаабалар,  
ҚМИИ.**

## АДАБИЁТЛАР

- Мирзажонов К.М. Ветровая эрозия в орошаемой зоне Узбекистана и борьба с ней.- Ташкент.: 1973. 238 с.
- Корнеева Е.А. Эколого-экономическая эффективность лесной мелиорации пахотных земель, подверженных дефляции. Автореферат дисс. Волгоград, 2013, 20 с.
- Амонов З. “Яшил қолқон” фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини оширади. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали, 2011, № 1, 24 б.

## ЭКОТУРИЗМНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

В этой научной статье рассматриваются условия развития экотуризма в Узбекистане, его значение и цели, роль в стабилизации решений экологических проблем, формирование новых форм бизнеса в экономике, привлечение туристов в страну, повышение экологической культуры, даны рекомендации для развития отрасли.

Табиатга асосланган туризм турларидан бири бўлган экотуризм дунё бўйлаб сайёхлик бозорининг энг тез ривожланаётган сегментларидан бирига айланди. Сўнгги бир неча ўн йилликларда кўплаб одамлар ва дунё ҳамжамияти экотуризмни табиатни сақлашни кўллаб-кувватлашнинг ўзига хос иқтисодий қалити сифатида кўриши бошлади. Экотуризмнинг кўплаб тарафдорлари ҳам унинг мухим таркибий қисми экологик таълим ёки унда қатнашувчи сайёхлар учун билим бериш лозимлиги борасида ўз фикр мулоҳазаларини билдириб ўтмоқдалар. Бундай ўрганишлар сайёхларнинг табиат тўғрисида кўпроқ билимларга эга бўлишлари ва уларнинг табиатини сақлашни янада кўпроқ кўллаб-кувватлашлари учун, ҳамда кўпроқ сиёсий ҳамда молиявий кўллаб-кувватлашларига эришиш мумкинлигидан далолат беради.

Экотуризмни ривожлантиришдан кўп даромад олиш мумкин бўлса-да, таклиф этилаётган экотуризм лойиҳаларининг ҳаммаси ҳам иқтисодий жиҳатдан самарали эмас, улар экотуризм бизнеси билан шуғулланадиганларга кам ёки нолга тенг фойда келтиради, молиявий таваккалчиллик даражаси юкоридир. Ушбу мақолада экотуризмнинг афзаллilikлари ва камчиликларини унинг табиатни сақлаш воситаси эканлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Ёввойи табиатга асосланган туризм икки йўналишда таснифланиши мумкин: у истеъмол қилинмайдиган (ёввойи табиатни кўриш ёки томоша қилиш, суратга олиш ва ҳоказолар) ёки истеъмол қилиш (ов ва балиқ ови) учун мўлжалланган экотуризмдир. Экотуризм кўпроқ туризмнинг истеъмол қилинмайдиган пассив шакли билан боғлиқ. Экотуризмнинг иккинчи йўналиши – истеъмол қилиш учун амалга ошириладиган туризм шакли тўғри бошқарилса ва турғунликни сақлашга ҳаракат қилинса, барқарор ҳолатда ривожланади. Масалан, АҚШда "Ducks Unlimited" каби ов ташкилотлари кўлмак ва кўлларни муҳофаза қилади, кўчиб юрадиган ўрдак ва ғозларни озуқа билан таъминлайди. Ўзбекистоннинг Навоий вилоятида тувалоқларни ёввойи ҳолда урчитиш лойиҳаси мавжуд бўлиб, у Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати томонидан молиялаштирилади. БААдаги анъанавий қуш овининг манбаси бўлган тувалоқлар сонининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган ушбу лойиҳа қишлош учун БААга учб келадиган тувалоқларнинг ёзлоп ҳудудида кўпайишини кўллаб-кувватлайди. Бу эса экотуризмни сақлаб қолиша ва

*This scientific article discusses the conditions for the development of ecotourism in Uzbekistan, its importance and goals, the role in stabilizing solutions to environmental problems, the formation of new forms of business in the economy, the attraction of tourists to the country, the improvement of ecological culture, recommendations are given for the development of the industry.*

бундан даромад олиша олиб келади.

1-жадвалда экотуризмнинг маҳаллий экотуризм бизнеси билан шуғулланувчиларга иқтисодий таъсири нуқтаи назаридан баъзи ижобий ва салбий таъсири кўрсатилган.

Экотуризмни ривожлантиришнинг яна бир хусусиятларидан, ундан олинган иқтисодий даромад бевосита харажатлардан доимо ошиқ бўлади. Экотуризм тадбиркорлиги субъектларининг даромадлилик даражаси маълум даражада экотуризм бизнеси бошқарувни ва ривожланиш хусусиятига боғлиқ бўлади. Бунда, қисқа муддатда иқтисодий фойда олиш учун ҳаракат экотуризмнинг узоқ муддатда емирилишига ва унинг иқтисодий қиймати кескин пасайиб кетишига олиб келади.

Агар экотуристик манзил қўриқланадиган табиий ҳудуд бўлса, унинг даромадлари қуидаги манбалардан олиниши мумкин:

кириш тўловлари, лагер харажатлари ва ташриф буюрувчилардан олинидиган бошқа тўловлар; давлат даромадларини тақсимлаш; хизматларни сотиш. Экотуристик манзилдаги рекламалар; ташриф буюрувчилар томонидан хайр-эҳсон қилиниши; экотуризм обьектида маҳсулотларни сотиш ёки хизматларни тақдим этиш хукуки савдоси. (Турар жой, овқатланиш ва саёҳатлар).

Муҳофаза этиладиган ҳудудда шаклланадиган даромад ва харажатлар институционал тартибга боғлиқ. Турли институционал чора-тадбирлар маҳаллий даражада экотуризм билан шуғулланиш учун турли хил молиявий рағбатлантирувчи омилларни келтириб чиқаради. Бунга боғлиқ институционал омиллар мураккаб бўлиб, маблағларнинг ҳақиқий тақсимланишига давлатнинг тартибга солиш бўйича фаолияти ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Экотуризм ривожланаётган ҳудудда бандликнинг ошиши ва атрофдаги корхоналар сайёхлар савдосининг кўпайиши натижасида фойда кўришлари мумкин. Ушбу иқтисодий манфатларнинг уйғунлашуви ҳудудда иқтисодий юксалишга олиб келади. Агар ҳудудга боғланган товарлар ҳудудга ташриф буюрувчи сайёхлар сонини оширса, иқтисодий таҳлилнинг обьекtlари бўлган барча товарлар ягона товар сифатида ўрганилиши мумкин.

Экотуризмни ривожлантириш табиатни муҳофаза қилишни кўллаб-кувватлаши мумкин, аммо экотуризм мавжуд бўлган

1-жадвал. ҳудудда доим ҳам экобизнес экотизим самарадорлигини оширишга қодир эмас. Экотуризмнинг иқтисодий имкониятларига ташриф буюрувчилар, улар учун ҳудуднинг очиқлиги, қўшимча диққатга сазовор жойларнинг мавжудлиги, ҳудудга

### Экотуризмни ривожлантиришнинг иқтисодий фойда ва иқтисодий заарлари

№	Иқтисодий наф	Иқтисодий заар
1.	Маҳаллий аҳоли бандлиги ва даромадларнинг ошиши	Экотуризмнинг қайта тиклаш салоҳиятидан ортиқча истеъмоли натижасида унинг қийматининг пасайиши
2	Йил давомида барқарор иш ўринлари	Ташриф буюрувчилар ўргасида экотуризм обьекtlари ва корхоналари маҳсулотларига нисбатан талабнинг камайиши
3	Иқтисодий фаолиятни кенг микёсда диверсификация қилиш ва шу оркали иқтисодий таҳдидларни камайтириш	Экотуристик обьекtlардан сикиб чиқарилиши натижасида маҳаллий аҳолининг экотизимдан оладиган анъанавий даромад манбаларидан маҳрум бўлиши (ўтин, пичан, ов)

\*Манба: Эксперт сўрови натижасида муаллифлар ишланмаси.

### Туризмнинг муҳофаза қилинадиган ҳудудга потенциал салбий таъсири

№	Ўрганилган омиллар	Табиатта таъсири	Изоҳ
1.	Гавжумлик, маданиятсизлик	Атроф-муҳитта салбий таъсири, ҳайвонларга нотўғри муносабат, ташриф буюрувчиларнинг тартибсизлиги	Тартиби қатъийлаштириш зарурити.
2.	Туристик обьектларни ривожлантириш	Инсон томонидан яратилган тузилмаларнинг ҳаддан ташкари ортиб кетиши	Шахарга хос ривожланиш холати
3.	Дам олиш, ифлосланиш, шовқин (радио ва бошқалар)	Табиатнинг бузилиши (эрозияси)	Фаслларда заифлашиш, шовқиннинг ортиб бориши
4.	Чиқинди	Табиий ҳудудни кераксиз нарсалар билан тўлдириш	Эстетика ва соғлиқка қаратилган хавф
5.	Автомобиллар катнови	Ҳайвонларнинг нобуд бўлиши	Экологик ўзгаришлар, чанг
6.	Турли хил ёдгорликлар йиғиб олиб кетилиши	Табиий жараёнларни, дикқатга сазовор жойларни йўқ қилиш	Чиганоқлар, маржон, шохлар, кубоклар, ноёб ўсимликлар
7.	Сунъий сув ҳавзалари ва шўрланишининг ортиши	Ғайритабиий ёввойи ҳаёт концентрацияси, ўсимликларга зарар етказиш	Браконьеरларнинг ортиши
8.	Экзотик ўсимликлар ва ҳайвонлар орасига кириб бориши	Ёввойи табиат билан рақобат	Қишлоқ хўжалигига зарар
9.	Ташриф буюрувчиларнинг ҳайвонот оламига таъсири	Баъзи ҳайвонларда популяциянинг камайиши	Ҳайвонларга ва уларнинг озик-овқатига таъсири

\*Манба: McNeely, Thorsell, and Ceballos-Lascurain 1992

кириш нархи каби омиллар таъсир қиласи. Бироқ, баъзан саёҳат харажатлари юкори бўлган ҳудудларда ҳам тижорат экотуризми ривожланиши мумкин, буни Антарктидага кемада саёҳат туризмининг ривожланиши ҳам тасдиқлайди.

Экотуризмни ривожлантириш учун ҳудуднинг иқтисодий имкониятларини баҳолашда 2-жадвалда келтирилган омиллар муҳим бўлиши мумкин. Ушбу жадвал экотуризмдан олинадиган даромадларни, иқтисодий баҳони ўз ичига олиши кераклигини таъкидлайди. Бундан ташқари, экотуризм билан шуғулланишининг ҳақиқий молиявий афзаллiği (ёки камчили-

клари) туризм лойиҳасини қай даражада бошқаришга боғлиқ бўлади. Шундай экан, амалга оширилаётган ва амалга оширилиши режалаштирилаётган экотуризм бизнесининг иқтисодий жиҳатлари такомиллашган таҳлилини қилиш лозим.

**Ақида АБДУРАХМАНОВА,**  
ассистент,  
**Фарход АХРОРОВ,**  
и.ф.н., доцент.  
**Самвии.**

#### АДАБИЁТЛАР

- Ҳамидов О.Ҳ., Норчаев А.Н. “Экотуризм”. Тошкент. ТДИУ, 2011.
- Слемент Аллам Тисделл. “Экотуризмнинг иқтисодий жиҳатлари: ёввойи табиатга асосланган туризм ва унинг табиатта қўшган ҳиссаси”. Мақола. “Шри-ланка қишлоқ хўжалиги” журнали. 2003, август.
- Honey M. Ekoturizm va bargaror rivojlanish: Jannatga kim egalik qiladi? Washington D.C: Island Press. (1999).

УЎТ: 631.316.6

ТАДҚИҚОТ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВНИИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аҳолининг тадбиркорлик салоҳиятини руёбга чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга кулагай тадбиркорлик муҳитини яратиш учун мавжуд муаммоларни ҳал этиш давлат бошқарувининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳар қандай давлат бошқаруви ҳукуқ билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Шу сабабли, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда эркин иштирок этиши, шунингдек, давлат органларининг тадбиркорлик фаолиятига асоссиз маъмурӣ аралашувининг олдини олишга қаратилган зарур ҳукукий кафолатлар яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги тегишли фармонига асосан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси аграр тармоқда фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришдаги мустақиллигини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Чунки, ушбу фармон билан қишлоқ хўжалиги бошқаруvida давлат иштирокини камайтириш стратегиянинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди.

Маълумки, давлат органларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги иштироки биринчи навбатда соҳани тартибга солишга қаратилган ҳукукий асосларни яратиш орқали амалга оширилади.

Норма ижодкорлиги амалийетига мувофиқ, норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилишда уларнинг тадбиркорлик субъектлари фолиятига таъсир этиши нуқтаи назаридан кўриб чиқишига масъул орган ва ҳукукий

механизм мавжуд. Масалан, норматив-хўқуқий ҳужжат лойиҳалари хўқуқий, иқтисодий, молиявий, илмий, экологик, коррупцияга қарши экспертизадан, шунингдек, бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи масалаларга оид норматив-хўқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилиши мажбурийдир. Бундан ташқари, лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси норматив-хўқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси – regulation.gov.uz портали орқали жамоатчилик муҳокамасидан ҳам ўтказилмоқда.

Бироқ, лойиҳаларни кўриб чиқишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига маъмурӣ аралашуви даражаси ҳамда бунинг натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар таҳлили эътибордан четда қолмоқда.

Шу билан биргаликда, амалдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш тартибига мувофиқ, лойиҳа юзасидан берилган таклифларнинг қабул қилиниши мажбурий ҳисобланмайди ва бундай таклифлар ишлаб чиқувчи томонидан норматив-хўқуқий ҳужжатнинг якуний лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳар доим ҳам инобатга олинайяпти, деб бўлмайди. Бу, ўз навбатида, айрим ҳолларда қабул қилинаётган лойиҳаларда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятига аралashiшини назарда тутувчи нормалар белгиланишини келтириб чиқармоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 декабрдаги 1012-сонли қарори билан тасдиқланган Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомда тадбиркорларнинг манфаатларини ифодаловчи аниқ механизмлар белгиланмаган.

Жўмладан, ушбу низомда иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ёки токзорларни яроқсиз деб топиш ва уларни ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тартиби белгиланган. Унга мувофиқ, тегишли туман қишлоқ хўжалиги бўлими, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, туман статистика бўлими, тижорат банклари ҳамда фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси боғ ва токзорларининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги ва ҳосилдорлигини ўрганиш якуни бўйича далолатнома тузади. Далолатнома тегишли ташкилотлар вакиллари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари томонидан имзоланади.

Далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар таҳлил қилиниб, яроқсиз деб топилган боғ ёки токзор ўрнида интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида хulosи тайёрланади ва туман ҳокимлигига тақдим этилади. Туман ҳокими хulosani беш кун мuddатda яроқсиз деб топилган боғ, токзор ўрнида интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласdi.

Шундан сўнг, фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилоти раҳбари туман ҳокимининг қарорига асосан олти ой мuddатda яроқсиз деб топилган боғ ёки токзорни бузиш ҳамда далани дарахт қолдиқларидан (илдизларидан) тозалashi ва уларнинг ўрнида интенсив боғ ёки токзор барпо қилиш ишларини амалга ошириши талаб этилади. Бунда, агар фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилоти раҳбари далолатномани имзолашни рад этганда ёки кўрсатилган тадбирларни белгиланган мuddатларда

бажармаган тақдирда, туман ҳокимлиги ер участкасини ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тўғрисида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Фикримизча, ушбу тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биринчи навбатдаги вазифаси қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолиятини тугатиш билан боғлиқ чораларни кўришда эмас, балки уларни иқтисодий жиҳатдан кўллаб-куватловчи субсидия ва бошқа молиявий кўмаклашувчи имкониятлар механизмларини белгилашда ифодаланиши лозим. Зоро, давлат органлари фермер хўжаликларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари шарт.

Давлат органларининг қишлоқ хўжалигидаги иштироки соҳани рағбатлантиришга қаратилган қишлоқ хўжалиги субъектлари ўтасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамоилларини кенг жорий этиш ҳисобланади. Юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, бу борада бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва дехқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз куттан сезиларли ўзгариш бўлмайди.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 22-моддасида фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари аралашувига йўл қўйилмаслиги назарда тутилган.

Шундай экан, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ўз фаолиятини мустақил равишда белгилайди ҳамда давлат органлари ёки бошқа ташкилотларга уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига тўғридан-тўғри аралashiшига йўл қўйилмайди. Бунда, боғ ва токзорлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланшишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-хўқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунига кўра, ҳар қандай норматив-хўқуқий ҳужжат ўзиға нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-хўқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини бекор қилиш асослари келтириб ўтилган. Шубҳасиз, бу ўз навбатида ерга бўлган ижара ҳуқуқини таъминлаш билан бир қаторда, шундай ҳуқуқни бекор қилишнинг бошқа асосларни рад этади.

Шунга кўра, фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбарининг яроқсиз деб топилган боғ ёки токзорни бузиш, уларнинг ўрнида интенсив боғ ёки токзор барпо қилмаслиги ёки тегишли далолатномага қўл қўйишдан бош тортишини ерга бўлган ижара ҳуқуқини бекор қилишнинг асосларидан бири сифатида белгилаш қонуни кўллаш амалиётида турли қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Юқорида билдирган фирмалардан келиб чиқсан ҳолда, кўйидаги хulosаларни илгари суриш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 декабрдаги 1012-сонли қарори билан тасдиқланган Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш юзасидан қайта кўриб чиқиш зарур. Бунда асосий эътиборни кам ҳосил берадиган боғларни қайта ташкил этишда фермер

хўжаликларига кўмалашувчи ёки уларни рағбатлантирувчи тадбирлар механизмидан кенг фойдаланишни назарда тутиш (хусусан, субсидиялар бериш, имтиёзли банк кредитлари ва х.к.) мақсадга мувофиқ;

- Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва бошқа қонунларини маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фаолиятида тўғридан-тўғри

иштирокини мақбуллаштириш билан боғлиқ ваколатларини қайта кўриб чиқиши талаб этилади;

- қонунисти хўжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишининг кафолатли механизмини жорий этиш керак.

**Рахмон СУЛТАНОВ,**  
*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
масъул ходими.*

#### АДАБИЁТЛАР

1. Исканов Р.А. Значение государственного управления в сфере сельского хозяйства. // <https://readera.org/read/140114655>.
2. Воронин Б.А. Управление агропромышленным комплексом Российской Федерации: система, современные задачи. // “Аграрный вестник Урала”. №8 (100), 2012 г.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий хўжжатлар тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/2105724>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. // <https://lex.uz/docs/275195>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 24.01.2020 й. // <https://president.uz/uz/lists/view/3324>.
6. <https://lex.uz/search/nat?actnum=4292>.

УЎТ: 657.57.5.

ТАДҚИҚОТ

## АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ РЕНТАБЕЛЛИГИ ТАҲЛИЛИ

*В статье анализируется рентабельность автотранспортных предприятий, рассматриваются виды рентабельности, делаются соответствующие выводы и даются рекомендации по теме.*

*The article analyzes the profitability of road transport enterprises, how to calculate the profitability of road transport enterprises, what types of profitability are considered, and provides relevant conclusions and recommendations on the topic.*

Рентабеллик кўрсаткичлари доимий равища хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб келган. Шу боис, бу кўрсаткич корхона маълумотларидан ташки ва ички фойдаланувчиларни, айниқса, инвесторларни қизиқтириб келган. Инвесторлар корхона рентабеллик кўрсаткичига қараб унинг фаолиятига дастлабки баҳо берганлар.

Автомобиль транспорти корхоналарида рентабелликнинг аниқланиши нафақат ташки фойдаланувчилар, балки ички бошқарув фаолиятида ҳам муҳим аҳамияти касб этади. Чунки жамиятда асосий хизмат кўрсатувчи ташкилот бўйича, унинг даромадлилиги бўйича ҳисоб-ахборотлари доимо дикъат марказида ҳисобланади.

Умуман олганда, автомобиль транспорти корхоналарида рентабеллик қандай ҳисобланиши керак, рентабелликнинг қайси турлари ҳисобланиши керак деган саволлар доимий равища муҳокамаларга сабаб бўлади.

Бошқарувда ва автомобиль транспорти корхоналарида рентабеллик кўрсаткичлари ҳисобланиши ва унинг ўзига хослиги бўйича, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, турли илмий мунозаралар учраб туради. Жумладан, О.В. Демчук, С.Г. Арефьевалар ўз тадқиқотларида рентабелликни фойда кўрсаткичлари билан тўғридан-тўғри боғлаб, унга асосий таъсир қилювчи омил – фойда эканлигини эътироф этадилар. Муалифлар корхона молиявий натижаси ва фойдага таъсир қилювчи омилларни иккинчи гурухга, яъни ички ва ташки омилларга бўлиб ўрганадилар. Ички омилларга корхона ички имкониятлари, материал ресурслари кабиларни киритиб, ташки омилларда турли соҳалардаги сиёsat ва бошқа ташки

ҳолатларни инобатга олиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Хорижий олимлардан И. Шумпетер, Андре Бабо ва бошқалар рентабелликка кескин таъсир қилювчи омилларни қуидаги 4 та йўналишда деб ҳисоблайдилар:

юқори сифатли янги турдаги товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш;

янги бозорларни камраб олиш;

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишида инновация ва янги технологияларни жорий қилиш;

ташкилий бошқарувда янгиликларни жорий этиш.

Олимлар томонидан илгари сурилган йўналишлар умумий бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари асос қилиб олинган.

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдикли, рентабелликнинг турлари бир қанча бўлиб, улар корхона фаолиятининг ўёки бу йўналишига баҳо бериш ёки корхонанинг мулкидан самарали фойдаланилишига баҳо бериш мақсадида аниқланади.

Шу боис, автомобиль транспорти корхоналарида ҳам рентабелликни аниқлаш берилилган таклиф ва тавсиялар асосида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, корхона активлари рентабеллигидаги мавжуд ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, активлар рентабеллиги паст даражада. Бироқ олдинги параграфларда таъкидлаб ўтганимиздек, бу кўрсаткичлар билан хulosса чиқармаслигимиз лозим. Асосли хulosса чиқаришимиз учун эса, ҳар бир хусусий кўрсаткични таҳлил қилишимиз керак.

Албаттa, бундай кескин ўзгаришлар бўлганда, фақатгина ийллик ҳисобот кўрсаткичларига қараб хulosса чиқариш етарли самара бермайди. Шу боис, фикримизча, автомобиль

транспорти корхоналарида активлар рентабеллигини таҳлил этишда хусусий кўрсаткичлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мисол учун, активлар қиймати камайиши асосий воситаларнинг эскириши ҳисобига вужудга келиши мумкин. Агар асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати пасаядиган бўлса, албатта, фойда солиги тўлангунга қадар фойда суммаси ошмаса ҳам, активлар рентабеллиги юқори бўлиши мумкин. Аксинча, корхона асосий воситалари, бошқа активлари фойда олишда фаол иштирок этса-да, бирор корхонада асосий фаолиятга боғлиқ бўлмаган заарнинг пайдо бўлиши, жумладан, валюта курси бўйича қарздорликнинг қайта баҳоланиши натижасида курсдаги фарқнинг катта миқдордаги зарар билан чиқиши, фавқулодда зарар кўрилиши, асосий фаолиятга боғлиқ бўлмаган бошқа операцион ҳаражатларнинг пайдо бўлиши кабилар корхона фойдасини пасайтириши, фойданинг заарга айланиши ҳисобига ҳам активлар “паст” рентабелли бўлиб чиқиши мумкин. Одатда, кўпчилик тадқиқот ва манбалардан кўрамизки, хусусий омилларга эътибор берилмасдан, баланс ҳисботи маълумотлари асосида активлар рентабеллиги аниқланади ҳамда шу асосда рентабелликни ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланади.

Юқорида кўриб чиқилганлар асосида куйидаги хуносалар шакллантирилди:

Автомобиль транспорти корхоналарида рентабелликни таҳлил қилиш ва уни ошириш бўйича бошқарув қарорини қабул қилиш учун:

корхона фаолияти йўналишидан келиб чиқиб, даромад манбаларини турларга бўлиб олиш;

фаолият фойдаси ва умумий фойдани алоҳида ажратиб

олиш;

рентабелликка таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар ҳамда уларнинг рентабелликка таъсир даражасини аниқлаш; рентабелликни аниқлашда, албатта, тармоқ хусусиятини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Активлар рентабеллигини аниқлашда активлар суммаси йил давомида камайиб, кўпайиб туришини ва баланс ҳисботида фақатгина йил боши ва йил охиридаги сумма кўрсатилишини, аммо фойда эса йил давомида неча маротаба бўлса-да ҳаммаси кўшиб кўрсатилишини ҳисобга олиб, корхона ички ҳисоб маълумотлари асосида барча фойда олинган давр бўйича активларнинг ҳам ўртacha суммасини олиш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, активлар рентабеллигини аниқлашда иккى тушунчадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Биринчи, амалдаги тартибга кўра аниқланадиган, корхона фойда солиги тўлангунга қадар фойданинг активлар ўртacha йиллик қийматини – активлар рентабеллиги сифатида ҳисоблаш. Иккинчи фаолият билан боғлиқ фойдани айнан шу фойданинг шаклланишида қатнашган активларнинг ўртacha йиллик қийматига нисбатан ҳисобланадиган активлар соф рентабеллигини аниқлаш лозим. Бундан активлар ўртacha йиллик қийматини ҳисоблашда фақат йил боши ва йил охиридаги қийматини эмас, ўрта оралиқдаги фойда кўрсаткичлари ҳисобланган даврлар бўйича олиш самарали ҳисобланади.

Шерзод ЭРГАШЕВ,  
мустақил тадқиқотчи,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

## ҚОНУНЛАР ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС БЎЛСИН

*янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси лойиҳаси хусусида*

**Obligation is an important form of law in civil law relations. In the framework of the article, the author analyzes the concept of obligation, the content of the current and revised Civil Code in relation to its parties, existing views on them, as well as changes in the law. As a result of the analysis, comments were made on the need and importance of innovations provided for by law, as well as on a practical proposal to supplement the content of the definition of the concept of obligation.**

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимидағи ўзгаришлар юзага келаётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни кўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида қонунчиликни жамиятда содир бўлаётган жараёнларга мос равишда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу боис, **Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида маъмурий, жиноий, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш мухим устувор йўналишларнинг вазифаларидан бири сифатида белгилаб кўйилди.**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси (ФК) (1995 йил 21 декабрдаги 163-1-сонли, 1996 йил 29 августдаги 257-1-сонли қонунлар билан тасдиқланган) 1997 йил 1 январдан амалга киритилган. Ушбу даврдан бўён

**ФК жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини тартибга солувчи муҳим қонун ҳужжати сифатида амалиётда қўлланиб келинмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг янги босқичи иқтисодиётни янада либераллаштириш, иқтисодий муносабатларни тартибга солища давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатларини ҳимоя қилиши кучайтириш, тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни талаб этмоқда. Ушбу вазифаларни бажариш учун эса эркин бозор иқтисодиёти ва илғор халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган, тўғридан-тўғри амал қиласидиган замонавий фуқаролик қонунчилигини шакллантириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик

қонунчилигини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ти ПФ 5464-сонли Фармонида:

фуқаролик қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва унификация қилиш, уларнинг энг намунали хорижий амалиётлар билан уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу соҳада илғор халқаро стандартларни имплементация қилиш;

хусусий мулкнинг дахлизизлиги кафолатларини таъминлайдиган, жисмоний ва юридик шахсларнинг, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манбаатларини ҳимоя қиласидиган самарали фуқаролик-ҳуқуқий механизmlарни белгилаш;

оммавий ва фуқаролик ҳуқуқ нормаларини аниқ чегаралаш, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-бўйруқбозлик тамоилиларига асосланган, ўз аҳамиятини йўқотган ва эскириб қолган

қоидаларни чиқариб ташлаш;

давлат-хусусий шериклиги, кластерлик ишлаб чиқариши, электрон тижорат, криптовалюта айланмаси, ер участкаларини хусусийлаштириш, улуши курилиш ва бошқа замонавий фуқаролик-хуқуқий институтлар ва иқтисодий муносабатлар шаклларини ҳуқуқий тартиба солишини таъминлаш асосий устувор вазифалар этиб белгиланди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, ҳозирда Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Мажбурият тушунчаси, унинг тарафлари, уларнинг мазмани, аҳамияти ва турлари ҳамда фуқаролик қонунчилигидағи кутилаётган ўзгаришлар тўғрисидаги фикрларимизни мақола доирасида баён этамиш.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари тизимида мажбурият муҳим аҳамиятга эга ҳуқук тури ҳисобланиб, унинг тарафлари жуда кенг ва турли туманлиги билан характерланади. Мажбурият атамаси мазмуни бўйича қонунчилиқда аниқ таъриф берилган бўлса-да, ҳамон олимлар ҳамда мутахассисларнинг унинг мазмуни талқинига муносабатлари турли хил ҳамда мунозаралидир.

Фикримизча, илмий мунозараларнинг мавжудлиги, биринчидан, табии ҳол бўлса, иккинчидан, кишилик жамиятида ижтимоий-иқтисодий муносабатларда содир бўлаётган муносабатларнинг янги тизимлари вужудга келиши сабаблидир. Муқаддам криптовалюта, криптобиржа, смартшартнома, рақамли иқтисодиёт, амалиёт каби ижтимоий-иқтисодий муносабатлари турлари мавжуд эмас эди. Бугун давлат ва жамият ҳаётининг барча жараёнида рақамли муносабатлар иштирок этмоқда, натижада юзага келаётган мажбуриятлар тизими ҳам ўзгармоқда. Шу сабабли, мажбурият тушунчаси, унинг тарафлари ва оқибатлари мазмунини ҳамда улар билан боғлиқ муносабатларни тартиба солиш механизмлари ҳуқуқий асослари янги ижтимоий-иқтисодий шароитга мос равиша такомиллаштирилиши зарурдир.

Мажбурият тушунчаси тўғрисидаги айрим таърифлар таҳлили улар мазмунининг жуда торлиги ҳамда жамиятида содир бўлаётган ўзгаришларни тўлиқ ифодаламаслигини кўрсатмоқда.

Хусусан, А.Диденко мажбурият – фуқаролик қонунчилигида белгиланган мулк ва меҳнатнинг бошқа маҳсулларини

бир тарафга (кредитор) талаб қилиш, иккинчи тараф (карздор)дан эса маълум бир вазифани бажариш ёки уни амалга оширишдан тийилиши талаб қилиш вазифасини юклаш, Г.Ф.Шершеневич эса, мажбурият, бу – юридик муносабат бўлиб, унинг оқибатида бир шахса иккинчиси шахснинг аниқ бир ҳаракатига бўлган ҳуқуқнинг юзага келиши, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик Кодекси 234-моддаси 1-қисмида “мажбурият” тушунчасига “Мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (карздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажариши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида, асосиз бойлик ортириш оқибатида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.” дан иборат.

Мажбурият, юқорида қайд этилганидек, кенг қамровли ва кўп қиррали ҳуқук тури ҳисобланади. Шу сабабли мажбурият ушбу таърифларда келтирилганидек, фақат мулк ва меҳнатнинг бошқа маҳсулларини талаб қилиш, унга ҳақ тўлашдан ташқари, у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Ушбу турдаги мажбуриятлар ҳам ФК меъсрлари асосида тартиба солинади. Аммо ушбу келтирилган таърифлар мазмунидаги юқорида қайд этилган маънолар ўз аксини топмаган.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари тизимида мажбурият тушунчаси тўғрисидаги қарашлар таҳлили, ушбу атама мазмунига қонунчилиқда аниқ таъриф берилган бўлса-да, ҳамон олимлар, амалиётчилар ўртасида унинг мазмунига оид турли мунозаралар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Фикримизча, илмий мунозараларнинг мавжудлиги, биринчидан, илмий жамоатчилик учун ҳар масала мазмунига турлича ёндашиш табии ҳол бўлса, иккинчидан, кишилик жамиятида ижтимоий-иқтисодий муносабатларда содир бўлаётган муносабатларнинг янги тизимлари вужудга келиши сабаблидир. Муқаддам криптовалюта, криптобиржа, смартшартнома, рақамли иқтисодиёт, амалиёт каби ижтимоий-иқтисодий муносабатлар турни ва улар иштирокчилари ҳамда мажбуриятлари ҳам йўқ эди. Ушбу тушунчалар ва уларнинг амалиёти жамият ҳаётининг таркибий ҳамда ажралмас қисмига айланни бормоқда. Бу ҳолатлар мажбурият тушунчаси,

унингиштироқчилари ва муносабатлари қамровини кенгайтириши ҳаётий заруриятга айлантирмоқда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 257-моддаси мажбурият тушунчаси ва унинг вужудга келиш асосларига багишиланади. Ушбу моддада таклиф этилаётган янги таъриф мазмуни “Мажбурият – фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (карздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажариши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида, асосиз бойлик ортириш оқибатида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.” дан иборат.

Таъриф кенг қамровли бўлиб, унда жамиятида шахслараро муносабатларда содир бўлаётган ва бўладиган жараёнлар иштироқчилари (кредитор ва қарздор) ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизим мазмуни ифодаланган. Демак, юқорида келтирилган мажбурият тушунчаси таърифига мувофиқ, у қарздорнинг ҳаракатни бажариш ёки ҳаракатдан тийилиш мажбуриятидан ва кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқидан иборатdir. Таъриф мазмунидан оддий туюлган ушбу муносабатлар тизими аслини олганда мураккаб ҳисобланади.

Мажбуриятлар тизимида қарздор бир вақтнинг ўзида муайян ҳаракатни бажариш ва бошқа бир ҳаракатни амалга оширишдан тийилиш мажбуриятларини олувчи сифатида иштироқ этиши ҳам мумкин. Ҳозирда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштирувчи кластерлар мулқдорлари зиммасига фойдаланиладиган ерлардан самарали фойдаланишиш таъминлаш билан бирга балл бонитетини сақлаш, ерга зарур ишлов бериш, ернинг структураси ва балл бонитети ўзгаришига сабаб бўладиган ҳаракатлардан ўзини тийиш каби бир қатор мажбуриятлар юкламоқда.

Худди шунингдек, ижарачининг мажбуриятлар тизими тегишли тўловни белгиланган муддатларда тўлаб бериш, ижара мулкни таъмирлаш, унга шикаст етказувчи ёки унинг йўқолишига сабаб бўлувчи ҳаракатлардан ўзини тийиш, манбадан ундириладиган солиқларни ушлаб қолиш, бюджетга кўчириб бериш каби мажбуриятлардан иборат бўлиши мумкин.

Мажбурият тушунчаси га лойиҳада таклиф этилган таърифда

ҳам мажбуриятлар бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар тизимида келтирилган тор маънодаги “пул тўлаш” ибораси кўпламоқда. Ҳолбуки, кредитор томонидан бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва етказиб берилган маҳсулот учун, қарздор кредиторнинг маҳсулоти (иш, хизмати) учун тўловни фақат пул тўлаш усулидан ташқари, қонунчиликда мавжуд бўлган пулсиз тартибда амалга ошириладиган ҳисоб-китоб қилиш усуслари билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Мажбурият тушунчасига бериладиган таърифда “пул тўлаш” жумласининг кўпламилиши оқибатида қонун ҳужжатлари билан ҳисоб-китоб қилиш учун рухсат этилган бошқа тўлов турларидан мажбуриятни бажариш учун фойдаланиши чеклаб кўяди.

**Шунингдек, юқорида қайд этилганидек тарафларнинг мажбурияти кредитор ва қарздор ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлардан ҳам келиб чиқиши мумкинлиги амалдаги ва таклиф этилаётган янги таҳрирда ҳам инобатга олинмаган.**

Фикримизча, мажбурият тушунчаси таърифида қўлланилаётган жумлаларнинг мазмуни кенгроқ бўлиши юзага келиши мумкин бўлган жараёнларни ҳам тўлик ифодалашга хизмат қиласди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги ФҚда таклиф этилаётган таърифдаги “пул тўлаш” жумласини “ҳисоб-китоб қилиш” мазмундаги жумла билан ўзгартириш ҳамда таърифнинг охирги бандини “Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида, асоссиз бойлик орттириш оқибатида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослар ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлардан келиб чиқади” мазмунида баён этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши натижасида таърифдаги мажбуриятлар таркиби, уларни бажариш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар мазмуни аниқлашади ва юқорида қайд этилган ҳисоб-китобларда мавжуд усуслардан фойдаланиши чеклашнинг олди олинади.

Шунингдек, ФҚяниги таҳрири лойиҳасида мажбуриятнинг келиб чиқиш сабаби “асоссиз бойлик орттириш оқибатида” юзага кепиши мумкинлиги тўғрисидаги кўшимча билан ҳам тўлдирилмоқда.

Асоссиз бойлик орттириш қонун ҳужжатларида таъкиланадиган ҳолат бўлиб, лекин кундалик ҳаётимизда учраб турадиган амалиёт ҳисобланади. Асоссиз орттирилган бойлик бошқа: шахс жабрланувчи ёки даъвогар ҳисобидан мол-мulkни эгаллаб олган ёхуд тежаб қолиш эвазига уни кўлга киритувчи шахс томонидан олинган бойлик ҳисобланади.

Асоссиз бойлик орттириш ҳолатлари кўйидагиларда намоён бўлади:

йуни харид қилиш бўйича оғзаки дастлабки келишув асосида берилган закалатпули;

оғзаки келишув бўйича қарз берилган, аммо қарз олувчи маблағни қайтармаган ҳолат;

кўча юзидаги шахсий ўй ёки корхона биносига келишувсиз, рухсатсиз reklama баннерини ўрнатиб хизмат ёхуд маҳсулот реклама қилинганда;

солик бўйича нотўғри имтиёз қўлланиши эвазига олинган даромад;

бюджет олдида мажбурияти йўқ солик тўловчининг солик бўйича ортиқча тўлови;

мулкка эгалик ҳуқуқи асосларини бекор қилиш ҳисобига олинган бойлик.

Асоссиз орттирилган бойликни олган шахс уни қонуний эгасига қайтариши барча давлатлар қонунчилигида белгиланган меъёр ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги ФҚнинг 58-боби 1023-1030-моддалари “**Асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар**” билан боғлиқ фуқаролик муносабатларини тартибида солишга бағишлиланган. ФҚнинг 1023-моддаси асоссиз бойлик орттириш кўлга киритувчи, жабрланувчи, учинчи шахсларнинг хулқ-атвори натижаси бўлганлигидан ёки уларнинг иродасидан ташқари содир бўлганлигидан қатъий назар бойликни эгасига қайtаришини назарда тутади. Лекин асоссиз орттирилган бойликлар қонунчилиқда белгиланган ҳолларда эгасига қайtарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ 5464-сонли Фармонида.

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексни амалга киритиш тартиби тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августандаги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ 5464-сонли Фармонида.
3. А. Диденко. Природа комплексных правовых образований. “Гражданское законодательство. Статьи. Комментарии. Практика”. Вып. 39. – Алматы, 2012. – С. 179-183.
4. Г.Ф.Шершеневич. Учебник русского гражданского права. – Москва, 2005. – Т. 2. – 462 с.

## АДАБИЁТЛАР

Норма ижодкорлиги фаолиятини тақомиллаштириш Концепциясида идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич камайтириш ва уларни қабул қилиш бўйича ҳар бир идоранинг юрисдикцияси рўйхатини аниқ белгилаш ўйли билан уларнинг норма ижодкорлиги ваколатларини чеклаш ҳамда қонулларни тўғридан-тўғри амал қилиш механизмига ўтиш вазифаси белгиланган.

Амалдаги ФҚа кўра қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда мажбурият учинчи шахслар учун мажбуриятнинг бир тарафи ёки ҳар иккала тарафига нисбатан ҳуқуқ вужудга келтириши мумкинлиги белгилаб кўйилган.

Маълумки қонун ҳужжатлари тушунчasi кенг қамровли тушунча ҳисобланади. Ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган оддий идоравий ҳужжат ҳам қонун ҳужжати ҳисобланади. Ушбу тартибининг қонунчиликда амал қилиши натижасида ФҚда белгиланган меъёрга давлат рўйхатидан ўтган қонун ости ҳужжатидаги меъёрнинг қарши бўлиб қолишига сабаб бўлади. Қонунчиликда мавжуд бундай ҳолатлар бир қатор низоларни келиб чиқиши, улар сонининг кўпайиши ҳамда жисмоний ва юридик шахсларда оворагарчиликнинг келиб чиқишига шартшароит яратади.

Шу максадда мажбуриятнинг тарафларига бағишлиланган янги таҳрирдаги ФҚнинг 258-моддаси 5-бандига кўра ‘қонун ҳужжатлари билан белгиланган мажбурият учинчи шахслар учун мажбуриятнинг бир тарафи ёки ҳар иккала тарафига нисбатан ҳуқуқ вужудга келтириши мумкин’лиги тўғрисидаги нормани “қонун ваколати”га ўтказиш таклиф этилмоқда.

Янги таҳрирдаги ФҚнинг 258-моддасига киритиш таклиф этилаётган ушбу ўзгартириш мазмунан кичик ва аҳамиятсиз кўринса-да, мазкур ўзгартириш низоларнинг камайиши, асоссиз оворагарчилик ва қонунбузарликларнинг олди олинишига хизмат қиласди, деб ҳисоблаймиз.

**Боҳодир ИСРОИЛОВ,**  
Юристлар малакасини ошириш маркази  
кафедра мудири,  
и.ф.д., профессор.

## УСТОЗИМИЗ – ФАХРИМИЗ

**Инсон умри бақт үммонадан бир лаҳза бўлиб, унинг қадари йиллар билан эмас, балки шу лаҳза ичида амалга оширган сабобли шалари, ўзидан қолдирган солих фарзандлари, ёътиқодли шоғирслари, умрбокий асарлари ва у ҳақидаги яхши хотиралар билан баҳоланади.**

Устозимиз Владимир Зуевнинг болалик ва ўсмирлик йиллари Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида ўтган. Шу ерда ўрта мактабни битирди. У ўз меҳнат фаолиятини жуда эрта, 13 ёшида бошлади. Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт орти ҳам ҳақиқий меҳнат фронтига айлантирилган, мактабларда ўқиш вақтингча тўхтатилган бўлиб, ишчи кучи етишмаслиги туфайли у хўжалиқда ишчи бўлиб ишлади. Мактабни тугатгач, 1946 йилда Самарқанддаги И.В.Мичурин номли Мева-сабзавотчилик техникумiga ўқишга кириб, 1949 йилда имтиёзли диплом билан тугатган. Касбининг билимдони бўлиш истаги уни ҳозирги Тошкент давлат аграр университетига етаклади. 1955 йилда университетнинг Мева-сабзавотчилик факультетини имтиёзли диплом билан битирган бўлажак олим 1957–1960 йилларда сабзавотчилик кафедраси аспиранти, 1960–1962 йилларда кафедра асистенти, 1962–1969 йилларда доцент, 1969 йил июлдан 1976 йил ноябргacha илмий ишлар бўйича проректор, 1976 йил декабрдан 1980 йил январгacha Сабзавотчилик кафедраси профессори ва мудири, 1980 йил февралдан 1986 йил майгача ўкув ишлари бўйича проректор вазифасида фаолият кўрсатди. 1977 йил октябрдан 1992 йил ноябргacha Сабзавотчилик кафедраси кафедра мудири, 1992 йил декабрдан кафедра профессори, ҳозирда профессор-консультант бўлиб ишлаб келмоқда.

Владимир Зуевни сабзавотчилик ҳамда картошкачалик соҳаси ва фанининг етакчи олими деб бемалол айтиш мумкин. Чунки унинг илмий асарлари нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки ҳамдустлик мамлакатлари ҳамда узоқ хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳурдир.

Изланишлар натижасида у “Мирзачўлнинг шўрхок тупроқларида картошка етишириш хусусиятлари” (“Особенности культуры картофеля на засоленных почвах Голодной степи”) мавзусида 1961 йилда номзодлик ва 1971 йилда “Особенности воз-

делывания овощебахчевых культур и картофеля на засолённых почвах Узбекистана” мавзусида докторлик ишини муваффакиятли ҳимоя қилди. Олим чоп этган “Шўр ерларда сабзавот экинларини етиширишнинг хусусиятлари” номли монографияси (1977) кўпчилик мамлакатларнинг олимларида қизиқиш уйғотган. Олим “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри”га киритилган 13 та сабзавотполиз экинлари навларининг асосий муаллифларидан.

Унинг 425 дан ортиқ илмий ишлардан 210 га яқини агросаноатга татбиқ қилинган илмий изланишлар натижаларига бағишлиланган. Чоп этилган илмий ишларининг 20 дан ортигини дарслеклар ва ўкув қўлланмалар, 30 дан ортигини монография ва брошюралар ва 30 дан ортигини тавсияномалар ташкил этади. Устоз-олим ююри малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. У ўз меҳнат фаолияти давомида 7 нафар фан доктори ва 50 нафардан ортиқ фан номзодларини тайёрлади, шулардан 7 нафар фан номзодлари хориж мамлакатлар фуқаролариидир. У ўзига хос қишлоқ хўжалик олимлари тайёрлаш мактабини яратди.

Сўнгти йилларда профессор Владимир Зуев муаллифлигига кўплаб давлат тилидаги янги дарслек ва ўкув қўлланмалари нашр этилди: “Сабзавот экинлари ва уларни етишириш технологияси”, “Сабзавот экинлари селекцияси, уруғчилиги ва уруғшунослигидан амалий машгулотлар” ва Марказий Осиё минтақасида илк бор магистранлар учун дарслекларнинг янги авлоди “Очиқ жойда сабзавот экинлари етиширишнинг прогрессив технологиялари”, “Малораспространенные тыквенные культуры: использование, биология, особенности возделывания, “Огурцы”,



“Вредители и болезни поселеновых овощных культур и меры борьбы с ними” ўкув қўлланмаси шулар жумласидандир. Бакалаврлар учун ёзилган “Картошкачилик” “Картофелеводство”, “Сабзавотчилик”, “Ҳимояланган ерларда кўчат ва сабзавот етишириш”, “Ҳимояланган жой сабзавотчилиги”, “Овощеводство защищенного грунта” каби рисолалари ҳам бўлажак мутахассисларга соҳа сирасорларни ўрганишда муҳим омил бўлаётир. Сўнгги 4 номдаги дарслеклар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Йилнинг энг яхши дарслиги” танлови совриндори бўлган.

Профессор Владимир Зуев ҳозирда қишлоқ хўжалик олий ўкув юртлари ўкув жараёнини испоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда ўзининг муносаб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Олим томонидан Ўзбекистон Республикаси умумдавлат классификаторининг “Қишлоқ хўжалик” бўлими йўналиши стандарти лойиҳаси тузилган, шунингдек, ушбу йўналиш бўйича таълим оладиган талабалар билимининг зарурӣ ва муҳим даражаси ҳамда битирувчиларга қўйиладиган малакавий талаблари ишлаб чиқилган. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида университетимизда 1998 йилда бакалавриатнинг 18 та йўналиши, магистратуранинг 22 та ихтисослиги бўйича, 2001–2002 йилларда бакалавриатнинг 14 та йўналиши ҳамда магистратуранинг 50 та, 2011/2012 ўкув йилида эса бакалавриатнинг 19 та, магистратуранинг эса 42 тадан ортиқ ихтисосликлари бўйича таълим стандартлари ва намунавий ўкув режалари ишлаб чиқилди. Олим кўп йиллар давомида собиқ иттифоқ қишлоқ хўжалиги вазирлиги олий таълим бошқармаси

қошидаги илмий-услуб кенгаши аъзоси, ВАСХНИЛ қошидаги сабзавотларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича гурух аъзоси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлиммининг гурухларида аъзо, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бўйича Илмий-техника жамияти Республика кенгаши илмий котиби вазифаларида фаолият юритган.

Олим ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштириш кенгаши аъзоси, Фан ва технологиялар Маркази эксперти, республика миқёсида чоп этиладиган “Ўзбекистон аграр фани хабарномаси” журнали таҳририяти аъзоси, диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган илмий кенгаш

аъзоси, университет ўқув-услубий кенгаши аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Хукуматимиз олимнинг кўп йиллик фидокорона ва самарали педагогик ва илмий салоҳияти, жамоат ишларидаги фаоллиги, эришган ютуқларини инобатга олиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони билан тақдирлади. 1995 йилда Халқаро аграр таълим академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланган.

Устоз қардера ва қандай лавозимда ишламасин, доим ўз вазифасини вижданан ва сидқидилдан адо этиб келмоқда. У ростгўйлиги, камтарлиги, соғдиллиги, олийжаноб фазилатлари ва фидойилиги туфайли университет жамоаси ҳамда илм-фан аҳли орасида юксак ҳурматта эта.

“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” - “Сельское и водное хозяйство Узбекистана” таҳририяти ҳам муҳтарам олимимизни таваллуд топган куни билан муборакбод этади ҳамда унга соғлик-саломатлик ва илмий-амалий фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси профессор Владимир Зуевни таваллуд топганига 90 йил, илмий-педагогик фаолиятига 70 йил тўлиши муносабати билан қизғин муборакбод этиб, устоз-олимга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, баҳт, мустақиллегистизни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида янада катта шижоат тилаб қолади.

**Ботир СУЛАЙМОНОВ,**  
ТошДАУ ректори, академик,  
**Махфурат АМАНОВА,**  
қ.х.ф.д., профессор,  
**Ориф ҚОДИРХЎЖАЕВ,**  
қ.х.ф.н., доцент,  
Сабзавотчилик, полизчиллик ва  
картошкачилик кафедраси.

## ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига манфаатдор вазирлик ва ташкилотларнинг масъуллари ва мутахассислари иштирирокида доривор ўсимликлар етиштириш, қайта ишлаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш масалаларига бағишинланган давра сұхбати бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсуви доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ҳамкор вазирлик ва идоралар вакиллари, илмий-тадқиқот институтлари олимлари, доривор ўсимликлар етиштирувчи кластерлар раҳбарлари иштирок этди. Асосий эътибор аҳолини табиий дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, соҳа самародорлигини ошириш ва экспорт потенциалини кучайтиришга қаратилди.

Иғилишда Қишлоқ хўжалиги вазири маслаҳатчиси Алишер Шукуров доривор ўсимликларни етиштиришда соҳа мутахассисларининг ҳамкорлигини кенгайтириш, бу борада истиқболли ташаббусларни амалга ошириш ва “Ўзбекистон Республикасида 2020-2030 йилларда доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш, табиий дори воситалар ассортиментини кўпайтириш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш стратегияси” лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлadi.

Республикада сўнгги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайta ишлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бироқ таҳлиллар доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш, қайта ишлаш орқали кўшимча қиймат занжирини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, бугунги кунга қадар соҳа мутахассислари томо-

нидан шўрланган ерларда 111 турдаги доривор ўсимликлар ўрганилган. Республика бўйича сўнгги йилларда 13 минг 114 гектар майдонда кўп йиллик шифобаҳш гиёҳлар экилган. Доривор ўсимликларни уруғ ва кўчатлари етиштириб бериш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Намангандарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 7 та ташаббускор томонидан турли доривор ўсимликлар етиштирилмоқда.

– Асосий масала доривор ва зиравор ўсимликларни Қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритиш, оналик майдонларини барпо этиш, кўчатчилик ва уруғчилик тизимини яратиш, доривор ўсимликлар етиштириш агротехнологияларни ишлаб чиқиш соҳа ривожига замин яратади, – дейди Доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Адiba Аҳмеджанова. – Мутахассислар қайд этишича, мазкур йўналишдаги ишлар тизимли йўлга кўйилса, тизим фаолияти янада тақомиллашади. Натижада фармацевтика корхоналари ва доривор ўсимликларни етиштирувчи кластерларнинг маҳсулотларга талаб ва таклиф муносабатлари тартибга солинади. Республикадаги соҳа ривожига масъул бўлган вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида фармацевтика саноатини хомашё билан таъминланиши билан бирга, экспорт салоҳиятини кучайтиради.

Шунингдек, жамоат жойларида маҳсус фитобарлар ташкил этишга доир ягона тартибни ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунда доривор ўсимликлар хусусиятларини инобатга олиб, тавсия этиладиган тоифалари ва истеъмол меъёrlарини белгилаш лозимлиги айтилди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан мавзу бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Билдирилган таклифлар асосида маълумотлар алмашинувини йўлга куйиш борасида келишиб олинди.

**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Матбуот хизмати.**

**O'ZBEKISTON  
QISHLOQ VA SUV  
ХО'JALIGI**  
АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,  
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

**МУАССИСЛАР:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

**Бош муҳаррир:**

Тоҳир ДОЛИЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Ўқтам БАРНОЕВ  
Жамшид ХОДЖАЕВ  
Шавкат ХАМРАЕВ  
Шуҳрат ТЕШАЕВ  
Баҳодир РЎЗИБОЕВ  
Баҳодир ТОЖИЕВ  
Равшан МАМУТОВ  
Аброл ВАҲОБОВ  
Баҳром НОРҚОБИЛОВ  
Низомиддин БАКИРОВ  
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ  
Ўқтам УМУРЗОҚОВ  
Алишер МАҚСУДОВ  
Равшанбек СИДДИҚОВ  
Мирзиёд МИРСАИДОВ  
Бахтиёр КАРИМОВ  
Ибрагим ЭРГАШЕВ  
Мурод АШУРОВ

**2020 йил,  
№7. Июль**

**Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.**

**Обуна индекси:  
якка обуначилар учун – 894  
ташкилотлар учун – 895**

**МУНДАРИЖА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида .....	1
Ш.АБДУАЛИМОВ, Б.НИЁЗАЛИЕВ, Ф.ҲАСАНОВА. Ёз чилласида гўза парвариши .....	3
Р.АБДУЛЛАЕВ, Ҳ.АБДУЛЛАЕВА. Боғлarda ҳосил сифатига эътиборни қаратайлик .....	4
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Такорий экинлар парвариши .....	6
М.ТОШБОЛТАЕВ. Озуқа ўриш-йиғиш машиналари чорвадор кўмакчиси .....	9
Д.КДИРБАЕВ. Хоразмда 1717 гектар гўза майдонлари томчилатиб сугориш усулiga ўтади .....	10
Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариши миллий лойиҳаси давом этади .....	11
Э.АБДУАЛИМОВ. Соҳа равнаки кадрлар салоҳиятига боғлиқ .....	11
А.ҲАЙИТОВ. Эл хизмати хоритмас .....	13
Р.ҚОЗОҚОВ. Сувчи маҳорати ҳосил тақдирини ҳал қиласи .....	14
А.ЖЎРАЕВ. Экинини оби-тобида сугорган дехқон ютказмайди .....	14
Ш.НОРМУРОДОВ. Томчиларда унган ҳаёт .....	15
Инновацион ва тежамкор технологиялар – ҳосилдорлик омили .....	16
Мўл ҳосил – фаровонлик гарови .....	17
Ш.ЖАББАРОВА. Тупроққатъда янги давр .....	18
Зардуштийлардан қолган тарих .....	19
Ҳ.КАРИМОВ. Чорвачилик маҳсулоти кўп ва хўб бўлади .....	20
Р.ТОЖАЛИЕВА. Сурхоннинг фидойи дехқонлари .....	21
Ш.СОДИҚОВА. Изланганинг имкони бор .....	22
Оёқ остидаги хазина .....	23
Я.БАБАЕВ, Г.ОРАЗБАЙЕВА, М.МИРАХМЕДОВ, М.ИСРОИЛОВ, М.АРАБОВА. Ғўзанинг тезпишар “С-8296” нави .....	24
У.КАЮМОВ, В.АВТОНОМОВ, А.РАВШАНОВ, Ш.ХОДЖАНОВ. Изменчивость и наследуемость признака «штапельная длина волокна» у географически отдаленных гибридов F <sub>1</sub> -F <sub>3</sub> хлопчатника вида G.Babadiensel .....	25
Р.ИШШУХАМЕДОВА. Пахта комплексида кузги буғдойни озиқлантиришнинг дон ҳосилдорлигига таъсири .....	26
Қ.АЗИЗОВ, Д.ЕДЕНБАЕВ, Ҳ.НАЗАРОВ. Жўхорининг янги “Массино” нави – тўйимли озуқа .....	27
Д.ИСМАЙЛОВ, Ф.НАМОЗОВ. Такорий ва оралиқ экинларнинг тупрок ҳажм массасига таъсири .....	29
Т.ОСТОНАҚУЛОВ, О.МУРАТОВ, А.ИСМОЙИЛОВ. Такорий экин сифатида томидор нав ва гетерозисли дурагайларини баҳолаш .....	30
С.НЕГМАТОВА, М.НУРУЛЛАЕВА. Crotalaria Juncea I ўсимлигининг тупрок унумдорлигини оширишдаги роли .....	32
М.МАШРАБОВ, М.ҲАЙИТОВ, Ш.РАДЖАБОВА. Зарафшон водийси ўтлок тупролари фосфат режимини яхшилаш йўллари .....	33
Ж.САУХАНОВ. Таҳтакўпир туманида чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари .....	34
Ф.САТТОРОВ. Симменталь зотли сигирлар сут маҳсулорлигининг ишлаб чиқариш типларига боғлиқлиги .....	35
Д.РАЗЗАҚОВА. Қорамоллар юкумли лейкозига карши курашнинг замонавий усуллари .....	36
Ш.АҲМЕДОВ, М.УЗОҚОВА, Б.ИБРОҲИМОВ, Р.ЭРГАШЕВ. Шамол эрозиясининг зарарли оқибатлари .....	38
А.АБДУРАҲМАНОВА, Ф.АҲРОРОВ. Экотуризмнинг иқтисодий жиҳатлари .....	39
Р.СУЛТАНОВ. Қишлоқ хўжалиги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш .....	40
Ш.ЭРГАШЕВ. Автомобиль транспорти корхоналари рентабеллиги таҳлили .....	42
Б.ИСРОИЛОВ. Қонунлар замон талабига мос бўлсин .....	43
Устозимиз – фахримиз .....	46
Доривор ўсимликлар етиштириш истиқболлари .....	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ах-  
борот агентлигига 2019 йил 10 январда  
0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш.,  
Шайхонтохур т. А. Навоий к., 44-үй.

Тел: +998 71-242-13-54,  
+998 71-242-13-24.

[www.qxjurnal.uz](http://www.qxjurnal.uz)  
E-mail: uzqx\_jurnal@mail.ru,  
Telegram: qxjurnal\_uz

© «O'zbekiston qishloq va suv  
xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2020 йил  
1 июль. Босиша гурхат этилди: 2020 йил  
1 июль. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет  
усулида оғизозига чоп этилди. Шарт-  
ли босма табоги 4,2. Нашр ҳисоб табоги  
5,0. Буюртма №01/07. Нусхаси 1500 дона.

**RELIABLE PRINT  
МЧЖ да чоп этилди.**

**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳар Чорсу майдони ЗА.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ  
Дизайнер: У.МАМАЖОНОВ, Н.БОЛТАЕВА



# POLIMER GALANTERY

**Надёжная полимерная продукция от производителя**

## ПЛЁНКА ПОЛИЭТИЛЕНОВАЯ:

- ГИДРОИЗОЛЯЦИОННАЯ
- ПАРНИКОВАЯ 3-Х ГОДИЧНОГО СРОКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
- ТЕРМОУСАДОЧНАЯ УПАКОВОЧНАЯ
- ТРЁХСЛОЙНАЯ
- МЕШКИ И ПАКЕТЫ



Адресс: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Янги Олмазор 51.

 (+998) 94-638-33-33  
 (+998) 95-142-31-19  
 (+998) 97-342-50-08

 polimergalantry@mail.ru  
 www.polimergalantry.uz



# Chorvador.uz

## ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА




Резина ётоқлар



УТТ аппарати



Сут совутиш ва сақлаш танклари



Чорвачилик комплексларини лойиҳалаштириш



Сигир елинини дезинфекция қилиш  
ва ускуналарни ювиш воситалари



Чорвачилик ускуналари ва эҳтиёт қисмлари

Озуқа тайёрлаш ва тарқатиш техникалари



Сигир соғиши ускунаси ва заллари

Тошкент ш., Аҳмад Дониш 22.  
тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55;  
+998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz

[www.chorvador.uz](http://www.chorvador.uz)